

BOSH MUHARRIR v. b. :
Azamat TOIROV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Ibrohim Abduraxmonov,
O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Aktam XAITOV,
O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,
"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash" markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,
"Agro Biznes Inform Tahririyati"
MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,
O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

Fayzullo TOJIQULOV,
O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rinbosari
Asror MO'MINOV

Mas'ul kotib:
Shukurjon JABBOROVA

Dizayner:
Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:
Jo'rabek SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda
Baxtiyor ESANOV

Sirdaryo va Toshkentda
Farmina G'ayratova

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli
qarori bilan Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga
olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan
The journal has been published since 2005

№4 (173) 2024

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Kamoliddin SULTONOV,

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori

Durbek MAXKAMOV,

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrası prof.v.b., yuridik
fanlar nomzodi

Temirjan AYTBAEV,

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrası mudiri, q.x.f.d.

Bekmurat TURDISHEV,

Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q. x. f. f. d

Baxrom MADARTOV,

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q. x. f. d, professor

Khashim YAKHYAEV,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodim,
professori, q. x. f. d.

Usmon NORQULOV,

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrası professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrası professori, q. x. f. d.

Erkin FARMONOV,

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti,
professor, texnika fanlari doktori

Mansur YULDASHOV,

ToshDAU, Baliqchilik kafedrası professori, biologiya fanlari doktori

Asqarbek SAFAROV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Alevtina KOJEVNIKOVA,

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

Abdulla MADALIEV,

"Toshkent gumanitar fanlari universiteti" professori, iqtisod fanlari doktori

Abdunabi FATXULLAEV,

ToshDAU, texnika fanlari doktori, professor

Sirojiddin JO'RAYEV,

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası mudiri

Murod RAXMANKULOV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası
professori, q. f. d.

O'ktam QO'LDOSHEV,

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası mudiri
(PhD)

Dilmurodjon HAKIMOV,

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash"
kafedrası dotsenti

Iroda BAKIEVA,

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrası professori v. b., i. f. d.

Erkinjon BOTIROV,

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrası dotsenti, i. f. n.

Gulxehra TANGIROVA,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası
dotsenti

Musulman ZIYATOV

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot
institutining katta ilmiy xodimi, q. x. f. f. d., (PhD)

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Хурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа жонкуярлари!

Жонажон диёримизда дала ишлари, жорий мавсум якунига етиб бораётган ушбу қутлуғ айёмда сизларни ва кўпмиллатли бутун халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Фидокорона меҳнати билан тупроқдан ноз-неъмат ундириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиб келаётган сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, мохир боғбон ва чорвадорларга, омилкор агроном ва механизаторлар, кластерларнинг тажрибали раҳбарлари ва ходимлари, соҳанинг ҳурматли фахрийларига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ана шундай мураккаб шароитга қарамасдан, жорий йилда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз билан юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилгани – чинакам қаҳрамонлик намунаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бунинг учун сизларнинг шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Албатта, бундай улкан ютуқларга эришишда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ривожига берилаётган юксак эътибор, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши тушунамиз.

Айниқса, соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Бу йил 100 минг гектар майдонда касаллик ва зараркунандаларга чидамли серхосил ғўза навлари экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ғаллачиликда ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдорлик биринчи марта 85 центнерга етказилди. Олти мингдан ортиқ тажрибали фермерларимиз бу борада 90-100 центнерлик маррани забт этганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ресурсларни тежайдиган интенсив технологиялар асосида 50 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳосилдорлик анъанавий усулга нисбатан 200-250 центнерга ошгани, соф даромад гектаридан 6-8 минг долларни ташкил этгани ҳам муҳим ютуқларимиз қаторига киради.

Йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларига 18 триллион сўм имтиёзли кредит ва 176 миллиард сўм субсидия ажратилгани, умумий қиймати 3,6 триллион сўмлик 11 минг

600 дона юқори унумли замонавий техника ва агрегатлар етказиб берилгани ҳам мавсумни самарали яқунлашда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида илк бор Миллий дастур қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий молия ташкилотларидан 160 миллион доллардан ортиқ маблағлар жалб этилмоқда.

Бу йил қишлоқ жойларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 343 та янги лойиҳа ишга туширилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг нафардан ортиқ ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани ва 200 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қишлоқда бандликни таъминлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Томорқачиликда даромадни ошириш мақсадида 5145 та маҳалла “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослаштирилди.

Чорва наслини яхшилаш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун аҳолига 40 минг бош қорамол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилди, четдан 260 минг бош зотдор моллар олиб келинди.

Қадрли дўстлар!

2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилганимиз албатта бежиз эмас.

Бутун тақдири ва истиқболи ер-сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги учун бу қарорнинг аҳамияти қанчалик катта эканини сиз, азизлар айниқса яхши тушунасиз.

Ҳеч шубҳасиз, мазкур йил бўйича қабул қилинадиган давлат дастури соҳани барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш, қишлоқ хўжалигида “яшил” технологияларни қўллаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича янги имкониятлар очади.

Аграр соҳани илм-фан асосида ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, унинг барча тармоқларидаги инновацион фаолиятни интеграциялаш мақсадида келгуси йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этамиз.

Ўтган йиллардаги ижобий тажриба давом эттирилиб, яна 100 минг гектар ер деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун аҳолига бўлиб берилади. Пахтачиликда 40 фоиз майдонда Хитойда ўзини оқлаган илғор тажриба жорий этилади.

Халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, маҳсулот етиштирувчиларга “бир дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилади.

Қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилади.

Хурматли деҳқон ва фермерлар, соҳа ходимлари!


Кўриб турганингиздек, олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда сизлар фаол иштирок этиб, ўз куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз билан қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сиз, азизларни бугунги файзли байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, олижаноб фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Ҳалол меҳнатингиз, азму шижоатингиз учун яна бир бор катта раҳмат. Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, қадрдонларим!

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

КАМТАРИН АДИБ



Маълумки, таниқли олим, адиб ва моҳир таржимон Асил Рашидович Рашидов 1930 йили 1 январь куни Жиззах туманининг Совунгарлик қишлоғида туғилган. 1954 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналист мутахассислиги бўйича тамомлаган.

1954-1958 йилларда “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида адабий ходим, бўлим мудир бўлиб ишлаган.

1958 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасига ўқишга кириб, 1961 йилда уни муваффақиятли тугаллади ва 56 йил давомида ушбу даргоҳда ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, доценти, профессори лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида “Инсон ва меҳнат мадҳи”, “Сўнмас юлдузлар”, “Асрга тенгдош мактаб”, “Леся Украинка”, “Чиниқиш мактаби” сингари кўплаб илмий-оммабоп асарлар яратди. Айниқса, мустақиллик йилларида дунё юзини кўрган, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов хотирасига бағишланган “Акам ҳақида” рисоласи, “Эзгуликка бахшида умр”, “Чингиз Айтматовнинг бадий олами” сингари асарлари минглаб китобхонларнинг самимий эътироф ва эҳтиромига сазовор бўлди.

Асил Рашидов бадий таржима соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратган ҳассос сўз санъаткори эди. У машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз”, “Жамила”, “Бўтакўз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Алвидо, Гулсари!”, “Сомон йўли”, “Оқ кема”, “Эрта келган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопаетган олапар”, “Асрни қаритган кун” сингари бетакрор асарларини ўзбек тилига беқиёс маҳорат билан ўгириб, халқимизнинг бадий тафаккурини юксалтиришга улкан ҳисса қўшди.

Улкан илмий-ижодий ва ҳаётий тажрибага эга устоз-мураббий ўзининг меҳнаткашлиги ва жонкуярлиги, ёшларга ғамхўрлиги, она юртга чексиз меҳри ва садоқати билан мамлакатимиз зиёлилари, маданий жамоатчилик ўртасида ҳақли равишда катта обрў-эътибор қозонган инсон эди.

Асил Рашидовнинг олий таълим тизими ва ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб

тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти ҳамда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган эди.

Таниқли олим ва ижодкор, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Асил Рашидов ҳаёт бўлганларида 95 ёшга кирар эдилар...

Шуларни ўйлар эканман, раҳматли Асил ака билан бўлган учрашувлар, суҳбатлар эсимга тушади, бўлган воқеалар кўз олдимдан ўтади...

Ўз вақтида, мен Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида фаолият юритар эканман, чорак аср давомида жамоатчилик асосида партиямизнинг “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” таҳририятларида таржимонлик қилдим... Олдимга вақт-вақти билан Асил аканинг қудалари, таниқли ёзувчи, “Сарик аждар ҳамласи” тарихий романининг муаллифи Абдуманноп Эгамбердиев келиб турар эди. Ўша пайтда у киши, мустақил Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш тарихи ҳақида бадий китоб ёзиш мақсадида юрар ва бизнинг бой кутубхонадан фойдаланар эдилар. Суҳбат пайтида катта ҳурмат билан Шароф

Рашидович, у кишининг укалари – қудалари Асил ака тўғрисида ҳурмат билан сўз юритар эдилар...

Мен қачон Асил ака билан учрашсам, “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида ишлаган пайтлари, акалари Шароф Рашидович бошлиқ, Қибрайдаги Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил Матқобулов раислигидаги “Қизил Ўзбекистон” жамоа хўжалигида пахта терганлари ҳақида, кўплаб таҳририят ходимларини эслаб, гапирар эдилар. Қибрай туманида у кишининг ҳурмати катта эди. Ўз вақтида “Қибрай садоси” газетаси 85 йиллиги билан табриклаб, ўша вақтдаги бош муҳаррир Гулнора Аҳмедовага мактуб юборганлари бежиз эмас...

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Асил Рашидовга меҳри бўлакча эди. “Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман, – деган эди Чингиз оға. – Чунки менинг “Оқ кема”, “Жамила” “Алвидо, Гулсари!” каби бир қанча повестларимни Асилжон худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олган”...




1961 йилда “Қибрай садоси” газетасида менинг “Она рози бўлди” номли севги-муҳаббат мавзусидаги ҳикоям чоп этилган эди. Айни пайтда, моҳир таржимон, Асил Рашидов таржимасида Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида чоп этилган Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси қўлимга тушиб қолди.

Бу қиссада фронтга кетган йигитнинг хотини – Жамила ва иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтган Дониёр исмли йигит ўртасида вужудга келган муҳаббат тўғрисида шундай ҳикоя қилинадики, қисса шундай катта маҳорат билан таржима қилинган эдики, бирорта китобхонда, “бу аёл эрига хиёнат қилди” деб, улар севгисини қоралашга тили бормайди. Жамила ва Дониёр бирга қочиб кетишади. Қисса урушга лаънат ўқийди, соф муҳаббатни кўкларга кўтариб қасида ўқийди... Шу-шу Асил ака таржимасида чиққан Чингиз Айтматов асарларини топиб ўқишга ҳаракат қилардим, ўқиб бир дунё таассурот олардим. Менинг бу қизиқишимни билган Асил ака, вақти келиб, “Ўзбекистон” нашриёти унинг “Чингиз Айтматов олами” номли монографиясини чоп этганда, дастхат билан ушбу китобни менга совға қилди.

Мен ҳам, чорак аср “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари таҳририятида жамоатчилик асосида, таржимонлик билан шуғулланганим боис, ушбу касб сир-асрорларини, хусусан, бу борада ўзига хос мактаб яратган Асил Рашидов маҳоратини ўрганишга, қандай қилиб бу соҳага киришганликлари билан қизиқардим... Академик Воҳид Зоҳидов ўз эсдаликларида шундай ёзади: “1960 йил охирилари бўлса керак. Камина шифохонада муолажа олаётган эдим... Ўшанда ташқи мамлакатлар билан алоқадор мароқли бир журнал қўлимга тушиб қолди. Ундаги анча материалларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим....

Журналда машҳур француз ёзувчиси Луи Арагоннинг у вақтларда машҳур бўлмаган, номи у ер-бу ерда эндигина ҳурмат ила тилга олинаётган қирғиз адиби ва унинг “Жамила” асари ҳақидаги мақоласини ютоқиб ўқий бошладим... Айтиш мумкинки, асар бадиий мўъжизадек талқин қилинган эди. Ўзбек юрти билан қўшни, қардош қирғиз халқининг шуҳратини ҳатто Парижгача – Луи Арагонгача таратган ёзувчига ҳавасим келди, жудаям хурсанд бўлдим. Қиссани топтириб, эрталабга қадар мириқиб ўқиб чиқдим.



Суратда: Асил ака Рашидов совға қилган китобининг муқоваси. Асил ака дастхатида: “Чингиз Айтматовнинг сўнмас сиймоси ва мангу даҳоси сизу бизнинг ойдин йўлимизни янада мунаввар этиб турсин.”, – деб ёзилган эди.

Китоб мутолааси билан тунни бедор ўтказган кунимнинг индинига ўша вақтда аспирантурада таҳсил олаётган қобилиятли Асил Рашидов кечга яқин биз беморни кўргани

– ҳол сўрагани келди. Ҳозир у салмоқли китоблар, ўнлаб мақолалар муаллифидир. Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр эттирган азаматдир!

Луи Арагон мақоласидан олган таасуротларимни дарҳол унга айтиб бердим; журнални эса унинг қўлига тутқаздим. “Жамила”ни ўзбек тилига ағдариш кераклигини илтимос қилдим. Кўп ўтмай бу илтимос жуда одобли ва истеъдодли адабиётчимиз томонидан дўндириб бажарилди. “Жамила” асари ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди”.



Суратда: атоқли адиб Асил ака Рашидов ва таржимон шогирди Носир Тоиров (2019 й.)

Чингиз Айтматов таниқли журналист Анвар Жўрабоев билан бўлган бир суҳбатда Асил ака тўғрисида шундай деган эди: “Мени Асил Рашидовнинг истеъдоди, айниқса, таржимонлиги ҳайрон қолдирди... Раҳматли акаси Шароф Рашидов ҳақида бўҳтонлар тўқилганида у ҳам қанчалар изтироб чеккани аниқ, лекин ундаги умид, эътиқод заррачаюм синмаганини эшитиб, бундай иродаси кучли одам билан яна бир марта ғурурландим.

Ана шундай адиб ва таржимон дастлаб менинг ижодим билан ўзбек адабиёти ўртасида кўприк ясагани мен учун чексиз қувончдир”...

2019 йилда ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотиқ, чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Шароф Рашидович Рашидовнинг “Севгим билан ғолибман, ҳар он!” номли шеърлар тўплами илк бор чоп этилди. Китоб Шароф Рашидовичнинг рафиқалари Хурсандой Ғафуровнанинг 100 йиллиги арафасида чоп этилди. Мен китобни Илҳом Шарофовичдан олдим ва “Севгимухаббат куйчиси” номли мақола ёздим ҳамда филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нўъмонжон Раҳимжонов билан бирга раҳматли Асил ака уйларига бордик... Нўъмонжон билан, Амир Темур ҳиёбони яқинида, ўтган аср 70-йилларнинг бошида Асил ака эккан чинорлар олдидан ўтиб, кўп қаватли уй лифтида 5-қаватга кўтарилиб, 69 - хонадонга кирдик. Асил ака меҳмондўст келинлари Инобатхон билан бирга кутиб олдилар...

Асил ака, ўз вақтида, у киши ҳамда Чингиз Айтматов ҳақида ёзган мақоламни қандай жиддийлик билан ўқиган бўлсалар, бу мақола қўлёзмасини ҳам синчиклаб ўқиб чиқиб, уни маъқулладилар ва мақола “Ўзбекистон овози” ҳамда “Правда Востока” газеталарида рус ва ўзбек тилларида чоп этилди.

Шунда раҳматли Асил ака шеърят билимдони Нўъмонжондан, қалам тебратаетган ҳозирги шоирларимиз ижоди ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Нўъмонжон сўзлаб бўлгандан сўнг, Асил ака бироз ўйланиб турдиларда, кейин: “Менга шоирлардан кўпроқ Маҳмуд Тоирнинг фалсафий фикрлар сингиб кетган шеърлари, айниқса, “Отамнинг сўзи” шеъри, ундаги

“Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман.



Суратда : Асил ака Рашидов, машхур чўлқувар Абдулҳай Тоировнинг 100 йиллигига бағишланган тадбирда (12 октябрь, 2012 йил)

Жондан азиз суйган ўғлинг ҳам қизингда яшайман” деган сатрлари жуда маъқул. Бундай шеърлар одамда оптимизм, неқбинлик туйғуларини уйғотади”, – дедилар...

Шунда, Асил ака шоирнинг ушбу шеърини кўзда тутган эдилар:

ОТАМНИНГ СЎЗИ

Деразадан тушган нурда, ўғлим, менинг кўзим бор.
Элга қилган савобингда билки ёруғ юзим бор,
Гар ғафлатдан йироқ эрсанг, вужудингда ўзим бор.
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Ким ортингдан дуо қилса, мен изингда яшайман.

Бандасидан кўрқма, болам, кўрққин фақат Худодан,
Юкунмагин сен ҳар касга, шафқат тила Аллоҳдан,
Рости, ўлмоқ — кулиб кетиш бу ёлғончи дунёдан,
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Дилинг, тилинг бир бўлса гар мен сўзингда яшайман.

Фарзанд инсон ортидаги ёниб қолган чироқдир,
Чироқ ёқсанг, парвонаман, руҳим менинг уйғоқдир.

Сен унутма, охирада ҳар дақиқанг сўроқдир.

Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман.

Жондан азиз суйган ўғлинг ҳам қизингда яшайман.

Умр ўзи оқар дарё, тўғони бу ўлимдир,

Қаро ерга бўш келган менинг икки қўлимдир,

Бу дунёда шеър гадоси Маҳмуд менинг ўғлимдир,

Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,

Ҳалол бўлса топган нонинг, мен тузингда яшайман.

Дарҳақиқат, Асил ака айтгандай, бу шеърда бир олам ҳикмат бор.

Ажойиб инсон, доно устозимиз Асил ака фарзандларида, набираларида яшамоқда. Унинг ёзган асарлари, таржима қилган китоблари ёшларимизни ватанпарвар, элпарвар, бунёдкор бўлиб камол топишига, Янги Ўзбекистонни қуриш ва III Ренессанс асосларини яратишда фаол иштирок қилишга даъват этишга хизмат қилмоқда.

Носир Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси,

Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Фахрийлар

кенгаши раисининг ўринбосари.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЙИ”ДАГИ БИРИНЧИ МАЪРИФИЙ ТАДБИР



10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази “Инсон ҳуқуқлари уйи”да шоир ва таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзо қаламига мансуб “Эзгулик тақвими: ният, сўз ва амал бирлиги” номли китобнинг тақдими бўлди. Тадбир 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ва 10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари халқаро кунига бағишланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов тақдимотни очар экан, ҳар қайси жамият аъзолари учун иш ва дам олиш кунлари мамлакат тараққиёти ва миллий фаровонликка бевосита хизмат қилиши жиҳатидан қанчалик аҳамиятли бўлса, байрам кунлари, муҳим миллий ва халқаро саналар ҳам шунчалик қадрли эканлигини таъкидлади.

Шу маънода, китобда муҳим миллий ва халқаро саналар ҳамда қутлуғ байрамларга бағишланган 70 та мақола ва шарҳ жамлангани эътиборга лойиқ. Ушбу китоб “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташаббуси билан чоп этилган дастлабки янги нашр ҳисобланади.

Тақдимотда сўзга чиққан ҳуқуқшунос, журналист ва адиблар ушбу тўплам китоб-хоннинг турли байрамлар ва муҳим саналар

ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввурини янада бойитишга хизмат қилишини эътироф этдилар. Шунингдек, у ўқувчи ва талаба ёшлар айти йўналишда мустақил ижодий ишларни бажариш борасида зарур кўникма ва тажриба ўрганиши учун ҳам қўл келади.

Ғулом Мирзонинг янги китоби илм ва изланиш йўлидаги навқирон тадқиқотчилар учун ҳам фойдадан холи эмас. Чунки унда Интернет жаҳон ахборот тармоғида учрамайдиган нодир манбаларда битилган кўплаб зарур маълумотлар, муаллиф ўз ҳаёт йўлида гувоҳи бўлган тарихий воқеалар билан боғлиқ муҳим далиллар ҳам қайд этилган.

Тадбир якунида тақдимот иштирокчиларига “Эзгулик тақвими: ният, сўз ва амал бирлиги” китоби тухфа этилди. Бир туркум китоблар “Инсон ҳуқуқлари уйи” китоб фондига топширилди.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг матбуот хизмати**

САЙЛОВЧИЛАРИМ МЕНГА ОВОЗ БЕРИШГАНИДАН АФСУСЛАНИШМАСИН!



Маълумки, жорий йилнинг 27 октябрида мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Мухбиримиз халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашига депутат этиб сайланган Сурайё Мирпизаловна АҲМЕДОВА билан учра-шаръканунга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

— Ҳурматли Сурайё Мирпизаловна, суҳбатимизни бошлашдан аввал Сизни яқинда бўлиб ўтган катта сиёсий жараёнда иштирок этиб, халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашига сайланганингиз билан табриклайман, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот бериб ўтсангиз...

— Раҳмат. Одам ўзи ҳақида гапириши биров ноқулай. Лекин журналимиз мухлислари билишлари учун ўзимни қисқагина таништириб ўтай. Мен Чиноз фарзандиман. Шу маконда туғилиб ўсдим, улғайдим, олий маълумот олдим, оилали бўлдим. 2004-2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландим. Бор билимим ва меҳнатимни халқимиз фаровонлиги йўлида сарфладим.

Асли касбим журналист. Бироқ кўп фаолиятим Чиноз тумани ҳокимлигида ўтган. Оддий мутахассисликдан ҳоким ўринбосаригача бўлган пиллапоаяларни босиб ўтдим.

— Кейинги саволни беришдан олдин мени бир нарса жуда қизиқтиряпти. Сир бўлмаса айтингчи, сиёсатга қандай кириб келгансиз?

— 1998 йил охирларида юртимизда яна бир янги сиёсий партия ташкил этиш ҳаракати бошланди. Бир неча номзодлар суҳбатга бордик. Мутасаддилар суҳбатдан ўтганимни Чинозга етиб келганимда айтишди. 1998 йил 4 январда “Фидокорлар” демократик партияси ташкил топди. Партиянинг туман кенгаши раҳбари сифатида иш бошладим. Қайноқ ҳаёт бошланиб

кетди. Тадбирлар, учрашувлар, йиғилишлар ва ҳоказо. Журналистларни биласизку, бир ишни бошини тутдими уни охиригача етказмай қўймайди. Тадбирларни ҳам шунчаки ўтказмадик. Сира ёдимдан чиқмайди, “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон” шиори остида ўтган тадбирни вилоятимизда биринчи бўлиб Чиноз бошлаб берган. Тумандаги марказий ўйингоҳда (стадион) тумонат одам йиғилган. Стадион тўлиб кетган. Таниқли эстрада хонандалари бирин-кетин чиройли қўшиқлари билан чиқишлар қилишган. Халқ маданий хордиқдан мазза қилган. Шунақа зўр тадбир бўлган. Хатто республика партия раҳбарлари ҳайрон қолишган. Ўша пайтларда туман тадбирларини сценарийсини ўзим ёзиб, ўзим бошловчилик қилардим.

Бу тадбирни ҳам бошидан охиригача қандай ўтишини сценарийсини ўзим тайёрладим. Ўша йиллар ҳақида гап кетганда бир сирни очайин. Бир нечта лавозимларда ишладим, лекин бирортасида ойлик маоши олмаганман. Чунки ҳаммаси жамоатчилик асосида эди. Бирор марта нолимабман ҳам. Сабаби ишимни яхши кўрардим. Одамлар мақташса, зўр бўпти дейишса шуни ўзи етарли бўлган. Маблағни сира биринчи ўринга қўймаганман. Бу баландпарвоз гаплар эмас. Агар ҳозирги кунга солиштирилса, эртак айтаётганга ўхшайман.

Сиёсатга кириб келганимда 35 ёшда бўлганман. Баъзидахурсанд, баъзидахафа бўлиб, хатто йиғлаган кунларим ҳам бўлган. Аммо ишимни ташлаб кетмадим. Қийинчиликларга бардош бердим. Орият кучлилиқ қилди. Ўша қийинчиликлар самарасини йиллар ўтиб кўрдим.

— Билишимизча, аввалги сайловларда номзодингизни қўймаган экансиз, нима учун бу сайловда розилик бердингиз?

— Мен “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзосиман. Аввалги сайловларда

ҳам партиямиз томонидан номзодимни қўйиш ҳақида таклифлар бўлди. Бироқ рози бўлмагандим. Бу йил балки, юрак амрига қулоқ тутганимдир?... Бунга суҳбатимиз давомида жавоб топасиз деган умиддаман...

Бугун Кўпчилик одамлар депутат ким, ўзи нима иш қилади? деган саволни беришади. Кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, умуман, ўзини шу жамиятнинг фаол аъзосиман, деб ҳисоблаётган ҳар бир фуқаронинг муҳокамасидаги асосий мавзулардан бири сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаоллиги бўлмоқда. Туман Кенгаши депутати сифатида айтишим зарурки, иш услубимизни ўзгартиришимиз, шиддатли замонга мослашишимиз, электорат ишончини оқлашимиз керак. Сайловолди учрашувларда одамлар айрим номзодларга ишонч билдиришмади. Бундан қаттиқ таъсирландим ва шу жойда ўзимга сўз бердим — сайловчиларни ишонтиришга, улар билан ҳамдард ҳамнафас бўлишга, оғирини енгил қилишга, уларни эшитишга ҳамиша тайёр тураман деб.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолни айтиб бермоқчиман. Сайловолди учрашувдан қайтаётиб таксига ўтирдим. Хайдовчи мени танимасада давлат одами эканлигимни фахмлаб, қўққисдан савол берди: — Хўш энди сайловлар нима бўляпти? — Нима бўлиши керак, — дедим, нимани сўрамоқчи эканлигини билиш мақсадида, — Учрашувлар бўлмаяптику... — Нега номзодлар туман марказида, катта кўчада одамлар билан учрашув ўтказмайди, — деди у. Менам бўш келмадим: — Кеча сиз қаерда эдингиз? — деб саволга савол билан жавоб бердим. У: — Шу ерда кира қилиб юрувдим дея жавоб қайтарди. Мен: — Айнан кеча, сиз кира қилаётган катта кўчанинг ёқасида мусиқа мактабида, ундан кейин “Нуронийлар маскани”да Олий Мажлис Қонунчилик палатаси номзодлари билан учрашув бўлди-ю, қатнашмадингизми? —



десам, — Э, опа, мен учрашувларда юрсам, болачақамни ким боқади?... Устига-устак, ижтимоий тармоқларда ўқияпмиз депутатларни, — деса бўладими, кесатиқ охангида. — Қаричингиз бунча кичкина, — дедим, хафсалам пир бўлиб. — Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчади-да...

— **Маълумки, барча даражадаги депутатликка номзодлар сайловларда ўзларининг аниқ дастурлари билан қатнашади. Натижада уларнинг илгари сураётган масалалари сайловчиларга маъқул бўлса улар ғалаба қозонади... Шу муносабат билан ўзингизнинг сайловолди дастурингиз, уларда илгари сурилган масалаларни ҳал этиш бўйича амалга оширмоқчи бўлган ишларингиз ҳақида айтиб берсангиз...**

— Партиянинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ўз дастуримни тузганман. Яъни, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, бой тарихий меросни сақлаш ва бойитиш, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш; – фуқароларда миллий ўзликни англаш ҳиссини ошириш, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустақкамлаш учун қулай шароитлар яратиш; – ўз сафида юртнинг ватанпарварларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатлари

ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш; – ёшларни миллий мустақиллигимизни, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш, ўзлари қизиққан касб-хунарга йўналтиришга қўмаклашиш ҳамда ёшлар онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш, уларнинг Ватан равнақи йўлидаги амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш; – хотин-қизларнинг гендер тенглиги асосида қўллаб-қувватланишига ҳамда уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш...

— **Сиз аёл сифатида биринчи галда албатта, хотин-қизларни манфаатини ёқлаб чиқишингиз табиий. Шундай экан, аёлларни ўйлантираётган қайси масалаларга алоҳида эътибор беришни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйдингиз?... Жумладан, уй бекаларини жамоат ишларида фаол иштирок этишлари учун шароит яратиш, уларни жамиятга фойда келтирадиган ишларга кенгроқ жалб этиш ва ҳ. к...**

— Аёл сифатида мени қийнаётган нарсалардан бири — бу тобора кўпайиб бораётган ажримлар масаласидир. Эркакниям аёлниям кўя турайлик, улар ўз йўлини топиб олар эҳтимол. Болаларга жуда-жуда раҳмим келади. Меҳрга зор бўлиб, кўзлари жовдираб ўсган бола эртага ким бўлиб улғаяди?...

Менимча, аёлларда, айнан оналарда гап кўп. Келинларига, қизларига тилни тийишни ўргатсалар анча оилалар ажрашмасди, деб ўйлайман. Оила нотинчлиги, уруш жанжаллар асосан етишмовчиликдан келиб чиқади.

Иккинчидан, эрта никоҳни олдини олиш зарур. Оила қуришга тайёр бўлмаган ёшларни турмуш зарбаларига тутиб бериш инсофдан эмас! Учунчидан, жамиятимизда ишсизликка барҳам бериш лозим.

— **Мамлакатимиз Президенти тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини инобатга олган ҳолда бу йўналишда қандай ташаббуслар билан чиқишни режалаштиргансиз, хусусан янги иш ўринлари яратиш борасида, шу жумладан хотин-қизлар, ёшлар учун?...**

— Дарҳақиқат, юртимизда камбағалликни қисқартириш юзасидан жуда катта ислохотлар олиб борилмоқда. Камбағаллик қачон йўқолади? Қачонки мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланса. Оила тўқис бўлса, рўз-ғор бут бўлса, эр ҳам, хотин ҳам ишли бўлса — бу оилада жанжалга ўрин қолмайди. Менимча хотин-қизлар тадбиркорлигини кучайтиришимиз даркор. Айниқса ёш боласи бор, уйдан чиқолмайдиган аёлларга, рўзғоридан ажралмаган холда, пул топадиган бизнесларни ўргатишимиз керак. Ҳунари бор инсон асло хор бўлмайди.

— **Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили, дея эълон қилинганлиги муносабати билан режаларингиз?...**

— Икки йилдан буён Туркия давлатида меҳнат таътилини ўтказяпман. Ҳавоси жуда ёқимли, чанг йўқ. Табиатида боқсангиз бахри-дилингиз очилади. Ҳаммаёқ яшилликка, гул-

ларга бурканган. Тўғриси хавасим келди. Қанийди мени Чинозим ҳам, юртим ҳам ана шундай ям-яшил гўзалликка ўранса, кўчалар, йўл ёқалари, кўзни қувонтирадиган ранго-ранг гулларга кўмилса.

Ҳар нафас олганингизда ўпкангиз тўлиб мазза қилсангиз. Кўзингиз кўриб, димоғингиз хидлаб, ранглардан бахра олса.

Агар ҳозир Ўзбекистонда ўртача умр кўриш ёши 75 йил бўлса юқоридаги шароитда 90 йилдан ошиши аниқ. Юртимиз отаси ўз уйини ана шундай атроф-муҳити озода, ҳавоси тоза, яшиллик қучоғидаги Ўзбекистонга айлантириш учун тиним билмаяпти. Яшил иқтисодиёт деганларида атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган иқтисодий ўсиш назарда тутилган.

Сайловолди учрашувлар баҳонасида мени округим бўлган Пахтаобод, Исломобод, Ёшлик маҳаллаларининг хонадонларида бўлдик. Баъзи уйларга кирсангиз ҳовли-жойнинг тозалиги, сарамжон-саришталиги-ю анвойи гулларнинг хидидан хонадонни тарк этгингиз келмайди. Лекин баъзиларида эса дилингиз хира тортади. Мана шу маҳаллаларнинг хотин-қизларини ўзим бошчилигимда ҳашарлар уюштириб тоза-лаб кўчаларни гуллар билан безаб, четдан келган меҳмонларни ҳавасини келтирадиган даражада ўзгаришлар қилмоқчиман. Айтишадик: — “Яхши ният ярим давлат” деб, токи сайловчиларим менга овоз беришганидан афсусланмасинлар.

— **Қизиқarli ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Таҳририятимиз номидан Сизга халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.**

Суҳбатлашди: **Азамат Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ФЕРМЕРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БИРГИНА КЕНГАШНИНГ ВАЗИФАСИ ЭМАС

Маълумки, Ҳукуматнинг 2024 йил 13 сентябрдаги 574-сонли қарорининг ижроси бўйича фермер хўжаликлари томонидан норозиликлар билдирилмоқда.

Кун.уз. ижтимоий тармоғида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан фермер хўжаликларининг манфаати ҳимоя қилинмаяпти деган дашном гаплар ҳам ҳеч қандай асос ва далилларга эга эмас. Шу муносабат билан мен ушбу масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Кези келганда шуни таъкидлашим керакки, мен бу ҳолатга катта давраларда ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам ўз муносабатимни билдириб келганман. Бироқ бу етарли эмас экан, шекилли. Чунки фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши тизимлари ташкил этилгандан буён анчагина ижобий ишлар бажарилганлигига етарли далилларим бор. Лекин мен бу рақамларни келтириб статистик маълумотлар билан мақтанмоқчи эмасман.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, фермер хўжаликларининг қонуний манфатларини ҳимоя қилиш учун ҳаттоки, Вазирлар Маҳкамасининг ҳам қарорини қисман бекор қилдириб, адолат қарор топишига эришганмиз. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 май кундаги

178/8-сонли қарорини мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай мисолларни судлардаги ҳимоямиздан ҳам келтириш мумкин. Чунончи, 2019 йилдан буён туман ҳокимларининг 200 дан ошиқ ноқонуний қарорларини суд қарорлари билан ҳақиқий эмас деб топилишига эриштириб ерларни қайтариб олиб бердик. Шунингдек, фермерларнинг триллион сўмдан ошиқ маблағларини кластерлардан суд қарорлари орқали ундириб бераппмиз.

Айрим ҳолларда бошқа субъект вакиллари ёки фуқароларимиз “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари фермерларга ёрдам бермаяпти, уларга барча имконият ва ваколатлар берилган” деб юришади. Амалда эса бундай эмас.

Аслида Ҳукуматнинг 2024 йил 13 сентябрдаги 574-сонли қарори қабул қилинишидан олдин ким ёки қайси идора қандай ишни бажариши ёки қайси ўрнатилган тартибга риоя қилиши керак эди?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорининг 4-банди, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган Ягона услуби-ётнинг 102-бандига асосан фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор масалаларга

доир лойиҳалар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан мажбурий тартибда келишиб олинishi белгиланган бўлиб, бу қарор лойиҳаси кенгашга келиб тушмаган ва Кенгашдан муносабат ҳам олинмаган.

Шундай ҳолатда бу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3318-сон қарорининг 4-бандига ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун билан тасдиқланган Ягона услубиётнинг 102-бандига зид бўлганлиги учун Конституциявий суд бу қарорни бекор қилиш ёки қисман ўзгартириш ҳақида протест киритиши ёки бошқа турдаги ёзма равишда муносабатини билдириши керак эди.

Ўз навбатида Бош Прокуратура томонидан бу тартибга риоя қилинмасдан қабул қилинган қарор аниқланган тақдирда эса Бош Вазирга ахборотнома ёки камчиликларни бартараф этиш ҳақида умумлаштирилган тақдимнома киритиши мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳукуматнинг қайд этилган 574-сонли қарорини амалиётга тадбиқ этишда қишлоқ хўжалиги вазирлиги қуйи тизимларининг энг жиддий хатоси шундан иборат бўлдики, бу қарорни амалиётга тадбиқ этишда йўл қўйган хатоликлари туфайли фермер хўжаликлари билан кластерлар ўртасида тузилган фьючерс шартномаларига қўшимча келишувни барвақт тузишга эришиб, фермерлар биржада сотган пахтасининг пулидан зарар кўришларига олиб келди.

Бунинг устига ушбу қарор ижросини таъминлаш вақтида қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан фермер хўжалиги кластер билан қўшимча келишувга рози бўлмаган тақдирда, вақтинча сақлаш шартномаси тузиш йўли билан пахтасини Кластер омборига топшириб қўйиш имкони борлиги ҳақида кеч изоҳ берди. Бу вақтга келиб жуда қисқа фурсат

ичида қўшимча келишувлар имзоланиб бўлинган эди.

Фермер хўжаликларининг раҳбарлари эса олдиндан тузилган тўғридан-тўғри “фьючерс шартномаларига қўшимча келишувни босим ва зуғум остида имзоладик” деб норозиликларини билдирдилар. Улар ўзларининг мурожаатларида “ҳоким, ИИБ ходими ва бошқа мутасаддилар томонидан бизга зуғум ўтказилиб, хўжалигимиз ерини олиб қўйиш билан таҳид қилишди, еримизни олиб қўйилиши оқибатида оғир оқибатлар ёки ҳолатлар юзберишити туфайли хўжалигимиз учун ўта ноқулай шартлар билан қўшимча келишув тузишга мажбур бўлдим. Бундан иккинчи тараф, яъни Кластер фойдаланиб қолмоқда” дейишди. Шундан сўнг биз бу битимни, яъни қўшимча келишувни бекор қилишни сўраб талабнома юбориш тартибини жорий қилдик. Бу борада амалий ёрдамларимиз ҳамон давом этмоқда.

Бунга айрим фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳақли эътирозларидан мисол келтирсам, жумладан, Нишон туманидаги “Тоҳир ота издошлари” фермер хўжалиги пахтасини биржада 11 миллион 720 минг сўмдан сотган. Уни қўшимча келишувга тортсангиз ҳар бир тоннасидан 3 миллион 900 минг сўмдан зарар кўриши аниқ кўриниб турибди.

Бу каби пахтасини қарорда белгиланган 7800 сўмдан ошиқча нархларда сотган бошқа фермер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам шу тартибга кўра қўшимча келишув битими билан шартномасини ўзгартиришга йўл қўйилса жиддий зарар кўришлари ҳеч гап эмас. Шундай экан, бу каби фермер хўжаликларининг қўшимча келишувини бекор қилиб, пахтасини Кластер омборига вақтинча сақлаш ҳақидаги шартнома асосида топшириб қўйишларига ҳамда шартномани ўзгартириб



қайта тузишларига рухсат этилганда албатта, бундай норозиликларнинг олди олиш мумкин блар эди.

Чунки, кеч бўлсада фермерларга вақтинча сақлаш ҳақидаги шартнома асосида пахтасини кластерга топшириб туришлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳам эътироф этилган, бироқ, фермер хўжаликларининг раҳбарларига бу ҳақда кеч тушунтириш берилган. Оқибатда шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилишнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 382-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган нормаларга риоя қилинмасдан, мажбурий-"ихтиёрий" қўшимча келишув битимлари тузишга эришиб бўлинган.

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 384-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, "шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонунчиликдан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан

бошқача тартиб келиб чиқмаса" бунга йўл қўйилади. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Айнан шу тартибга тўлиқ риоя қилинмасдан қўшимча келишувлар тузилганлиги эвазига фермер хўжаликлари билан Кластерлар ўртасида норозиликлар келиб чиқди.

"Шартномавий ҳуқуқий база тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига кўра хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларига мувофиқ прокуратура органлари амалга оширади.

Бу органлар айбдор шахсларни қонунда

белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши керак. Шу ўринда биз прокуратура органларининг шу соҳада йўл қўйилган қонунбузарликларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш йўли билан фермер хўжаликларига амалий ёрдам беради деб умид қиламиз.

Гапнинг очиғини айтадиган бўлсам, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармаси томонидан тайёр ҳолда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларига қўшимча келишув шартномасининг нусхалари ташлаб берилган ва зудлик билан қонунда белгиланган муддатларни кутмасдан шошма-шошарлик билан фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларига зид тарзда қўшимча келишувлар тузишга эришилган.

Буни ижтимоий тармоқларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти аграр соҳа вакилларининг йўл қўйган хатоликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунинг учун прокуратура тизимлари томонидан аниқланган қонунбузарликларга нисбатан ушбу Қонуннинг 23-моддасига асосан ўзларига берилган ваколатлари доирасида муносабат билдиришлари, прокурор назорати ҳужжатларини қўллашлари айтилган, ўз навбатида кенгашлар ҳам асоссиз билдирилаётган дашномлардан холи бўлар эди.

Шу ўринда фермер хўжаликларидан ташқари бошқа субъектлар ҳам шуни билиб қўйишларини истардикми, айтилган пайтда ҳам Кенгашларга етарлича ваколатлар берилган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 октябр-даги ПФ-5199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 10 октябрда 3318-сонли Президент қарори қабул қилинган бўлиб, бу қарорнинг 3-бандига кўра:

- халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳофаза қилишда иштирок этиш ва ўз ҳулосасини тақдим этиш;

- фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдирган талабгорларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, малакасини ошириб бориш;

- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат бож тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бож тўловисиз шикоятлар тақдим этиш;

- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш”га ҳуқуқлар берилган.

Яна такрорлаб айтаман, бундан буён фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор масалаларга доир норматив-ҳуқуқий



хужжатлар Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг кенгаши билан мажбурий тартибда келишиб олиш тўғрисидаги тартибга риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқилса, ҳаётга тадбиқ этиш тартиблари бузилмаса, фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларига дахлдор қонунлар, қарорлар ва фармонлар ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилиш жараёнларида тўлиқ иштирок этаоламиз ва фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларига

зид норматив хужжатлар қабул қилинишининг ҳам олдини олган бўламиз.

Шунда Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг кенгаши томонидан фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имкони бўлади.

Ўйлайманки, шундан сўнг фермер хўжаликларида Кенгашларга нисбатан норозиликлар ва турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олишга эришамиз.

Чорихон Қодиров,

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош ҳуқуқшуноси.

G'O'ZADA BIRLAMCHI URUG'CHILIK JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH ASOSIDA QIMMATLI ASHYOLAR BAZASINI YARATISH

Mamatqodirov J. B.¹, Xolmurodova G. R.²,

¹Toshkent davlat agrar universiteti "Seleksiya va urug'chilik" ixtisoslik tayanch doktoranti,

²Toshkent davlat agrar universiteti Qishloq xo'jalik ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası professori, q.x.f.d.(DSc)

Annotatsiya. Ushbu maqola Quva tumanida g'o'zadagi birlamchi urug'chilik jarayonlarini raqamlashtirish orqali qimmatli ashyolar bazasini yaratish va samaradorlikni oshirishga qaratilgan. Raqamlashtirishni joriy etish orqali O'zbekistondagi g'o'zadagi eng sifatli navlarning navdorligini saqlash va urug'larning sifatini optimallashtirishga erishish mumkinligi ko'rsatilgan.

Tayanch so'zlar: raqamlashtirish, go'zada urug'chilik, samaradorlik, Quva tuman, qimmatli ashyolar, navdorlik, O'zbekiston, IoT, sun'iy intellekt.

Kirish. O'zbekistonning qishloq xo'jaligi sektoridagi asosiy maqsadlaridan biri — urug'lar va boshqa resurslarni samarali boshqarish orqali ishlab chiqarish va sifatni oshirishdir.



G'o'zada birlamchi urug'chilik jarayonlari, qishloq xo'jaligida kelajakdagi o'zgarishlar uchun

zarur bo'lgan asosiy resurslarni tashkil etadi. Biroq, bu jarayonlar hali ham an'anaviy usullarda olib borilmoqda, bu esa samaradorlikni cheklaydi.

Yangi ilmiy tadqiqotlar va texnologiyalar, jumladan, IT (Internet of Things) va sun'iy intellekt (AI), urug'larning sifatini oshirish va samaradorlikni oshirish uchun yangi imkoniyatlarni ochmoqda.

Tadqiqotlar Quva tumanida olib borilgan, raqamli texnologiyalarni g'o'zadagi urug'chilik jarayonlariga qo'llash orqali qimmatli ashyolar bazasini yaratishning samaradorligini tahlil qiladi.

Tadqiqotning maqsadi. Quva tumanida g'o'zadagi birlamchi urug'chilik jarayonlarini raqamlashtirish va shu orqali qimmatli ashyolar bazasini yaratishdan iborat.

Tadqiqot quyidagi vazifalarni bajarishni ko'zda tutadi:



raqamli texnologiyalarni joriy etish;
g'o'zada birlamchi urug'chilik jarayonlarini
raqamlashtirishda ishlatiladigan texnologiyalarni
o'rganish;

navdorlikni saqlash;

O'zbekiston sharoitida eng sifatli navlarning
navdorligini saqlash va oshirishda raqamli
texnologiyalar yordamida qanday natijalarga
erishish mumkinligini tahlil qilish;

qimmatli ashyolar bazasini yaratish;

raqamli tizimlar yordamida go'zada
urug'chilik jarayonlarida qimmatli ashyolarni
yaratish va boshqarish.

Tadqiqotning yangiligi. yuqori texnologik
yechimlarni qo'llash orqali qimmatli resurslar
bazasini yaratish va raqamli platformalarni ishlab
chiqish orqali yangi imkoniyatlarni ochishdir. Ushbu
ish, qishloq xo'jaligida raqamli transformatsiyani
amalga oshirish va uning samaralarini ilmiy
ravishda tahlil qilishga qaratilgan.

Tadqiqotning nazariy asoslari. G'o'zadagi
urug'chilik jarayonlarini raqamlashtirishning
nazariy asoslari ilmiy adabiyotlarda yaxshi
o'rganilgan. Raqamli texnologiyalar yordamida,
masalan, IT qurilmalari va sensorlar yordamida

urug'larning sifatini nazorat qilish imkoniyati
mavjud. Keyingi yillarda raqamlashtirish va sun'iy
intellektning g'o'zada urug'chilikdagi qo'llanilishi
haqida bir qator ilmiy maqolalar chop etilgan
[Brown et al., 2022; Zhang et al., 2023].

Zhang et al. (2023) tomonidan olib borilgan
tadqiqotda, IT va big data texnologiyalaridan
foydalanish orqali qishloq xo'jaligida urug'larning
holatini real vaqtda monitoring qilishning
samaradorligi isbotlangan. Brown et al. (2022) esa
sun'iy intellektning urug'lar sifatini baholashda
qanday qo'llanishi mumkinligini tahlil qilgan.

Bu tadqiqotlar O'zbekiston sharoitida ham
samarali qo'llanishi mumkin, chunki qishloq
xo'jaligida samaradorlikni oshirishda yangi
texnologiyalarning roli muhim ahamiyatga ega.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot Quva
tumanida 2023-yilning kuz oylarida amalga
oshirildi. Tadqiqot metodologiyasi quyidagilarni
o'z ichiga oladi:

Quva tumanidagi g'o'zada urug'larning
sifatini va ishlab chiqarish jarayonlarini o'rganish;
F fermerlar va ishlab chiqaruvchilar bilan intervyular
o'tkazildi, so'rovlar asosida ma'lumotlar to'plandi.

Texnologiyalarning joriy etilishi: IT

qurilmalari va sensorlar yordamida urug'larning holatini tahlil qilish. Sensorlar yordamida tuproq namligi, harorat va boshqa parametrlar o'lchandi.



Ma'lumotlar bazasini yaratish. Urug'lar haqida yig'ilgan ma'lumotlar va qimmatli ashyolarni boshqarish uchun raqamli platforma ishlab chiqildi. Ushbu platforma orqali barcha ma'lumotlar markazlashtirilgan holda saqlandi va tahlil qilindi.

Pilot loyihalar. Tadqiqotda bir nechta pilot loyihalar amalga oshirildi, ular raqamli tizimlarning samaradorligini o'lchash va baholashga qaratildi.

Tadqiqot natijalari. Tadqiqot davomida raqamlashtirishning go'zadagi birlamchi urug'chilik jarayonlariga qo'shgan hissasi aniqlandi. Quva tumanidagi pilot loyihalarda quyidagi natijalar ko'rsatildi:

Navdorlikni monitoring qilish: IT sensorlar yordamida urug'larning navdorligi va sifatini real vaqt rejimida monitoring qilish imkoniyati

yaratildi. Bu orqali urug'lar holati haqida tezkor ma'lumot olish mumkin bo'ldi.

Samaradorlikni oshirish: Raqamli tizimlar yordamida urug'larni ekish va parvarish qilish jarayonlari aniq va samarali boshqarildi. Bu, o'z navbatida, ishlab chiqarish samaradorligini oshirdi.

Qimmatli ashyolar bazasini yaratish: Raqamli platforma yordamida go'zadagi qimmatli ashyolarni boshqarish, saqlash va tarqatish jarayonlari soddalashtirildi.

Ilmiy ahamiyati. Ushbu tadqiqot O'zbekistonda qishloq xo'jaligida raqamli texnologiyalarni joriyetish bo'yicha yangi yondashuvlarni taklif etadi. Tadqiqotning ilmiy ahamiyati, raqamlashtirish orqali urug'chilik jarayonlarini optimallashtirish va sifatni oshirishga qaratilgan innovatsion yondashuvlarning ko'rsatilganligidir.

Xulosalar va tavsiyalar. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, raqamlashtirish orqali go'zadagi birlamchi urug'chilik jarayonlari samarali boshqariladi va optimallashtiriladi. O'zbekiston sharoitida eng sifatli navlarni saqlashda raqamli texnologiyalar yordamida navdorlikni nazorat qilish va oshirish mumkin.

Tadqiqot shuningdek, raqamli texnologiyalar yordamida qimmatli ashyolar bazasini yaratish va boshqarish samaradorligini oshirishni isbotladi. Kelajakda, raqamli tizimlarni kengaytirish va boshqa tumanlar va viloyatlarda ham qo'llash mumkin bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zhang, X., Li, H., & Wang, Y. (2023). "Application of IoT in agriculture: Real-time monitoring of seed quality and soil conditions." *Agricultural Technology Review*, 15(3), 112-125.
2. Brown, J., Martin, D., & Anderson, K. (2022). "Artificial Intelligence in seed quality assessment: A review of methods and applications." *International Journal of Agricultural Science*, 24(1), 56-70.
3. Smith, T., & Tan, J. (2021). "Big data applications in crop production and quality monitoring." *Agriculture and Data Science Journal*, 12(4), 94-105.
4. Kholmatov, A., & Ismailov, A. (2022). "Digital transformation in Uzbek agriculture: Opportunities and challenges." *Uzbek Agricultural Science Journal*, 18(2), 87-100.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛОГИСТИК ТАМОЙИЛЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ


Мадалиев Х. А.,

ORIYENTAL университети магистранти

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида агрологистика хизматларини кенг жорий этиш ва бу билан соҳани барқарор ривожлантириш заруриятлари хусусида фикр юритилади. Шунингдек, агрологистикани ташкил этишда қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: агрологистика, ресурслар, таъминот, инфратузилма, транспорт, ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш, ахборот, молия.

Агрологистика – агросаноат секторини комплекс ривожлантирувчи самарали йўналиш ҳисобланади. У аграр ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қайта ишлаш, матлубот (савдо) секторларини ўзида бирлаштиради. Улар бир-бири билан ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий, ахборот, молиявий, меҳнат ва бошқалар орқали ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади.



Маҳсулот ва хизматлар айланадиган майдонда товарнинг ҳаракат жараёнларини, шу жумладан ахборот, транспорт ва молиявий

жиҳатларни микро ҳамда макродаражаларда, яъни айрим корхоналар ва савдо-воситачилик тузилмалари ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида оптималлаштириш ва тартибга солиш масалалари билан шуғулланади.

Hozirgi davrda, sanoat korxonalarini texnik-texnologik rivojlantirishni innovatsiyaviy strategiyasini shakllantirish mexanizmini takomillashtirish muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda logistikaning quyidagi ta'riflari juda mashhur: Menejment muammolari bo'yicha Amerika kengashi, "Logistika - bu yuklar, materiallar, yarm-fabrikat va tayyor mahsulotni ko'chirish hamda omborlarga joylashning texnologik va iqtisodiy samarali jarayonlarini rejalashtirish, amalga oshirish, nazorat qilish, shuningdek, tegishli axborotni ishlab chiqarish joyidan iste'mol joyiga iste'molchi manfaatlariga mos ravishda berishdir" deydi.

Xarid qilish faoliyatini tashkil etish muammolari bo'yicha Britaniya instituti esa "Logistika - bu ta'minot-ishlab chiqarish-sotish, yetkazib beruvchini tanlash, ishlab chiqarish

moddiy ta'minotini tashkil etish, zahiralarni joylashtirish va tayyor mahsulotni iste'molchiga taqsimlash kanallari bo'yicha yetkazib berish zanjiri doirasida boshqarish va muvofiqlashtirish" 1: degan g'oyani ilgari suradi.

Ресурслар билан таъминлаш омбор инфратузилмаси имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш учун товар айланиши ҳажмларини, шу жумладан фаолият турлари ва хизматларни диверсификация қилиш (янги харидоргир товарларни муомалага чиқариш, тақчил маҳсулотларнинг ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, янги хизмат турларини ўзлаштириш ва б.) ҳисобига изчил кўпайтириш лозим. Бу агросаноат мажмуи учун мўлжалланган моддий-техника воситаларининг асосий номенклатурасига амортизация ажратмаларини камайтириш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш тармоқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш ва транспортда ташиш тармоқлари жадал суръатларда ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи чоратадбирлар тизимини белгилаш лозим. Бунда инфратузилманинг транспорт, идиш хўжалиги, сақлаш ва тайёрлов каби ўзаро боғланган бўғинлари комплекс ривожланишини таъминлаш назарда тутилади.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат мажмуи бошқа бўғинларининг ривожланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Халқаро тараqqiyot uyushmasi ishtirokida "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish" loyihasini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4803-sonli qarori qabul qilindi.

Ushbu qarorlarga asosan 2019—2024 yillarda 3 mln tonna quvvatga (367 mln.doll) ega

bo'lgan 8 ta yirik va 424 ming tonna quvvatga ega bo'lgan 39 ta zamonaviy agrologistika markazlarini tashkil etish belgilangan².



Логистика – бу харажатларни қисқартириш йўллариини излаш, моддий таъминот, маҳсулотни сақлаш ва сотиш, маркетинг фаолиятини яхшилаш, таъминотчилар, истеъ-молчилар, етказиб берувчилар ўртасида ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, моддий оқимлар ҳаракати технологиясини такомиллаштириш каби йўналишлар орқали амалга ошади.

Энг муҳим мақсад – харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдир.

Логистика марказларининг асосий функцияси қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиш;
- маҳсулотларнинг товар партияларини бутлаш;
- маҳсулотни дастлабки қайта ишлашни ташкил этиш ва ишлов бериш;
- маҳсулотларнинг улгуржи савдосини ташкил этиш;
- маҳсулотлар кўргазма ярмаркалари, маркетинг тадбирлари ва ҳосил байрамларини уюштириш.

2. "Халқаро tiklanish va taraqqiyot banki hamda xalqaro taraqqiyot uyushmasi ishtirokida "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish" loyihasini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2020 yil 11 avgustda PQ-4803-sonli qarori.

1. Gadjinskiy A.M. Logistika. Uchebnik. – Moskva: Izdatelsko-torgovaya korporatsiya «Dashkov i K», 2007. – 472 s.

Худудларда фермер хўжаликлари сони кўп бўлишига қарамай, улар майдалиги туфайли маҳсулотлари кам.

Улар етиштирган ҳосилни катта харидорларга сотиш учун бир қанча фермер хўжаликларининг маҳсулотларини жамлайдиган логистик марказлар зарур. Бу марказлар маҳсулотларни қабул қилиб олиши учун зарурий сақлаш ва бошланғич қайта ишлаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Агрологистика агросаноатни барқарор ривожлантиришда фавқулодда муҳим роль ўйнайди.

Худудий фермер хўжаликлари уюшмаси қошида агрологистика хизматини ташкил этиб, уюшма таркибидаги тузилмалар билан маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, юкларни ташиш, савдо ва бошқа масалаларда занжирли алоқа ўрнатиш керак.

Яъни, ҳудудий фермер хўжаликлари уюшмаси агрологистиканинг элементлари бўлган автотранспорт хизмати, ишлаб чиқаришга техникавий-сервис хизмати, қайта ишлаш ва сақлаш, маҳсулотни харид қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи тузилмани вужудга келтириши лозим.

Маълумотларга кўра, Ғарбий Европада маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган вақтнинг деярли 98 фоизи моддий-техник-таъминот йўналишлари (хом-ашёни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ташиш, уларни омборларга жойлаш ва сақлаш)га сарф бўлади. Умумий вақтдан ишлаб чиқаришга атиги 2 фоизгина, транспортировкага 50 фоиз сарфланади.

Бундан ташқари, Ғарбий Европа мамлакатларида барча фаолиятлар учун моддий-техник таъминот билан бўладиган харажатлар миллий ялпи маҳсулотнинг 13 фоиз қиймати миқдорини ташкил қилади.

Бу қийматнинг тақсимооти қуйидагича: транспортировкага 41 фоиз, маҳсулотни сақлашга 21 фоиз, моддий захираларга 23 фоиз,

маъмурий харажатларга 15 фоиз сарфланади”³.

Логистиканинг ҳали ҳануз ягона муайян талқини йўқ. АҚШнинг логистика менежменти кенгаши уни қуйидагича тарифлашни тавсия этади: “Логистика — бу менежментнинг интеграл қуроли бўлиб, стратегик, тактик ва оператив бизнес мақсадлари, яъни истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган пировард талабаларини қондириш, материал ва сервис хизматлари оқимини бошқариш ҳамда бу оқимни ахборот ва молиявий маблағлар билан таъминлашга айтилади”⁴.

Агросаноат секторида агрологистикани 4 та бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқ.

I. Ишлаб чиқариш:

- ер ҳайдаш;
- экиш;
- агротехник ишлов бериш;
- йиғиб-териб олиш каби ишлар.

II. Таъминот:

- уруғ, янги навлар, зотли моллар;
- минерал ўғитлар;
- ёнилғи-мойлаш материаллари;
- техника ва механизмлар;
- эҳтиёт қисмлари ва бошқалар.

III. Транспортировка, сақлаш ва қайта ишлаш:

- маҳсулотлар ва бошқа юкларни ташиш;
- маҳсулотларни ғамлаш, омборларга жойлаш ва сақлаш;
- совуқхоналар ташкил этиш;
- маҳсулотларни қайта ишлаш, қадоқлаш ва ҳоказолар.

IV. Маҳсулотларни сотиш ва маркетинг фаолияти:

- тайёр маҳсулотни харид қилиш ёки харидорлар топиш;
- бозорни ўрганиш;

3. Кальченко А.Г. Основы логистики. – Киев: Знання, 1999.

4. Елисеев Е. Логистика покрывшая мир. Новая концепция руководства предприятиями // Маркетолог. 2000. №9. –С12-13.

– реклама;

– фермерларга маҳсулот етиштириш бўйича асосли таклифлар тайёрлаш, ахборот билан таъминлаш ва бошқалар.

Агрологистикани тахминан шундай тизим асосида ташкил этиш кўплаб муаммоларни малакали ҳал этиш имконини беради. Масалан, ҳудуддаги фермер хўжаликларини уруғ билан таъминловчи мутахассис уруғни фермерга нисбатан яхшироқ тушунади.

Ёки етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича логистика хизматида кўпроқ маълумот бўлади ва ҳоказо.

Бу билан ишлар барча жабҳаларда тизимли ва омилкорлик билан ташкил этилади. Одатда юқорида таъкидлаб ўтилган биринчи бўлим логистиканинг функционал вазифасига киритилмайди.

Агар бу бўлим ҳам агрологистиканинг таркибидан ўрин олса, агротехнологик тадбирлар тўлақонли амалга оширилади.

Har bir belgilangan pog'onada ta'minot bo'limi faoliyatining maqsadlarini ko'rib chiqamiz: Makrologistik tizim unsuri sifatida, ta'minot bo'limi mahsulot yetkazib beruvchilar bilan, tovarlarni etkazishga doir texnik-texnologik, iqtisodiy va uslubiy (metodologik) muammolar bo'yicha kelishib, xo'jalik aloqalarini o'rnatadi.

Ta'minot bo'limi yetkazib beruvchining savdo bo'limlari va transport korxonalari bilan aloqada bo'lib, korxonani makrologistik tizimga kirishini ta'minlaydi.

Logistika g'oyasi – barcha ishtirokchilar o'zaro kelishgan holda faoliyat ko'rsatishidan qo'shimcha daromad olish uchun, ta'minot bo'limi xodimlari o'z korxonasi maqsadlarini ro'yobga chiqishini ta'minlashda ushbu korxonani alohida ob'ekt tarzida emas, balki butun bir logistik tizimning bo'g'ini sifatida ish ko'rishlari lozim.

Ya'ni, ta'minot bo'limi, o'z korxonasiga ishlash bilan birga, butun makrologistik tizim faoliyatining samaradorligi oshishini ham nazarda tutishi lozim.

Bunday yondashuvda o'z korxonasiga butun makrologistik tizim unsuri sifatida qaraladi: tizim ahvoli yaxshilansa – uning bo'g'ini bo'lmish korxonaning ahvoli ham yaxshilanadi.

Masalan qishloq xo'jaligida ham, agarda har bir pudratchi o'z manfaatini ko'zlash bilan birga boshqa pudratchilarga ziyon etkazmaslik, iloji bo'lsa yordam berishni ham o'ylasa, unda butun xo'jalikning ishi ham a'lo darajada bo'ladi5.

Агрологистика фермер хўжаликларининг фаолиятига кириб бориб, экин экишни режалаштириш, муддатларини оптималлаштириш, уруғ навларини танлаш, агротехник ишловбериш, йиғиб-териболиш, маҳсулотларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга қадар бўлган жараёнларда яқин кўмакчи бўлиб иштирок этиши учун агрологистика малакали кадрлар билан бутланган бўлиши зарур.

Маҳсулотлар рақобатбардош бўлиши учун иштирокчилар ишга алоҳида субъектлар сифатида эмас, ягона интеграллашган тизим сифатида ёндашиши керак.

Агрологистика хизмати йўлга қўйилмаса, экин майдонлари ўз вақтида ҳайдалмаса, ёки экин экилмаса, агротехник тадбирлар бажарилмаса, ҳосил ўз муддатида йиғиб-териб олинмаса, сақланмаса ёки қайта ишланмаса, уларни сотиб, кўзда тутилган миқдордаги фойдани олиб бўлмайди.

Айни пайтда республикада логистикани ташкил этиш тизимида қуйидаги муаммолар мавжуд:

– техника ва транспорт хизматлари кўрсатиш тизими йўқ;

– ҳудудларда йўл ва йўл хўжалиги фаолияти талабга жавоб бермайди;

– ташишда ахборот тизими йўлга қўйилмаган;

– жойларда омборлар, музхоналар етишмайди;

5. Logistics and supply chain management : creating value-adding networks / Martin Christopher. – 4th ed. – Great Britain: Pearson Education Limited, 2011. – 276 p.

– қайта ишлаш саноати ривожланмаган;
– маркетинг хизмати етарли даражада ташкил этилмаган ва ҳоказоб.

Jahon mamlakatlar tajribasiga ko'ra, logistika markazlari faoliyatini rivojlantirish va samaradorligini oshirish quyidagi yo'nalishlar bo'yicha olib borilishi lozim:

Biznes jarayonlarida zaxiralarni quyidagilar hisobiga qisqartirish:

- zaxiralarni ulgurji va chakana savdo o'rtasida qayta taqsimlash hamda ulgurji bo'g'inlarda to'plash;

- zaxira holatlarini nazorat qilishning zamonaviy texnologiyasini qo'llash;

- ishtirokchilarning zaxiralarni o'z vaqtida to'ldirib borish masalasida yuksak darajada muvofiqlashib borishi.

Joriy zaxiralar ham, sug'urta zaxiralari ham qisqarib boradi. Joriy zaxiralar – qulay o'lchamdagi to'plamlarning belgilangan muddatida yetkazib berilishi hisobiga amalga oshiriladi. Sug'urta zaxiralari – tovarlarning yagona taqsimot omborida to'planishi hisobiga kamaytiriladi.

Masalan, agar 100 ta do'kon bitta taqsimot ombori atrofida birlashtirilsa va bu yerda sug'urta zaxiralari to'plansa, u holda kvadrat ildiz qonuniga ko'ra, zaxiralarning umumiy hajmi xizmat ko'rsatish bo'yicha barqarorlikka zarar yetkazmagani holda 10 marta kamayadi⁷. Транспорт-экспедиция отрядлари ва локал қишлоқ хўжалиги терминаллари тузиш лозим. Натижада фермер хўжаликлари билан бир қаторда томорқа хўжаликларининг ҳам маҳсулотларини ташиш, сотиш, қайта ишлаш мумкин бўлади. Ахборот консалтинг хизматларини йўлга қўйиш билан фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларини тегишли маълумотлар билан таъминлаш имкони туғилади.

6. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида илмий-техник тараққиёт ва инновацион ривожлантириш концепцияси. – Т.: Наврўз, 2020. 167-168 бетлар.

7. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2017 yil 6 № 4, 2017 www.iqtisodiyot.uz

Айни даврда ахборот-коммуникация технологиялари тобора ривожланиб бораётган экан, агрологистика фаолиятини ҳам жадаллик билан ривожлантириш ва ортида қолган даврни тезда босиб ўтиш зарур.

Бунинг учун соҳага рақамли агрологистикани жорий этиш лозим. Бунга барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд (мазкур монографиянинг иккинчи бобида рақамли иқтисодиётнинг асослари ишлаб чиқилган. Шу концепциядан фойдаланган ҳолда рақамли агрологистика тизимини ҳам ишлаб чиқиш мумкин).

Агросаноат фаолиятини олиб борishning zamonaviy tendentsiyalari joriy qilish va boshqaruv jarayonlarini optimallashtirish hisobiga turli yo'qotishlarni kamaytirishga asoslangan tejamkor ishlab chiqarish kontseptsiyasini faol joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi⁸. Bunday holda, agrologistikani qishloq xo'jaligi mahsulotlari iste'molchisining ehtiyojlariga aniq yo'naltirilgan ishlab chiqarish va tadbirkorlik faoliyatining intensivlik darajasini belgilaydigan umumiy zanjirga birlashtirilgan element sifatida ko'rish mumkin, shuning uchun yyetkazib berishni iste'molchi talabi bilan sinxronlashtirish tejashga erishishga imkon beradi.

Muayyan buyurtma uchun mo'ljallangan sanoat va transport resurslarini samarali jalb qilish lozim bo'ladi. Agrologistikani eng istiqbolli yo'nalishlari sifatida quyidagi "o'sish nuqtalari"ni keltirib o'tish mumkin⁹:

- agrologistika zanjirida taktik va strategik rejalashtirish;

8. Grant, D.B., Trautrim, A., & Wong, C.Y. (2015). Sustainable Logistics and Supply Chain Management: Principles and Practices for Sustainable Operations and Management. Philadelphia: Kogan Page Ltd. Publishers, pp. 256.; Myerson, P. (2012). Lean Supply Chain and Logistics Management. Columbus: McGraw-Hill Education, pp. 288.

9. Trienekens, J.H., Top, J.L., Van der Vorst, J.G.A.J., & Beulens, A.J.M. (Eds.). (2010). Towards Effective Food Chains: Models and Applications. Wageningen: Wageningen Academic Publishers, pp. 320.

- agrologistika zanjiri sheriklari o'rtasidagi hamkorlikning samaradorligi va sinxronligini baholash;

- ta'minot zanjirida risklarni baholash va boshqarish;

- turli iqtisodiy va matematik usullar va modellardan foydalanishga asoslangan innovatsion fonni shakllantirish;

- axborot texnologiyalaridan faol foydalanish.

Yuqorida keltirilgan natijalarga erishishda agrologistik zanjirni tashkil qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Модомики давлатимиз Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун тараддуд кўраётган экан, бунинг учун агросаноатни комплекс ривожлантириш ва бунда агрологистиканинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Агросаноат комплекс ривожлантирилмас экан, соҳани барқарор ривожлантириш мураккаблигича қолаверади. Айни пайтда

агросаноат секторида худди шундай ҳолат мавжуд. Битта қишлоқ хўжалиги атрофида кўплаб тузилмалар ўз фаолиятини алоҳида-алоҳида ташкил этмоқда. Булар фермер хўжаликлари, машина трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, таъминот ташкилотлари ва бошқалар. Уларнинг ҳамкорлигида ўзаро боғлиқлик етишмайди. Улар турли тузилмалардан иборат бўлганлиги учун ишга муносабати ҳар хил. Бу эса биологик хусусиятли экинларни етиштиришда ўзига хос талабларга жавоб бермайди. Шу сабабдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммолигича қолмоқда.

Тузилмаларнинг интеграцион фаолиятини йўлга қўйиш учун агросаноатни комплекс ривожлантириш жамоатчилик уюшмаларини ташкил этиш зарурати ниҳоятда юқори. Бунда фаолиятнинг юқори даражадаги уйғунлиги вужудга келиб, ривожланишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Gadjinskiy A.M. Logistika. Uchebnik. – Moskva: Izdatelsko-torgovaya korporatsiya «Dashkov i K°», 2007. – 472 s.

2. “Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki hamda xalqaro taraqqiyot uyushmasi ishtirokida “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish” loyihasini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020 yil 11 avgustda PQ-4803-sonli qarori.

3. Кальченко А.Г. Основы логистики. – Киев: Знания, 1999.

4. Елисеев Е. Логистика покрывшая мир. Новая концепция руководства предприятиями // Маркетолог. 2000. №9. –С12-13.

5. Logistics and supply chain management : creating value-adding networks / Martin Christopher. – 4th ed. – Great Britain: Pearson Education Limited, 2011. – 276 p.

6. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида илмий-техник тараққиёт ва инновацион ривожлантириш концепцияси. – Т.: Наврўз, 2020. 167-168 бетлар.

7. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2017 yil 6 № 4, 2017 www.iqtisodiyot.uz

8. Grant, D.B., Trautrim, A., & Wong, C.Y. (2015). Sustainable Logistics and Supply Chain Management: Principles and Practices for Sustainable Operations and Management. Philadelphia: Kogan Page Ltd. Publishers, pp. 256.; Myerson, P. (2012). Lean Supply Chain and Logistics Management. Columbus: McGraw-Hill Education, pp. 288.

РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОГО СЕГМЕНТА FINTECH

Садыков А. М.,

соискатель Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

Аннотация. Использование FinTech в обеспечении стабильности банковской системы является одним из необходимых условий обеспечения стабильного развития экономики. Необходимо повысить значимость современных банковских услуг, в том числе онлайн трансграничных денежных переводов в целях повышения эффективности и продуктовой линейки коммерческих банков. В статье обозначены актуальные проблемы, связанные с развитием цифровой банковской деятельности, и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: банковское дело, кредит, FinTech, инвестиции, инфляция, ликвидность, процентная ставка, онлайн трансграничные денежные переводы, искусственный интеллект.

Введение. Онлайн трансграничные денежные переводы имеют важное значение в развитии экономики Узбекистана и ускорении ее интеграции в мировую экономику. Признавая их значимость, в стране разрабатываются нормативно-правовые акты и создаются необходимые условия для развития данного сегмента. В частности, в Республике Узбекистан были приняты обновленные законы «О Центральном банке Республики Узбекистан», «О банках и банковской деятельности», «О валютном регулировании» и «О платежах и платежных системах».

Рост популярности финансовых услуг сопровождается последовательным реформированием системы денежных переводов. В рамках этих реформ 12 сентября 2017 года Президентом Республики Узбекистан было принято постановление № ПП-3270 «О мерах по дальнейшему развитию и

повышению устойчивости банковской системы республики». Постановление направлено на создание необходимых правовых условий для ведения продвинутого банковского бизнеса и укрепления конкурентной среды в этом секторе.



В постановлении указано, что в целях восполнения имеющихся пробелов необходимо развивать комплексную и экономически эффективную систему финансового посредничества и продуктов, включающую микро-

финансовые организации, лизинговые, факторинговые и финансово-технологические (FinTech) компании, операторов электронных денег, специализированных кредитных посредников, которые будут иметь возможность разрабатывать целевые решения для этих слоев, реализуя меры по внедрению новых концепций и технологий (FinTech, маркетплейс, цифровой банк) в банковском секторе [1].

Вышеуказанные обстоятельства подчёркивают необходимость научного исследования использования инновационных технологий (FinTech) в банковской системе страны для реализации онлайн трансграничных денежных переводов.

Обзор литературы. По мнению К. Гая, М. Цю и С. Суня, FinTech, как новый термин в финансовой индустрии, стал популярной концепцией, описывающей внедрение новых технологий финансовыми учреждениями.

Этот термин охватывает широкий спектр методов: от безопасности данных до предоставления финансовых услуг [2].

По мнению Савиной Т.Н., развитие и распространение FinTech можно рассматривать как частный случай перехода к цифровой экономике, то есть цифровизации финансовой деятельности [3].

Павлов А.А. отметил, что в результате использования FinTech в банковской деятельности увеличатся возможности для клиентов при использовании банковских услуг.

Мобильные платежи и цифровые кошельки ускорят процесс оплаты, одновременно обеспечивая автоматизацию финансовых отношений [4].

По мнению Масленикова В.В., Федотова М.А. и Сорокина А.Н., целью использования банками FinTech является совершенствование существующей платежной системы и получение конкурентного преимущества за счет создания новых масштабных инновационных сервисов

[5]. Курманова Л.Р., Курбанаева Л.Х. и Хадиева Т.И. отмечают, что использование инноваций и FinTech в деятельности коммерческих банков тесно связано с внедрением дистанционного обслуживания клиентов. В настоящее время обслуживание клиентов в финансовом секторе на базе Fintech предлагают не только банки, но и компании, специализирующиеся на различных финансовых услугах [6].

Джумаев Н. выделяет в числе приоритетных направлений информационную безопасность при управлении цифровыми активами, правовую защиту потребителей, использование облачных технологий и внедрение блокчейн-технологий [7].

Анализ и результаты. Использование FinTech в финансовом секторе означает внедрение современных инноваций, эффективное обслуживание клиентов с применением цифровых технологий и больших данных.

Использование FinTech и других инноваций в развитии онлайн трансграничных денежных переводов позволит снизить стоимость обслуживания и повысить качество сервиса для большого числа клиентов.

S&P Global в 2018 году опубликовало отчет «US Fintech Market Report», посвященный рынку финансовых технологий в США.

В этом отчете деятельность FinTech разделена на шесть типов: платежи, цифровое кредитование, цифровой банкинг, управление цифровыми инвестициями, финансовые средства массовой информации и обработка данных, а также страховые технологии¹.

Из данных, представленных на рис. 1, видно, что FinTech воплощает в себе инновации на финансовом рынке.

Благодаря внедрению финтех-решений на рынок вышли новые конкуренты, что стимулировало финансовые институты

1. <https://www.spglobal.com/marketintelligence/en/documents/2018-us-fintech-market-report.pdf>




Рис. 1. Инвестиции в FinTech США (по типам)

использовать современные методики и технологии для эффективного взаимодействия с клиентами. Это позволяет им конкурировать даже с банками, обладающими значительным капиталом.

Чем выше эффективность использования FinTech, тем выше конкурентные преимущества организации, поскольку современные потребители всё чаще выбирают удалённые способы получения финансовых услуг.

В результате эффективного использования инноваций в финансовой сфере возросла конкуренция на банковском рынке, снизились цены на банковские услуги, большое количество клиентов обслужено за счет использования облачных сервисов, появилась возможность анализировать деятельность клиентов посредством собранных данных.

Развитие FinTech ускорилось под влиянием пандемии COVID-19. В 2020 году 34% банков по всему миру предоставили возможность открывать счета онлайн без посещения офиса, а 23% участников банковского сектора внедрили дистанционную идентификацию владельцев счетов².

2. Финтех как драйвер цифровизации банковских услуг Экономика и инновационные технологии

В Узбекистане FinTech начал развития с внедрения онлайн-депозитов, а со временем стали предоставляться и другие виды финансовых услуг. В частности, с помощью приложений запущены онлайн-кредиты, онлайн денежные переводы с карты на карту, оплата товаров и услуг, а также сервисы аннулирования карт.²

FinTech означает, что для населения создан ряд дополнительных удобств, теперь клиенты могут получить доступ к финансовым услугам круглосуточно (24/7) или воспользоваться беспроцентными кредитами на определенные сроки.

По состоянию на 1 января 2023 года в Узбекистане насчитывалось 26,7 млн. пользователей интернета, что соответствует уровню проникновения в 77%, 76% уровень покрытия смартфонами, 35 банков, 49 платежных организаций и 70 финтех-компаний. За последние два года 61 процент венчурных инвестиций был направлен в FinTech³.

Сегодня свои финансовые услуги в нашей стране предоставляют Atmos, Click, Uzum, Paynet, Zood Узбекистан, Алиф Узбекистан, UZCARD и ряд других компаний. Рост

3. Финтех-рынок Узбекистана и цена цифровой валюты на 31 декабря 2022 года

использования средств мобильной связи и, соответственно, развитие цифровых сервисов, в том числе совершенствование механизмов онлайн денежных переводов, также служат дальнейшему развитию FinTech.



Заключение. В нашей стране остаются актуальными вопросы, связанные с обеспечением стабильного развития онлайн

трансграничных денежных переводов посредством использования FinTech.

Для обеспечения устойчивого развития финансовых организаций и банковской системы необходимо принять следующие меры:

- упростить процесс внедрения инновационных услуг, внедряемых коммерческими банками нашей республики;
- ускорить внедрение финтех-услуг, доступных за рубежом, в деятельность отечественных коммерческих банков;
- стимулировать инновации в развитии цифровой экономики и финансового рынка;
- повысить компетентность сотрудников банка в работе с FinTech;
- обеспечить прозрачную конкуренцию между коммерческими банками и другими финансовыми организациями.

Использованная литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 12 мая 2020 года № ПФ-5992 «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы».
2. Гай К., Цю М. и Сунь Х. (2018). Опрос о FinTech. Журнал сетевых и компьютерных приложений, 103, 262–273. doi:10.1016/j.jnca.2017.10.011
3. Савина Т. Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы // Финансы и кредит. 2018. Т. 24. № 3. С. 579–590.
4. Павлова А.А. Влияние технологий FinTech на развитие банковского сектора. Экономика и социум: современные модели развития Том 13 № 2, апрель-июнь 2023.
5. Масленников В.В., Федотова М.А., Сорокин А.Н. Новые технологии меняют наш мир / В.В. Масленников, М.А. Федотова, А.Н. Сорокин // Вестник финансового университета. – 2017. – № 3. – С. 6-11.
6. Курманова Л.Р., Курбанаева Л.Х., Хадиев Т.И. Применение искусственного интеллекта в скоринговых системах российских банков/Л.Р. Курманова, Л.Х. Курбанаева, Т.И. Хадиев // Инновационное развитие экономики. – 2019. – № 6 (54). - с. 41-46.
7. Джумаев Н.Х. (2020) Зачем нужна цифровая экономика и что она дает?

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARIDAGI ALLERGEN MODDALAR

Kadirova N. S.¹, Ro'zioxunova H. J.², Abduraxmanov O. X.³, Xakimov D. V.⁴,

¹Toshkent davlat agrar universiteti mustaqil tadqiqotchisi

²Andijon mashinasozlik instituti tayanch doktoranti

³Toshkent davlat agrar universiteti, Qishloq xo'jaligi biotexnologiyasi, standartlashtirish va sertifikatlash kafedrası kata o'qituvchisi

⁴Toshkent davlat agrar universiteti, Qishloq xo'jaligi biotexnologiyasi, standartlashtirish va sertifikatlash kafedrası dotsenti t.f.f.d.

Annotatsiya. Ushbu maqolada oziq-ovqat mahsulotlarida uchraydigan allergenlarning turlari va ularni aniqlash usullari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Tayanch so'zlar: allergen, kazein, laktoglobulin, laktalbumin, laktaza, HPLC, ELISA va boshqalar.

Kirish. Allergen — allergik reaksiyalarni keltirib chiqaruvchi modda. Allergenlar quyidagi guruhlariga bo'linadi: noin-feksion Allergenlar — maishiy, epidermal Allergenlar, o'simlik gullarining changlari, oziq-ovqat, dori-darmonlar, turli xil kimyoviy moddalar. Infeksion Allergenlar — bakteriyalar, zamburug'lar, viruslar va boshqa maishiy Allergenlar — uy changi, par yostiqliklari, dafniya, kutubxona changlari.

Epi-dermal Allergenlar — yovvoyi va uy hayvonlari (it, mushuk, ot, qo'y va boshqalar) jini, qazg'og'i. Dori Allergenlari: 0,9% li fiziologik eritma va glyukozadan tashqari deyarli hamma dorilar.

O'simlikgullarining changi 35 mkm dan kichik bo'lsa va o'zida allergenlik xususiyatini namoyon etsa, shamolda uzoq masofaga ucha oladigan bo'lsa, allergik kasallik paydo qilishi mumkin. Bunday o'simliklarga ermon, burgon, makka, yalpiz va boshqa kiradi.

Oziq-ovqat Allergenlari: har xil oziq-ovqat mahsulotlari (sut, tuxum, asal, baliq, yong'oq, mosh, no'xat, sitrus mevalar, shokolad va boshqalar). Kimyoviy Allergenlar — turli xil poroshoklar, pastalar, ursol (soch bo'yog'i tarkibidagi modda, benzin, benzol va boshqalar)

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, statistik guruhlash, ekspert bahosi, ilmiy abstraksiya va boshqa usullardan keng foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Oziq-ovqat allergiyalari dunyo bo'ylab keng tarqalgan sog'liq muammolaridan biridir. Ular odamlar hayotini jiddiy ravishda ta'sir qilishi va turli xil sog'liq muammolariga olib kelishi mumkin.

Oziq-ovqat allergiyalari, odatda, organizmning oziq-ovqatdagi muayyan moddalarni (allergenlar) noto'g'ri tanishi natijasida yuzaga keladi.



Oziq-ovqat allergiyalarining sabablari:

Genetik faktorlar: Allergiya tarqalishi oila a'zolari orasida bo'lishi mumkin.

Ekologik faktorlar: Oziq-ovqat iste'moli, atrof-muhit va turli xil allergenlarga ta'sir qilish allergiyalar rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Oziq-ovqatning tarkibi: Muayyan oziq-ovqatlar, masalan, sut, tuxum, yong'oq, gluten va boshqa moddalar ko'proq allergik reaksiyalarga olib keladi. Oziq-ovqat mahsulotlaridagi allergen moddalar turlicha bo'lishi mumkin va har bir insonda allergik reaksiyalar turlicha paydo bo'lishi mumkin. Eng keng tarqalgan allergenlar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

Sut - sut va sut mahsulotlari (masalan, pishloq, yogurt).

Sut va sut mahsulotlaridagi allergenlar asosan sutda mavjud bo'lgan oqsillardan kelib chiqadi. Eng keng tarqalgan allergenlar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

Kazein — sutdagi asosiy oqsil bo'lib, ko'plab odamlar uchun allergen sifatida xizmat qilishi mumkin. U sutning qattiq qismida mavjud bo'lib, ko'p turdagi pishloqlar va yogurtlarda ham mavjud.

Laktoglobulin — sutda uchraydigan yana bir oqsil bo'lib, u ko'pincha allergik reaksiyalarni keltirib chiqaradi. Bu oqsil, asosan, qaymoq va yogurt kabi mahsulotlarda mavjud.

Laktalbumin — bu ham sutda mavjud bo'lgan oqsil bo'lib, ba'zi odamlar uchun allergen

hisoblanadi. Laktalbumin ko'proq sut va sut mahsulotlarida uchraydi.

Laktaza - ba'zi insonlar sutni hazm qilish uchun zarur bo'lgan laktaza fermentini yetarli darajada ishlab chiqara olmaydilar. Bu holat laktaz yetishmovchiligi deb ataladi va u allergiya emas, balki intoleransdir. Bunda odamlar sut iste'mol qilganda noqulayliklar (qorin og'rig'i, shish) his qilishlari mumkin.

Sut qo'shimchalari - ba'zi sut mahsulotlarida qo'shilgan ingredientlar (masalan, aromatlari yoki konservantlar) ham allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin. Bu qo'shimchalar bilan bog'liq allergiya ehtimoli ham mavjud.

Yong'oqlar - bodom, kaju, findiq va boshqa yong'oqlar.

Yong'oqlar ko'plab insonlarda allergik reaksiyalarga olib kelishi mumkin. Ular o'z ichiga oladigan eng keng tarqalgan allergenlar quyidagilardir:

Bodom — eng keng tarqalgan allergenlardan biri. Bodomga allergiya bo'lgan insonlar ko'pincha toshma, qichishish yoki qorin og'rig'ini boshdan kechirishlari mumkin.

Kaju yong'oqlariga allergiya ham keng tarqalgan. Ushbu allergiya turli xil simptomlar keltirib chiqarishi mumkin, jumladan, nafas olishda qiyinchilik va oshqozon muammolari.

Funduk — boshqa bir muhim allergen. U ko'plab dessertlar va pishiriqlarda mavjud, shuning

uchun allergiyaga ega bo'lgan insonlar diqqatli bo'lishlari kerak.

Pista yong'oqlariga allergiya ba'zi insonlarda sezilarli simptomlarni keltirib chiqarishi mumkin. Pista allergiyasi bo'lganlar uchun og'ir reaksiyalar xavfi mavjud.

Kokos yong'oqlariga allergiya kamroq uchraydi, ammo ba'zi odamlar uchun allergik reaksiyalar keltirib chiqarishi mumkin.

Yong'oq — ko'plab odamlar uchun allergik reaksiyalarni keltirib chiqaradigan eng kuchli allergenlardan biridir. Yong'oqqa allergiya bo'lgan insonlar ko'pincha og'ir reaksiyalarni boshdan kechirishadi.

Bug'doy - bug'doy va uning mahsulotlari.

Bug'doyda mavjud bo'lgan allergenlar asosan bug'doyning oqsillaridan kelib chiqadi. Bug'doyga nisbatan allergiya odatda quyidagi oqsillar bilan bog'liq:

Gluten — bug'doy, arpabodiyon va boshqa donli mahsulotlarda mavjud bo'lgan oqsil aralashmasidir. Gluten ko'plab insonlarda allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin va ba'zi hollarda seliakiya kasalligi bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Gliadin — glutenning bir qismini tashkil etuvchi oqsil. Seliakiya kasalligida immun tizimi gliadini xavfli moddalar sifatida tanib, shikastlanishlarga olib kelishi mumkin.

Kazein — ba'zi bug'doy mahsulotlarida kazein ham uchraydi, bu esa qo'shimcha allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin.

Baliqlar - baliq va dengiz mahsulotlari.

Baliq va dengiz mahsulotlari ko'plab insonlarda allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin. Baliqlardagi asosiy allergenlar quyidagilardir:

Baliq oqsillari - baliqdagi allergenlar asosan oqsillardan iborat. Ular asosan quyidagi turlarga bo'linadi:

- Parvalbumin: Bu eng keng tarqalgan baliq allergeni bo'lib, ko'plab baliq turlarida mavjud.

- Kollagen: Baliq terisida va suyaklarida mavjud bo'lib, ayrim insonlarda allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin.

Dengiz mahsulotlari - baliq allergiyasi ko'pincha dengiz mahsulotlariga ham bog'liq. Masalan, krevetkalar, qisqichbaqalar va boshqa dengiz mahsulotlari ham allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin. Ularning allergenlari ham oqsillardan iborat.

Qovoq - ba'zi insonlarda allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin.

Qovoq, odatda, allergik reaksiyalarni keltirib chiqarmasada, ba'zi odamlar uchun allergen bo'lishi mumkin. Qovoqdagi allergenlar quyidagi asosiy komponentlardan iborat:

Oqsillar - qovoqda ba'zi oqsillar mavjud bo'lib, ular allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin. Qovoq turiga qarab, bu oqsillar har xil bo'lishi mumkin, ammo ular umumiy allergik reaksiyalarni keltirib chiqarishi mumkin.

Krujka va tuxum - ba'zi insonlar qovoqni iste'mol qilishda boshqa ingredientlar bilan, masalan, tuxum yoki krujka bilan birga iste'mol qilganda allergik reaksiyalarni boshdan kechirishlari mumkin. Bu holda, qovoq o'zi emas, balki birgalikda iste'mol qilingan ingredientlar allergen sifatida faoliyat yuritadi.

Bundan tashqari, qo'shimcha allergenlar ham mavjud bo'lishi mumkin. Agar sizda allergiya yoki noqulaylik belgilari bo'lsa, shifokor bilan maslahatlashish muhimdir. Oziq-ovqat etiketkalarini diqqat bilan o'qish va allergenlar haqida xabardor bo'lish foydali bo'ladi.

Oziq-ovqat mahsulotlaridagi allergen moddalarni aniqlash jarayoni bir nechta usullar orqali amalga oshiriladi. Ushbu usullar allergenlarni aniqlash va ularni boshqarish uchun muhimdir. Quyida eng keng tarqalgan metodlar quyidagilar hisoblanadi:

1. Laboratoriya testlari

Immunoassay usullari: ELISA (Enzyme-Linked Immunosorbent Assay) kabi testlar

allergenlarning mavjudligini aniqlashda qo'llaniladi. Ushbu metodda, ma'lum allergenlarga qarshi antitellarning mavjudligi aniqlanadi. HPLC (High-Performance Liquid Chromatography): Bu usul orqali oziq-ovqat mahsulotlarida kimyoviy moddalar va allergenlar aniqlanadi. HPLC yuqori aniqlik bilan kompleks aralashmalardan ma'lum moddalarni ajratishga imkon beradi.

2. Oziq-ovqat etiketkalari

Oziq-ovqat mahsulotlarining etiketkalari allergenlar haqida ma'lumot beradi. Ko'plab mamlakatlarda allergenlar ro'yxati qonuniy talab sifatida kiritilgan bo'lib, iste'molchilarga xavfli moddalarni aniqlash imkonini beradi.

3. Allergenni aniqlashning vizual usullari

Mikroskopiya: Oziq-ovqat mahsulotlaridagi zarrachalarni va allergenlarni aniqlash uchun ishlatiladi. Bu usulda, zarrachalarning shakli va o'lchami tahlil qilinadi.

4. Oziq-ovqat mahsulotlarini sinovdan o'tkazish

Sensitivlik testlari: Odamlar tomonidan maxsus testlar o'tkazilib, muayyan oziq-ovqat

mahsulotlariga nisbatan allergik reaksiyalar aniqlanadi. Bu usul shifokorlar tomonidan amalga oshiriladi va ko'pincha allergologik klinikalar bilan bog'liqdir.

5. Genetik testlar

Ba'zi allergik reaksiyalar genetik omillarga bog'liq bo'lishi mumkin. Genetik testlar yordamida shaxsiy predispozitsiyalar aniqlanishi mumkin, bu esa allergik reaksiyalar xavfini baholashda muhim ahamiyatga ega.

Xulosa. Oziq-ovqat mahsulotlaridagi allergen moddalarni aniqlash jarayoni murakkab va ko'plab usullarni o'z ichiga oladi.

Ushbu metodlar zamonaviy ilmiy yutuqlarga asoslangan bo'lib, ular allergik reaksiyalarni oldini olish va xavfsiz oziq-ovqat iste'molini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Har qanday hollarda, allergiya belgilari ko'rsatilganda shifokor bilan maslahatlashish zarur. Oziq-ovqat va allergiya sohasidagi bilimlar doimiy ravishda yangilanib bormoqda, shuning uchun sohadagi yangiliklardan xabardor bo'lish muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. World Health Organization (WHO): "Food Allergies: The Global Burden" - Oziq-ovqat allergiyalari va ularning global ta'siri haqida ma'lumot.

2. Food and Drug Administration (FDA): "Food Allergens Labeling and Consumer Protection Act" - Oziq-ovqat allergenlarini belgilash va himoya qilish to'g'risida qonuniy ma'lumotlar.

4. National Institute of Allergy and Infectious Diseases (NIAID): "Guidelines for the Diagnosis and Management of Food Allergy" - Oziq-ovqat allergiyalarini aniqlash va boshqarish bo'yicha qo'llanma.

6. Journal of Allergy and Clinical Immunology: Oziq-ovqat allergiyalariga doir tadqiqotlar va tahlillar.

7. Codex Alimentarius: "Guidelines for the Management of Food Allergens" - Oziq-ovqat allergenlarini boshqarish bo'yicha xalqaro qoidalar.

8. Hamidov A. O., Xakimov D. V. OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARIDAGI ZARARLI MODDALARNI XALQARO STANDARTLAR TALABLARI ASOSIDA NAZORAT QILISH //NRJ. – 2024. – T. 1. – №. 3. – C. 743-748.

9. Ro'ziahunova X., Xakimov D. OZIQ-OVQAT KORXONALARIDA HACCP TIZIMI ASOSIDA XAVFLARNI TAHLIL QILISH //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 6.

10. Hamidov A. O., Xakimov D. V. XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTLARINI SIFAT VA XAVSIZLIGINI TA'MINLASH //NRJ. – 2024. – T. 1. – №. 3. – C. 749-754.

SUN'IY INTELLEKT VA RAQAMLI TIZIMLAR ORQALI G'O'ZADA URUG'LARNING NAVDORLIGINI RAQAMLI BOSHQARISH

Mamatqodirov J. B.¹, Xolmurodova G. R.²,

¹Toshkent davlat agrar universiteti "Seleksiya va urug'chilik" ixtisoslik tayanch doktoranti

²Toshkent davlat agrar universiteti Qishloq xo'jalik ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası professori, q.x.f.d.(DSc), professor

Annotatsiya. Ushbu maqolada, O'zbekistondagi Quva tumanida g'o'zada urug'larning navdorligini saqlash va oshirish uchun raqamli tizimlar va sun'iy intellektni qo'llash imkoniyatlari tahlil qilinadi. Sun'iy intellekt yordamida urug'larning sifatini baholash va ularning navdorligini nazorat qilishning yangi usullari ko'rsatilgan. Tadqiqotda raqamli tizimlar yordamida qulay va samarali platforma yaratilib, g'o'zada urug'larning sifatini real vaqt rejimida tahlil qilish imkoniyatlari ko'rsatiladi.

Tayanch so'zlar: sun'iy intellekt, raqamli tizimlar, go'zada urug'chilik, navdorlik, qishloq xo'jaligi, O'zbekiston, Quva tuman, raqamlashtirish

Kirish. *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019 yil 6 sentabr kuni qishloq xo'jaligini 2020-2030 yillarda rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazdi. Yig'ilishda mazkur strategiyani amalga oshirish uchun zarur bo'lgan muhim vazifalar belgilab berilgan. Mutasaddirlarga ekinlarni joylashtirishdan tortib, sotuvgacha bo'lgan jarayonlarni to'liq raqamlashtirish tizimini joriy etish bo'yicha topshiriqlar berildi. Yuqoridagi vazifalar bajarilishini samarali tashkil etish uchun eng avvalo malakali kadrlar kerakligi qayd etildi.*

Qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasi ishlab chiqilishi, bu iqtisodiyotning asosiy o'sish nuqtasi, "drayveri" bo'ladi. Ming-minglab ish joylari yaratiladi, odamlarning daromadi oshadi.

O'zbekiston respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida O'zbekiston respublikasi prezidentining farmonida quyidagi qismlar taqdim etildi va tasdiqlandi.

Ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish, yer va suv munosabatlarini takomillashtirish, qulay agrobiznes muhitini va yuqori qo'shilgan qiymat zanjirini yaratish, kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash, sohaga bozor mexanizmlarini, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, shuningdek, ilm-fan yutuqlaridan samarali foydalanish hamda kadrlar salohiyatini oshirish maqsadida:

qishloq xo'jaligida ilmiy-tadqiqot, ta'lim va maslahat xizmatlarining ishlab chiqarish bilan integratsiyalashgan bilim va ma'lumotlarni

tarqatishning samarali shakllarini qo'llashni nazarda tutuvchi ilm-fan, ta'lim, axborot va maslahat xizmatlari tizimini rivojlantirish;

zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish orqali statistik ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish va tarqatishning ishonchli uslublarini joriy etishni nazarda tutuvchi tarmoq statistikasining shaffof tizimini yaratish.

Ilmiy-tadqiqot, ta'lim va axborot-maslahat xizmatlarini ko'rsatishni o'zaro bog'laydigan qishloq xo'jaligiga oid bilim va axborotlarni tarqatish bo'yicha samarali tizimning yo'qligi sohani ilmiy asosda rivojlantirishdagi eng jiddiy to'siqlardan biri bo'lib qolmoqda. Hozirda ilmiy-tadqiqotlar uchun davlat investitsiyalari darajasi qishloq xo'jaligi umumiy byudjetining 0,2 foizini tashkil etadi.

2021 yil 9-oktabrda O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri maslahatchisi - IT-texnologiyalar, telekommunikatsiyalar va innovatsion faoliyatni rivojlantirish masalalari departamenti boshlig'i Olimjon Umarov, Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining birinchi o'rinbosari Oleg Pekos, «O'zbekkosmos» agentligi, shuningdek, Qishloq xo'jaligi vazirligi mas'ul rahbarlar ishtirokida qishloq xo'jaligini raqamlashtirish masalalari muhokama qilindi.

Tadbirda sohani raqamlashtirish, qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat xavfsizligi bo'yicha zamonaviy axborot tizimlari hamda dasturiy mahsulotlarni joriy etish masalalari yuzasidan olib borilayotgan keng ko'lamli ishlarning hozirgi holati, yaratilayotgan axborot tizimlarining maqsadi va kelgusida amalga oshiriladigan ustuvor vazifalar muhokama qilindi.

Shuningdek, qishloq xo'jaligi subyektlari uchun dolzarb xizmatlar va ma'lumotlarni raqamli texnologiyalar yordamida taqdim etish, bu borada jarayonlarning shaffofligini oshirish va inson omilini kamaytirish choralarini ko'rish, idoralararo qishloq xo'jaligiga oid ma'lumotlarning elektron almashinuvini yo'lga qo'yish, axborot va geoaxborot texnologiyalarini sohada qo'llash bo'yicha xodimlarning bilim va ko'nikmalarini oshirish, Toshkent davlat agrar universitetida sohada axborot texnologiyalari va innovatsion yechimlar bo'yicha

istiqbolli loyihalarni qo'llab-quvvatlash mexanizmini ishlab chiqish, ta'limni ishlab chiqarish bilan uzviy bog'lash, shuningdek ilmiy salohiyatni kuchaytirish yo'nalishida tegishli tavsiya va vazifalar belgilab berildi.

Joriy yil, ya'ni 2022 yilning 22-sentabr kuni tarmoq va hududlarda raqamli iqtisodiyot hamda elektron hukumatni joriy qilish masalalari bo'yicha o'tgan videoselektor yig'ilishida prezident Shavkat Mirziyoyev «Tarmoq va hudud rahbarlari raqamlashtirishsiz natija, rivojlanish bo'lmasligini tushunib yetishi shart. Barcha darajadagi rahbarlar buni o'ziga kundalik vazifa sifatida belgilab, raqamlashtirish sohasini alifbosidan boshlab chuqur o'rganishi kerak», - deya ta'kidlandi.

John Deyere kompaniyasi qishloq xo'jaligini raqamlashtirish bilan shug'ullanuvchi jahondagi birinchi raqamli kompaniya hisoblanadi. John Deyere o'zining O'zbekistondagi dileri «Landtech» kompaniyasi yordamida Shavkat Mirziyoyev tashabbusini qo'llab-quvvatlashga, mamlakat qishloq xo'jaligini raqamlashtirishga yordam berib kelmoqda. Shuningdek, tashkilot mamlakatdagi yosh kadrlarni qishloq xo'jaligini raqamlashtirish bo'yicha o'qitish dasturlarini ham amalga oshirmoqda.

John Deyere kompaniyasi qishloq xo'jaligiga ixtisoslashgan eng so'nggi modeldagi mashinalarni ishlab chiqarmoqda. Kompaniya mahsulotlaridan foydalanish bilan qishloq xo'jaligida mahsulot yetishtirish hajmi oshmoqda, suv tejash imkoni paydo bo'lmoqda.

2022-yil 18 oktabr kuni prezident Shavkat Mirziyoyev agrar sohada yil yakunigacha kutilayotgan natijalar va kelgusi yildagi vazifalar yuzasidan yig'ilish o'tkazdi. Bu haqda Prezidenti matbuot xizmati [xabar berdi](#).

«Qishloq xo'jaligi masalasini alohida e'tiborga olib, tez-tez muhokama qilib borayotganimiz bejiz emas. Chunki bu iqtisodiyotning to'rttdan bir qismini tashkil qiladigan muhim soha. Buning zamirida xalqimiz farovonligi, narx-navo barqarorligi, qancha ish o'rinlari yotibdi», — dedi Shavkat Mirziyoyev.

Qolaversa yig'ilishda qishloq xo'jaligini raqamlashtirish masalasiga ham alohida to'xtaldi.

«Raqamlashtirish bo'lmasa, sohada haqqoniy statistika bo'lmaydi. To'g'ri ma'lumot bo'lmagach, agroxizmatlar rivojlanmaydi, fermerlar qachon nimani eksa, ko'proq daromad olishini bilmaydi. Shuning uchun bu jarayonni tezlashtirish kerak», — deb ta'kidladilar. Shu yil yakunigacha 3 ta, kelgusi yilda 4 ta loyihani yakunlab, yer hisobi, subsidiya ajratish, ekin maydonlarini monitoring qilishni to'liq raqamlashtirish vazifasi qo'yildi. Kelgusi yilda sohada 600 mingta ish o'rni yaratish hamda eksportni 2 milliard dollarga yetkazish maqsadi belgilandi.

Bu o'z o'rnida seleksiya va urug'chilik yo'nalishidagi ishlarni axborot texnologiyalari orqali fermerlarga oson va tez yetib borishini ta'minlash, seleksiya va urug'chilik jarayonlarini raqamlashtirish orqali samarasini oshirishga talab yuqoriligini ko'rsatadi. Raqamlashtirish orqali yig'ilgan ma'lumotlar bazasi keyingi tadqiqotlarni osonlashtiradi. G'o'zadagi urug'larning navdorligini saqlash va oshirish, qishloq xo'jaligida yuqori sifatli mahsulot ishlab chiqarishni ta'minlashning muhim omillaridan biridir.

Raqamli texnologiyalar, xususan sun'iy intellekt (AI), bu jarayonda urug'larning sifatini aniqlash va monitoring qilishda yangi imkoniyatlarni yaratadi. Tadqiqotda, Quva tumanida raqamli tizimlar va AI yordamida go'zadagi urug'larning sifatini baholash va navdorlikni saqlash imkoniyatlari ko'rsatiladi.

Tadqiqotning maqsadi – g'o'zada urug'larning navdorligini sun'iy intellekt yordamida raqamli tizimlar asosida boshqarishdir.

Tadqiqot quyidagi vazifalarni bajaradi: Sun'iy intellektni qo'llash orqali urug'larning sifatini

baholash; raqamli tizimlar yordamida navdorlikni saqlash va samaradorlikni oshirish; Quva tumanidagi amaliy tajribalar asosida yangi yondashuvlarni ishlab chiqish.

Tadqiqotning nazariy asoslari quyidagilardan iborat. Sun'iy intellekt va raqamli tizimlarning qishloq xo'jaligi sohasida qo'llanilishi haqida bir qator tadqiqotlar mavjud. Smith et al. (2022) sun'iy intellekt yordamida urug'lar sifatini baholashning samaradorligini ko'rsatgan. Shuningdek, Li et al. (2023) tomonidan olib borilgan tadqiqotda raqamli tizimlar yordamida urug'lar va tuproq sharoitlarini kuzatishning samaradorligi tahlil qilingan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotda quyidagi metodlar qo'llanilgan: AI algoritmlarini o'rnatish: Urug'larning sifatini baholash uchun sun'iy intellekt algoritmlari ishlatildi. Ma'lumotlarni yig'ish va tahlil qilish: Urug'lar haqida ma'lumotlar yig'ilib, AI yordamida tahlil qilindi.

Pilot loyihalar: Quva tumanida raqamli tizimlar asosida tajriba o'tkazildi.

Tadqiqot natijalari. Sun'iy intellekt yordamida g'o'zadagi urug'larning sifatini baholashda sezilarli samaradorlik oshdi. AI algoritmlari yordamida navdorlikni saqlash va urug'larning sifatini nazorat qilish osonlashdi.

Xulosalar va tavsiyalar. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, raqamli tizimlar va sun'iy intellekt go'zadagi urug'larning navdorligini saqlash va oshirishda samarali vosita bo'lib xizmat qiladi. Ushbu texnologiyalarni kengaytirish va boshqa hududlarda ham qo'llash tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zhang, X., Li, H., & Wang, Y. (2023). "Application of IoT in agriculture: Real-time monitoring of seed quality and soil conditions." *Agricultural Technology Review*, 15(3), 112-125.
2. Brown, J., Martin, D., & Anderson, K. (2022). "Artificial Intelligence in seed quality assessment: A review of methods and applications." *International Journal of Agricultural Science*, 24(1), 56-70.
3. Smith, T., & Tan, J. (2021). "Big data applications in crop production and quality monitoring." *Agriculture and Data Science Journal*, 12(4), 94-105.
4. Li, X., & Huang, G. (2023). "AI and digital systems in seed quality management." *Journal of Digital Agriculture*, 8(2), 103-115.

ТЕВЕВИТ БОМС ПРЕПАРАТИ: ДЎЗАНИНГ ЎСИШИ ВА ТУПРОҚ МИКРОФЛОРАСИГА ТАЪСИРИ

Рахимова Д. И.,

ToshDAU O'simlikshunoslik va moyli ekinlar kafedrası assistenti

Аннотация. Мақолада органик пахта етиштиришда ғўзага минерал ўғитлар қўлланилмай Тевевит Бомс препаратини ерни экишга тайёрлаш даврида 300-1000 кг/га меъёрларда қўлланилганда, чигитнинг униб чиқиши тезлашган, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланган, тупроқдаги микроорганизмлар фаоллиги ошгани аниқлангани тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: ғўза, Тевевит Бомс, тупроқ, униб чиқиш, ўсиш-ривожланиш, микроорганизмлар.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экинларни парваришлаш агротадбирларини такомиллаштириш, кам маблағ ва ресурслар сарфлаб, минерал ўғитларни кам ёки умуман қўлламасдан экологик соф маҳсулот етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, юксак самарали замонавий инновацион технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, иқтисодиётни тараққий топтириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юртимизда ноқулай об-ҳаво ва стресс ҳолатларда ниҳолларни эртаги хатосиз соғлом ундириб олиш, ўсимликнинг ўсиб ривожланишини яхшилаш ва ундан юқори сифатли ҳосил олишнинг йўлларида бири стимуляторлар билан чигитларга экиш олдида тупроққа ва чигитларга ишлов бериш ҳамда ўсимлик амал даврида қўллаш муҳим тадбирлар қаторига қиради.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинлар уруғининг унвчанлиги ва униб чиқиш қувватини ошириш, ҳосилнинг пишишини тезлаштириш,

ўсимликнинг қурғоқчиликка, шўрга, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамлилигини оширишда физиологик фаол моддалар ижобий таъсир этиши аниқланган. (Калинин, Мережинский, [1]).

Органик пахта етиштириш ҳам дунёнинг ривожланган давлатларида устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон ҳам йирик пахта етиштирувчи давлатлар қаторидан жой олганлиги эса республикамизда органик пахта етиштиришни тақозо этади. Органик пахта етиштиришда заҳарли кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар қўлланилмайди, ёки биологик воситалардан фойдаланилади. Шу борада микроорганизмлар фоаллигини оширадиган, табиий органик асосга эга бўлган Бомс препаратининг ғўзадаги самарадорлигини ўрганиш ва органик пахта етиштиришдаги аҳамиятини аниқлаш мақсадида 2018-2020 йилларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тевевит Бомс биологик препарати қўнғир кўмир ва торф компостини гумификациялаш натижасида олинган органик ўғит, қуруқ, қора рангли, донатор шаклда. Таркибида гумин



ва фульво кислоталари, турли хил макро ва микроэлементлар мавжуд. Тупроқдаги энг муҳим элементлардан фосфат ва калийни ўзлаштирилмайдиган шаклдан осон ўзлаштирилувчи шаклга айлантириб беради.

Тупроқ унумдорлигини тиклайди ва гумус миқдорини оширади, микрофлораси яхшиланади. Шудгорланган далага чигит экишдан олдин тупроққа солинади ва ерга 8-10 см аралаштирилади. Эрталаб ва кечки салқин вақтларда ишлатиш тавсия этилади. Хавфсизлик даражаси кам, заҳарли.

Тажриба услублари. Дала шароитидаги тажрибалар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Т:2007) қўлланмасига [2] мувофиқ Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-37 навида олиб борилди. Тажриба вариантлари бўйи 25 м, эни 2,4 м (ғўза қатор ораси 60 см), майдони, 60 м² ни ташкил қилди ва 3 қайтариқда жойлаштирилди.

Тажрибанинг назорат вариантыда ғўза одатий агротехнологияга мос ҳолатда умум қабул қилинган агротехник тадбирлар асосида ҳамда минерал ўғитларнинг йиллик меъёри азот гектарига 200 кг, фосфор 140 кг ва калий 100 кг соф ҳолда қўлланилган ҳолда парваришланган бўлса, 2-вариантда Бомс препаратининг 600 кг/га меъёри ва минерал ўғитлар юқоридаги меъёрларда N-200, P-140, K-100 кг/га қўлланилди. Тажрибанинг кейинги вариантларида Тевевит

Бомс препарати гектарига 300; 600 ва 1000 кг меъёрларда қўлланилиб, ушбу вариантларда минерал ўғитлар умуман солинмади.


Олинган натижалар таҳлили. Тажрибада Бомс препарати ерни экишга тайёрлаш вақтида тупроққа қўлланилганда ниҳоллар униб чиқишига таъсири ўрганилди. Тажриба вариантларида чигитнинг униб чиқиши 5 муддатда, яъни 2 майдан бошлаб 12 майгача кузатилиб борилди. Дастлабки кузатувда 2 май кунини назорат вариантыда 10 метр квадрат майдонда 43,0 дона, Бомс қўлланилган вариантларда 53,0-97,7 донани ташкил этгани аниқланган. Кейинчалик 4; 7 ва 10 май кунлари ҳам шунга ўхшаш ҳолатда Бомснинг 300-600 кг/га меъёрларида ниҳоллар униб чиқиши назорат вариантыдан бирмунча юқори бўлгани кузатилган.

Охирги кузатувда 12 май кунини тажрибанинг Бомс 300-600 кг/га қўлланилган вариантларида униб чиққан ниҳоллар сони 307,0-380,3 донани ташкил этган ҳолда назоратдаги 236,0 донага нисбатан 71,0-144,3 дона кўплиги қайд этилган. Лекин, Бомс препарати гектарига 1000 кг қўлланилган вариантда униб чиққан ниҳоллар сони назоратдан 8,7 донага камроқ бўлган. Демак, Бомс гектарига 1000 кг қўлланилганда ниҳолларнинг униб чиқишига ижобий таъсир кўрсатмаган (1 жадвал).

Чигит униб чиқишига Бомс препаратининг таъсири

№	Тажриба вариантлари	Экиш олдидан тупроққа қўллаш меъёри, кг/га	Униб чиққан ниҳоллар сони, дона./10 м ² ҳисобида					Назоратдан фарқи, дона
			2.05	4.05	7.05	10.05	12.05	
1	Назорат (NPK)	-	43,0	145,7	198,7	219,7	236,0	-
2	Бомс+NPK	600	97,7	182,7	336,7	361,7	380,3	144,3
3	Бомс	300	72,0	203,3	261,3	286,7	307,0	71,0
4	Бомс	600	85,0	160,7	248,7	269,0	333,7	97,7
5	Бомс	1000	53,0	101,3	156,0	198,3	227,3	-8,7

Шундай қилиб, ерни экишга тайёрлаш даврида Тевевит Бомс препарати тупроққа 300-600 кг/га меъёрларда қўлланилган далада униб чиққан ниҳоллар сони 307,0-380,3 донани ташкил этиб, назоратдан 71,0-144,3 донага кўпроқ бўлгани ҳолда ниҳоллар униб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, Бомсинг 1000 кг/га меъёри ниҳоллар униб чиқишига сезиларли ижобий таъсир этмагани аниқланган.



Тажриба даласида ғўзанинг вегетация даври давомида ўсимликни ўсиши ва ривожланишига Бомсинг таъсири ўрганилиб борилди (2 жадвал). Жумладан, 2018 йил 1 июнь куни ўтказилган кузатувда ғўзанинг бўйи вариантлар бўйича 9,5-9,7 см, чин барглари сони 3,8-3,9 донани ташкил этгани ҳолда вариантлар орасида сезиларли фарқ кузатилмади.

Кейинги кузатувда ғўзанинг оммавий шоналаш даврида 1 июлда назорат вариантыда ўсимлик бўйи 24,3 см, ҳосил шохлар сони 3,8 дона, шоналари 4,7 дона бўлса, Бомс 600 кг/га+NPK ва Бомс 300-1000 кг/га қўлланилган вариантларда бўйи 21,6-23,3 см, ҳосил шохлар сони 3,4-3,7 дона, шоналари 4,3-4,5 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан ғўзани бўйи 1,0-2,7 см пастроқ, ҳосил шохлари 0,1-0,4 донага, шоналари 0,2-0,4 донага камроқ бўлгани аниқланган.

Ќўзанинг гуллаш-ҳосил тугиш давларида (1.07 ва 1.08.2018 йил) ўтказилган фенологик кузатувларда ҳам Бомс қўлланилган вариантларда ғўзани бўйи пастроқ, ҳосил шохлар сони камроқ эканлиги кузатилган бўлсада, шона, гул ва кўсақлар сони назоратга нисбатан бирмунча кўплиги ҳисобланган.

Масалан, ўсув даври охирида (1.09.2018) ғўзани бўйи назоратда 73,1 см, Бомс+NPK вариантыда 64,8 см, Бомс 300-1000 кг/га қўлланилган вариантларда 66,4-67,4 см ни ташкил этгани ҳолда назоратга нисбатан бўйи 5,7-8,3 см паст бўлган.

Ҳосил шохлар сони назоратда 13,3 дона бўлгани ҳолда Бомс қўлланилган вариантларда 12,4-12,5 донани ташкил этган ва 0,8-0,9 донага камроқ. Кўсақлар сони назорат вариантыда 7,9 дона, Бомс қўлланилган вариантларда эса 7,9-8,2 дона ёки назоратдан 0,3 донага кўплиги кузатилган.

Таъкидлаш лозимки, Бомс препарати қўлланилган вариантларда ғўзани парваришлаш даврида минерал ўғитлар қўлланилмагани сабабли вегетатив массаси кам бўлган, бу ҳолат унинг бўйи пастлиги ва ҳосил шохлар сони камлиги билан изоҳланади.

Бироқ, ғўзанинг ҳосил тугиш ва пишиш даврига келганда Бомс қўлланилган вариантларда генератив органлар сони янада ортган ҳамда терим олдидан назоратда 10,2 дона кўсак шаклланган бўлса, Бомс билан минерал ўғитлар берилган вариантда кўсақлар сони 11,3 дона ёки назоратдан 1,1 донага кўпроқ, Бомс 300 кг/га қўлланилганда 11,9 дона, Бомс 600 кг/га берилганда 11,0 дона ва Бомс 1000 кг/га солинганда 10,2 дона ёки Бомснинг 300-600 кг/га меъёрларида кўсақлар сони назоратдан 0,8-1,7 донага кўпайган, лекин Бомснинг 1000 кг/га меъёрида назорат билан бир хил кўрсаткич олинган.

Қайд этиш керакки, кўсақларнинг очилиш даражаси назоратда 51,0% бўлган ҳолда Бомс билан ишлов берилган вариантларда 51,3-55,9% ёки назоратга нисбатан 0,3-4,9% тезлашгани аниқланган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Тевевит Бомс препарати тупроққа 300-600 кг/га меъёрларда қўлланилган далада униб чиққан ниҳоллар сони назоратга нисбатан 71,0-144,3 донага кўпроқ бўлди, Бомс препарати қўлланилган вариантларда ғўзани парваришлаш даврида минерал ўғитлар қўлланилмагани сабабли вегетатив массаси кам бўлган, лекин кўсақларнинг очилиш даражаси назоратда 51,0% бўлган ҳолда Бомс билан ишлов

берилган вариантларда 51,3-55,9% ёки назоратга нисбатан 0,3-4,9% тезлашгани аниқланган.

Тажрибада Тевевит Бомс препаратининг тупроқ микрофлорасига таъсири ўрганилди. Тупроқ намуналари ғўзанинг вегетация даври охирида (16.10.2020) 0-30 см ҳайдов қатламидан олинди. Бунда 1 г тупроқдаги колония ҳосил қилувчи бирлик ҳисобида микроорганизмлар сони аниқланди.

Таҳлиллар натижаларига кўра, назорат вариантыда аммонификаторлар сони 22x105 ни ташкил этган бўлса, Бомс 300-600 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларда 24x105 ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2x105 донага ортган. Спора ҳосил қилувчи микроорганизмлар сони назоратда 51x103, Бомснинг 300-1000 кг/га меъёрларида эса 54x103-82x103 бўлиб, назоратдан 3x103 дан 28x103 гача кўпроқ бўлгани кузатилди. Шунингдек, олигонитрофиллар сони ҳисобланганда назорат вариантыда 25x105 донани ташкил этган бўлса, Бомс билан ишлов берилганда 29x105 гача ортганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, тажрибада азотфиксаторлар ҳам назорат вариантыдаги 13x104 кўрсаткичга нисбатан Бомснинг 600 кг/га меъёрида 19x104 ни ташкил этиб, 6x104 бирликка кўплиги аниқланган.

Демак, Бомс билан экиш олдидан тупроққа ишлов берилганда тупроқ микроорганизмлари сони кўпайиб, уларнинг фаоллиги ортиши натижасида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига ижобий таъсири кўрсатган ҳамда минерал ўғитлар қўлланилмаган шароитда ҳам ғўзадан юқори ва сифатли соф пахта ҳосили етиштиришга эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Калинин Ф.Л., Мережинский Ю.Г. Регуляторы роста растений.-Киев, 1965.-405с.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎЗПИТИ, Т, 2007, 147 б.

КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА МАЪДАН ЎҒИТЛАР ВА РЕТЕРДАНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Халилова Лола Насриддиновна,

ТошДАУ қ. х. ф. ф. д. (Phd)

Аннотация. Мақолада кузги буғдойнинг Краснодар-99 ва Чиллаки навларида турли меъёрларда ўғит ва ретердантларнинг уйғунлашган ҳолда қўллашнинг кузги буғдой дон сифат кўрсаткичлари ўзгаришларига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида амалиётга тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: краснодарская -99, Чиллаки, ўғит, ретердант, кузги буғдой, нав, ўсимлик, натура, клейковина, оксил, шишасимонлик, ётиб қолиш, ҳосилдорлик.

Кириш. Сўнги йилларда республикамызда юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун кузги буғдой етиштиришнинг интенсив технологиялари биологик фаол моддалар қўллаш орқали такомиллаштирилмоқда. Маъданли ўғитлар ва ретердантларнинг уйғунлашган ҳолда қўлланилиши буғдой навлари потенциал ҳосилдорлигидан тўлароқ фойдаланишга ва ўғитлар самарадорлигини оширишга кўмаклашиши илмий манбаларда кўрсатилган (1,2,3).

Дон ҳосилини ва сифатини оширишда маъданли ўғитлардан азотли ўғитлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, азот энг муҳим озукка унсури бўлиб ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида бевосита иштирок этади. Ўсимлик оксида, хўжайраларидаги ядро ва

цитоплазмада энг кўп миқдорда бўлади. Оксил таркибида 11 % гача азот унсури мавжуд.



Кейинги йилларда барча жойларда буғдой дони сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири оксил миқдорининг камайганлиги кузатилган. Бунинг асосий сабабларидан бири

– тупроқда ўсимлик ўзлаштирадиган азот миқдорининг етишмаслигидир.

Амалиётда сифатли дон етиштиришда юқори меъёрга азотли ўғитларни қўллаш ҳосилдорликни ва доннинг сифат кўрсаткичларини ошириши билан биргаликда аксарият ҳолларда ўсимликларнинг ётиб қолишига, ҳосилдорлик ва дон сифатининг пасайишига ҳам сабаб бўлиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун юқори меъёрга азотли ўғитларни қўллаш натижасида пояларнинг ўсиб кетишини олдини оладиган, ўсимлик бўйининг паст бўлишини таъминлайдиган ретердантларни қўллаш тавсия қилинмоқда. Буғдой ўсимлигининг ётиб қолиши тезпишар, бўйи нисбатан баланд навларда кўп кузатилади. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ўсимликлар ўсишини секинлаштирадиган, пояни ётиб қолишга чидамли қиладиган ретердантлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий манбаларда кўрсатиб ўтилган (2,3,4).

Ҳозирги пайтда азотли ўғитларни юқори меъёрга қўллаш натижасида калта пояли буғдой навларнинг ҳам бўйини маълум даражада баланд бўлишига олиб келиши мумкин. Натижада, ўсимликнинг ётиб қолишга мойиллиги ошади. Ретердантларни қўллаш 15 -50 % гача ётиб қолиш туфайли ҳосилни камайиб кетишни олдини олади. Ретердантлар қўлланилганда ўсимлик поясининг пастки бўғин оралиқларини қисқариши ва поянинг йўғонлашиши ўсимликнинг ётиб қолмаслигини таъминлайди (5,6,7,8).

Материаллар ва услублар. Дала тажрибалари Тошкент вилояти Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба майдонида ўтказилган. Тажриба 4 қайтариқда қўйилди. Ҳисобга олинadиган пайкалча катталиги 50 кв.м. Тупроғи типик бўз тупроқ. Тадқиқот объекти давлат рестрига киритилган кузги буғдойнинг Красно-

дарская-99 ва дуварак Чиллаки навлари. Кузатишлар ва биометрик ўлчовлар тоқ қайтариқларда модел ўсимликларда олиб борилди. Фенологик кузатишлар Кишлоқ хўжалик экинларини нав синаш инспекцияси методикаси бўйича ўтказилди (1985: 1989):



- клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68 бўйича аниқланади.

- дон таркибидаги хом протеинни азотни Кьелдал усулида аниқлаб олинган кўрсаткични 5,7 га кўпайтириш йўли билан, оқсил Бертран методи бўйича аниқланди.

Экиш меъёри 5 млн уруғ/га. Экиш муддати 20 октябр. Ретердант -Моддус (Тринексакап этил) препарати билан 0,2-0.4 л/га меъёрга пуркалди.

Ўғитлар уч хил меъёрга N180P90K60, N210P105K70, N240P120K80, минерал ўғитлардан аммофос (N-11%, P205-46%), калий тузи (60%) ерни ҳайдаш олдидан, азотли ўғит аммиакли селитра (34%) ўсув даври давомида туплаш, найчалошнинг бошланиши, бошоқлаш фазаларида, ёмғирдан ёки суғоришдан олдин озиклантиришлар сифатида берилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича назорат пайкалларида 1000 дон доннинг массаси навларга боғлиқ ҳолда 38.1 дан 42.4 граммгача ўзгарган. Маъдан ўғитлар ва ретердантларни қўллаш 1000 та дон массасига ижобий таъсир кўрсатган.



1-жадвал

Кузги буғдой сифат кўрсаткичларига маъдан ўғитлар ва ретардантларнинг таъсири

Ретардант, л/га	Ўғит меъёри, кг/ га	1000, та дон массаси г	Натура г.л.	шишасимонлик, %	таркиби, %	
Краснодар-99(st)						
0.2(st)	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀ (st)	38,0	795	72,2	13,5	27,5
	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	39,3	801	73,0	13,8	28,0
	N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₈₀	39,6		72,6	14,0	28,4
0,4	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀ (st)	42,4	804	80,2	14,3	29,2
	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	40,8	806	81,2	14,1	30,5
	N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₈₀	41,0	796	79,6	14,8	31,7
Чиллаки						
0.2(st)	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀ (st)	39,5	810	72,2	13,2	30,2
	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	40,1	811	74,2	13,8	31,6
	N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₈₀	41,2	798	79,2	14,1	32,2
0.4	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀ (st)	40,2	805	80,4	14,4	32,9
	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	42,4	808	81,4	14,9	34,6
	N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₈₀	41,8	800	80,2	14,6	33,4

Доннинг шишасимонлигини энг юқори кўрсаткичлари маъдан ўғитлар N210P105K70 кг/га қўлланилган пайкалларда кузатилган.

Доннинг ҳажмий оғирлиги бўйича кўрсаткич дон натураси тажрибамизда маъдан ўғитлар ва ретердантлар меёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Тажрибамизда доннинг ҳажмий массаси 779.5 дан 812.6 г/л гача ўзгарган.

Кузги буғдой донининг асосий сифат кўрсаткичлари ҳисобланган дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори тажрибаларимизда маъдан ўғит меёрлари ва навларга боғлиқ ҳолда ўзгарган. Дон таркибидаги оқсил миқдори тадқиқотларимизда ўғитланган пайкаллардагига нисбатан кам бўлган ва навларга боғлиқ ҳолда 13.2 дан 14.9 % гача ўзгарган. Маъдан ўғитларни ва ретердантлар қўллаш ва улар миқдорини N180P90K60 кг/га дан ошириш дон

таркибидаги оқсил миқдорини кўпайтирган. Маъдан ўғитлар миқдорини N210P105K70 кг/га ошириш дон таркибидаги оқсил миқдорини ошганлигини кузатдик.

Дон таркибидаги клейковина миқдори билан оқсил миқдорига узвий боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Тадқиқотларимизда дон таркибидаги клейковина миқдори маъдан ўғитлар ва навларга боғлиқ ҳолда 27.5 дан 34.6% гача ўзгарган. Маъдан ўғитларни қўллаш дон таркибидаги клейковина миқдорига иккала навда ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Хулоса қилганда, кузги буғдой навлари донидаги оқсил ва клейковина миқдори маъдан ўғитлар ва ретердантлар меёрлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариши, маъдан ўғитлар меёри N180P90K60 кг/га қўлланилгандагига нисбатан, N210P105K70кг/га қўлланилганда барча навларда уларнинг миқдори ошганлиги, аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Орипов, Н.Халилов Ўсимликшунослик Тошкент 2006.-69 б
2. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси (монография). 2014 й.
3. Халилов Н., Научные основы возделывания пшеницы осеннего посева на орошаемых землях Узбекистана (диссертация) Самарқанд 1994г
4. Шаповал О.А. Вакуленко В.В. Прусакова Л.Д. Можарова И.П. Регуляторы роста растения. В практике сельского хозяйства М. ВНИИА, 2009 60 с.
5. Т.В. Князева Регуляторы роста растений в Краснодарском крае. Монография 2013.
6. Привалов Ф.И. Эффективность ретердантов в посевах различных сортов озимой пшеницы Земляробства 2012 №5 12-15 с.
7. Повышаем продуктивность зерновых культур с помощью МОДДУС официальный сайт фирмы Syngenta. Россия (электронный ресурс) URL: <http://www/Syngenta.ru>
8. Методическое указание по проведению регистрационных испытаний новых форм удобрений, биопрепаратов и регуляторов роста растений А.А.Завалина, А.И.Ескова-М ВНИАА, 2009-104с
9. Коданов И. М. Агротехнические приемы повышения качества зерна.- Горький.: 1981.- 46 с.
10. Конарев В.Г., Чмелова З.В., Новикова М.В. Характеристика ресурсов озимой пшеницы по содержанию в зерне белка и лизина и фонд высокобелковых сортов // «Селекция и сортовая агротехника озимой пшеницы». Научные труды ВАСХНИЛ. - Москва: «Колос». 1979. - С.

NUTQ ODOBI VA NUTQIY ETIKET

Mamasoliyeva N. S.,

Toshkent davlat agrar universiteti
“O‘zbek tili va adabiyoti” kafedrası o‘qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada shaxs ma’naviyatining uzviy bir bo‘lagi bo‘lgan muomala madaniyati, xulq-atvori, odob-axloq, nutqiy faoliyat tushunchalari va ularning ahamiyati haqida so‘z yuritiladi. Maqolada sharqona qarash, sharqona hayot falsafasi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan insonlararo munosabatlar me‘yori, shaxs ma’naviyatining shakllanishida ularning o‘rni masalalariga e’tibor qaratilgan.

Tayanch so‘zlar: nutq odobi, sharqona madaniyat, sharqona muomala, tafakkur, individual shaxs, adabiy til me‘yorlari, etiket, nutqiy etiket, til birliklari, muomala qoidalari, odatiy qoidalar.

Shaxs ma’naviyatining uzviy bir bo‘lagi muomala madaniyati bo‘lsa, xulq-atvor, odob-axloq, nutqiy faoliyat tushunchalari uning zahiriga kiradi. Asrlar osha har bir xalqqa xos bo‘lgan, milliy-ma’naviy qadriyatlar yuksak madaniyat ramziga aylangan urf-odatlar, yurish-turish, yashash tarzi barchasi kishi shaxsiyatida aks etishi tabiiy.

Inson odobi, madaniyati, his-tuyg‘ulari va dunyoqarashi unga berilgan buyuk ne‘mat – fikrlash, tafakkur qilish, nutq so‘zlash jarayonida aks etadi. Shunga ko‘ra uchta tushuncha zamon va makon tanlamaydi. Bular so‘zlash, tinglash va anglashdir. Odamzod yaralibdiki, o‘zaro munosabat jarayonida ana shu uch birlikka amal qilib yashaydi.

Sharqona muomala madaniyati har bir o‘zbek xonadoniga xos fazilat. Muloqot nutqi, nutq odobi, muomala nutqi, bularning barchasi insonning ma’naviyatini, ma’rifatini belgilovchi asosiy mezon hisoblanadi. Demak, har bir individual shaxsning odobi uning nutqida ko‘rinadi. Bizningcha, nutq odobi deganda, aytilishi zarur bo‘lgan har qanday

xabarni, tinglovchini hurmat qilgan holda hamda uning ko‘ngliga mos, adabiy til me‘yorlari asosida yetkazishdir. Shuningdek, xunuk xabarni ham tinglovchiga beozor yetkazish mumkin.

Odamlarning bir-birlari bilan qilgan muloqotlarida nutq madaniyatining qonun-qoidalariga rioya qilishning ahamiyatiga xalqimiz doimo o‘z e’tiborini qaratgan.

Dono xalqimiz o‘z fikrlarini qisqa hamda ma’nili maqollarda ifoda etgan. Maqollar odamlarni nimalarga o‘rgatadi? Maqollar bilan o‘quvchilarni yaqindan tanishtirish ularning ma’naviyatini o‘stirishga, barkamol inson bo‘lib yetishishlariga zamin yaratadi. Chunki maqollar ona tilimizning eng nozik xususiyatlarini anglashga va so‘z boyligini oshirishga ko‘maklashadigan vositadir.

Maqollar o‘quvchilarni to‘g‘ri, mantiqiy fikrlashga, maqsadni qisqa, lo‘nda va ixcham bayon etishga o‘rgatadi. Har bir nutq o‘zining chuqur ma‘no ifodalashi bilan qimmatlidir. Mazmunli ma‘ruzalar, suhbatlar kishiga quvonch bag‘ishlaydi, yangi bilimlar



bilan boyitadi. Chunonchi, "So'zdan so'zning farqi bor, o'ttiz ikki naqli bor" maqolida har bir so'zning nozik qirralari bo'lishi, ularning bo'sh gap emasligi, mazmunli suhbatlarning ahamiyati katta ekanligini ifodalaydi.

So'z qo'llashdagi noqislik, tilga e'tiborsizlik haqida doimo kuyunib gapiradigan buyuk adabiyotshunos olim O.Sharafiddinovning quyidagi jumalari aforizmdek yangraydi: "...Afsuski, amaliyotda biz ko'p hollarda tilimizga bepisand qarashni ko'ramiz.

Gapirganda yoki yozganda o'zimizni nazorat qilmaymiz. O'zimizning tilimizni o'zimiz his qilmaymiz, uning ichki ohanglariga quloq tutib ko'rmaymiz, balki jilovi ustiga tashlab qo'yilgan otday maysasi ko'proq ko'ringan o'tloqqa kirib ketaveramiz".¹

Xalq maqollarida ham so'zlarni noo'rin, nomuvofiq ma'nolarda qo'llash, matnda mazmun va ma'nolarning qorishib ketmasligiga ehtiyot bo'lish, fikrning izchillik bilan rivojlanib borishini yoddan chiqarmaslik, tushunmagan yoki to'la anglamagan holda fikr bildirishga shoshilmaslik kabi xususiyatlarga e'tibor berish nihoyatda ahamiyatli ekanligi, mazmunsiz nutqning insonga hech qanday foyda keltirmasligi haqida ogohlantiriladi: "So'zla mazmunli bo'lsin, tingla foydali bo'lsin", "O'ynab gapirsang, ham o'ylab gapir", "Ko'p gap eshakka yuk, "Ko'p gapning ozi yaxshi, oz gapning – sozi", "So'zga tushmagan so'zni aytma, Sozga tushmagan g'azalni", "So'zlamay so'zingga boq, Avval o'yla, o'zingga boq",

"Til-aql xazinasining qilichi bo'lsa, farosat – g'ilofi", "Quruq gap quloqqa yoqmas", "So'z botirligi tilda, El botirligi belda", "So'z kishining o'zagi, Odob kishining bezagi", "So'z oyoqdan ilgari borar", "So'z chumchuq emas, Og'izdan chiqsa, tutib bo'lmas".

Biz XXI asrga, ya'ni yangi texnologiyalar, ixtirolar asriga qadam qo'ydik. Inson tafakkuri shu qadar kengayib borayotgan bir paytda kishilar o'rtasidagi insoniy munosabatlarning tabiati, ularning xulq-atvori haqida o'ylab qolasan, kishi.

Nutqiy etiket, bir tomondan, til birliklarini, ikkinchidan, muomala qoidalarini o'z ichiga oladi. Etiket birliklari quyidagilardan iborat:

-Salomlashish, xayrlashish, minnatdorchilik bildirish, ta'ziya bildirish kabi formulalar.

-Siz yoki sen olmoshlari, ism va familiyalarni to'liq va noto'liq ishlatish.

-Standart kommunikativ vaziyatlar (transportda, do'konda) bular uch qismdan iborat bo'ladi: muomalaning boshlanishi, asosiy qism, muomala yakuni.

-Tanishish (o'zaro insonlar o'rtasidagi munosabatni shakllantirish uchun).

-Kechirim so'rash (muloqotni ijobiy hal etish uchun).

-Minnatdorchilik bildirish (do'stona munosabatni ifodalash uchun).

-Tabriklash (munosabatlarni yaxshilash, yaqinlikni ta'minlash uchun).

-Taklif qilish (o'zaro do'stona fikr almashish jarayonini tashkillashtirish uchun).

1. Sharafiddinov O. Dovondagi o'ylar. -T.:Ma'naviyat, 2004. 269-b.

-Hamdardlik, ta'ziya bildirish (ko'ngil so'rash uchun).

-Maslahat berish, iltimos qilish (tinglovchiga nisbatan bee'tibor emasligini ifodalash uchun).

-Rad etish, rozilik bildirish (to'g'ri yo'l ko'rsatish va yaqinlikni ifodalash uchun).

Bu haqda Sharq allomalari ham o'z fikrlarini shu tarzda bayon etgan:

"So'z ham to'rt navdur: biri, bilinmayturg'on va aytilmayturg'on; ikkinchisi, aytilaturg'on va bilinaturg'on: uchinchisi, ham bilinaturg'on va ham bilishga zaruratsiz, ammo aytsa bo'laturg'on, to'rtinchisi, bilinaturg'on va aytilmayturg'on. Ammo aytilmayturg'on va bilinmay turg'on undoq so'zdurki... dunyoning salohi unga bog'liqdir. Ul so'zdin aytguvchiga ham, eshituvchiga ham ko'p naf yetar. Ammo bilinaturg'on, biroq aytilmayturg'on undoq so'zdirkim, bir muhtasham odamning aybi senga ma'lum bo'lur. Lekin aql tariqidin xayolga kelsang, uni aytmoq besharmlikdir. Chunki aysang ul muhtashamning qahri yo u do'stning ozori senda hosil

bo'lur, yohud o'z boshingga ulug' sho'rish va g'avgo paydo qilursan. Shul vajdin ham bul so'z bilinaturg'on, ammo aytilmayturg'on so'zdur. Bu so'zlarning yaxshirog'i ham bilinaturg'on va ham aytilaturg'on so'zdur"².

O'tmish ajdodlarimizning fikricha, shaxs nutqining qanday bo'lishi uning o'z tiliga bo'lgan munosabatida, shuningdek, odob-axloqiga bog'liqdir. Nutq odobi va nutq madaniyatini ajdodlarning qoldirgan nasihatlaridan va hayot tajribalaridan o'rganishni inson nutq odobining me'yorlaridan deb hisoblashgan. Demak, kishilarning to'g'ri, chiroyli, ravon hamda ta'sirchan gapirishga intilishi hamda unga oid odatiy qoidalar juda chuqur va qadimiy tarixga egadir.

Shunday ekan, nutq odobiga, nutq madaniyatiga ega bo'lish har bir insonning burchi ekanligini yoshlar ongiga singdirish zarur ekanligini unutmasligimiz kerak.

2. Kaykovus. Qobusnoma. -Toshkent: Meros, 1992.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E.Begmatov, N.Jiyanova. "Nutq madaniyati asoslari" ma'ruzalar matni . -Toshkent. Nizomiy nomidagi TPDU, 2006.
2. Bekmirzayev N. Notqlik asoslari. -T.: Fan, 2006.
3. Jumanioyov R., Salimov S. G'oyaviy tarbiyada notqlik san'ati.-Toshkent, 2002.
4. M.Nurutdinova. "Qo'qon xonligi tarixiga oid manbalarda Umarxon va Nodira haqida ma'lumotlarning kelishi". //Til va adabiyot ta'limi.(OAK Rayosatining O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2014- yil 19-dekabrda 0055-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan). jurnal Toshkent, 2024.8-son. 47-49 betlar.
5. M.Nurutdinova. "Nodira ijodining o'rganilishi tarixidan"//(O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagi 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan). 2024-yil aprel oyi soni №4 (54) 150-154 betlar.
- 6.Ortiqov A. Nutq madaniyati va notqlik san'ati. -Toshkent, 2002.
- 7.O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 jildlik. -Toshkent, 2006.
8. O'zbek tilining imlo lug'ati. -Toshkent, 2020.

ГИДРОТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА БОШОКЛИ ДОНЛАР ТАРКИБИДАГИ НАМЛИКНИ ЎЛЧАШ АСБОБЛАРИ, УСУЛИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Мукимов З. М.¹, Жабборов Х. Ш.², Абдурахманов О. Х.³,

¹Тошкент Давлат аграр университети,

²Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

³Тошкент Давлат аграр университети,

Аннотация. Донни қайта ишлаш технологик жараёнининг сув билан ишлов бериш босқичларида намликнинг оптимал тартибга солиш ва бошқаришдаги ролини кўриб чиқади. Усулни танлаш учун диэлькометрик усулга асосланган ўрганилаётган материалнинг диелектрик доимийлигининг намлигини ўлчашга асосланган билвосита усуллар таҳлил қилинади. Намликни ўлчашда аниқлиги юқори бўлган усул ва узлуксиз ўлчаш воситаларини қўллаш зарурати. Диэлькометрик усулга асосланган дон намлигини ўлчаш мосламаси, шунингдек, унинг афзалликлари ва камчиликлари. диэлькометрик усулбни янада такомиллаштириш оркали узлуксиз намликни аниқлашга назарий ва амалий тажрибаларга асосланиб муамолар ечимини топиш мумкин. Бевосита усул моддаларнинг физик ва кимёвий моҳиятидан келиб чиқиб қўлланилади. Билвосита усулда эса намликни аниқлаш модда хусусиятининг ундаги намликка боғлиқлигидан фойдаланиб амалга оширилади.

Таянч сўзлар: намлик, ўлчаш, бевосита усуллар, билвосита усулда, сиғим, диэлько метрик усул, термогравиметрик усул, кондуктометрик усул.

Донни саклаш ва қайта ишлаш технологик жараёнларида намлик асосий кўрсаткичларидан бири намлик ҳисобланиб, уни аниқлаш негизларини тўғри танлашни тақоза этади. Донни қайта ишлаш жараёнида намлик бир неча босқичларда ўлчаниб ҳозирги кунда ўлчаш асосан термогравиметрик усули амалга оширилади.

Баъзи бир этапларда намликни экспрес узлуксиз ўлчашни тақоза этади. Бундай имкониятлар корхоналарда мавжуд эмас.

Маълумки, намлик модда ва материалларнинг нархи, сифати, технологик тузилиши ва бошқа хоссаларига бевосита таъсир этади, жумладан дон ва дон маҳсулотлари намлигини аниқ ўлчаш уларнинг сифат кўрсаткичини белгилаб беради. Шунинг учун намликни ўлчашда аниқлиги юқори бўлган усул ва узлуксиз ўлчаш воситаларини қўллаш зарурати туғилади. Намликни ўлчаш усуллари икки катта – бевосита ва билвосита гуруҳларга бўлинади (1-расм).



1-расм. Қаттиқ ва сочилувчан материаллар намлигини ўлчаш усуллари­нинг структура схемаси

Бевосита усул моддаларнинг физик ва кимёвий моҳиятидан келиб чиқиб қўлланилади. Билвосита усулда эса намликни аниқлаш модда хусусиятини­нгундаги намликка боғлиқлигидан фойдаланиб амалга оширилади.

Бевосита усуллар юқори ўлчаш аниқлиги ва узоқ давом этиши билан билвосита усуллардан фарқланади (1 ÷ 15 соатгача). Намликни бевосита аниқлаш усули – бунда (термогравиметрик усули) муайян ўлчанмадан донни махсус асбобда сувини ҳайдашга асосланади. Дондан ҳайдалган сув ҳажмига кўра намликнинг фоизлардаги миқдори аниқланади [15; 18; 14].

Маҳсулот ўлчанмасини қуритиш усули билан намлик миқдорини аниқлаш (қуруқ қолдиқ буйича). Бу усулнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, улар бир – биридан вақт,

қиздириш ҳарорати, ўлчанмадаги доннинг бутун ёки янчилган бўлиши, шунингдек, янчилиш даражаси ва шу кабилар билан фарқ қилади. Қўлланиладиган барча турлар донни иложи бори­ча сувсизлантириш ва бунда қуруқ моддаларга зарар етказмасликни кўзда тутати. Кўпгина мамлакатларда шу жумладан республикамиздаги дон корхоналарида айнан намликни ўлчаш усул сифатида янчилган дон (янчиш катталиги ГОСТ буйича меъёрланади) ўлчанмасини терморегуляторли электр қуритгич шкафида 40 минут давомида 130 °C ҳароратда қуритиш усули қўлланилади. [13; 14].

Термогравиметрик усул намунадан нам­ликни чиқариб юбориш йўллари­га қараб қуйидагиларга бўлинади: вакуум-иссиқлик; ҳаво-иссиқлик ва бевосита қиздириш [3].

Вакуум-иссиқлик ва ҳаво-иссиқлик усуллари дон ва дон маҳсулотларининг намлигини аниқлашнинг бевосита стандарт усулларида ҳисобланиб, вакуум-иссиқлик усули намунавий ўлчашларга, ҳаво-иссиқлик усули эса лаборатория шароитларига мўлжалланган [9].

Вакуум-иссиқлик усули ёрдамида дон ва дон маҳсулотларининг намлигини аниқ ўлчаш керак бўлганда, бундан ташқари турли намлик ўлчаш воситаларини қиёслаш ва градуировка қилишда кенг қўлланилади. Намлик ўлчаш диапазони $7 \div 36$ %, йўл қўйиладиган абсолют хатолиги эса $\pm 0,5$ га тенг. Ҳаво-иссиқлик усули билан намунавий вакуум-иссиқлик усулини солиштирганда намликни аниқлаш натижаларининг абсолют хатолиги сочилувчан материалларнинг турига қараб $\pm (0,3 \div 0,5)$ % фаркланади. Ҳозирги кунда инфрақизил нур усули ёрдамида экспресс-анализ қилувчи нам ўлчагичлари мавжуд [15;19]. Ушбу усул одатдаги қуритиш шкафига нисбатан солиштирганда намликни ўлчаш вақтини имкон қадар қисқартиради. Баъзи бир ҳолларда бу вақт 10 барабар, баъзан ундан юқори қисқариши мумкин.

Қуритиш шкафи ва тарозини бириктириш натижасида намунани дастлабки қиздириш ва эксикаторда совитиш каби ишлар амалга оширилмайди. Бунинг ҳаммаси ўлчашни 25 ÷ 40 минут вақт оралиғида ташкил этишга олиб келади ва анализаторнинг йўл қўядиган хатолик чегараси $\pm (0,3 \div 0,35)$ % бўлишини таъминлайди. [8;12;15]. Кондуктометрик нам ўлчагичлар қаттиқ ва сочилувчан материаллар намлигини ўлчашда кенг ишлатилади. Кондуктометрик усул модда намлиги билан унинг электр қаршилиги ўртасидаги боғланишга асосланган. Қаршилиқнинг бошқа факторларга (температура, материал таркиби, зичлик,

кимёвий таркиби, электролитлар мавжудлиги ва бошқалар) мураккаб боғлиқлиги намликни ўлчашда хатоликларга олиб келади ҳамда намликни автоматик равишда узлуксиз ва лаборатория шароитида ўлчашда бу усулни яроқсиз қилиб қўяди. Шунинг учун кондуктометрик намлик ўлчагичларнинг ишлатилиши чекланган.

Модда намлигини ўлчаш усулларида бири, намлик ва унинг диэлектрик сингдирувчанлиги билан боғлиқликда ўлчашга асосланган усул сиғимли ёки диэлькометрик усул дейилади. Ушбу усулда $f = 0,1 \div 30$ MHz частота диапазони қўлланилади [20]. Диэлькометрик усул капилляр-ғовак жисмлар намлигининг ўзгариши уларнинг диэлектрик сингдирувчанлигини ўзгартириб юборишига асосланган. Қуруқ жисмларда диэлектрик сингдирувчанлик $\epsilon = 1 \div 6$, сувники эса $\epsilon = 81$ га тенг [7].

Бироқ намликни ўлчашнинг диэлькометрик усулини, агар моддада сув молекулаларининг катта қисми “эркин” ҳолда жойлашган ва модда кўп ёки кам доимий физик-кимёвий таркибга эга бўлса, ўша ҳолда қўллаш мумкин. Одата донда эркин намлик 7-36% оралиғида бўлади [5; 17].

Сиғимли бирламчи ўзгарткичга назорат қилинаётган модда солинганда, унинг электр сиғими датчик электродлари орасига солинган материалнинг ўртача диэлектрик сингдирувчанлик катталигига боғлиқ равишда ошади. Сиғимнинг ўзгариши датчикнинг реактив қаршилигининг ўзгаришига олиб келади, яъни нам ўлчагич сиғимли ўзгарткичи орқали ўтувчи токнинг ошиши юз беради. Сиғимли ўзгарткич билан материал намлигининг боғлиқлиги эксперимент йўли билан топилади [9;10;11].

ёки ўлчаш натижаларига тузатмалар киритиб бориш лозим бўлади.

Ўтаюқоричастоталинамликўлчагичларда сув ва қуруқ модданинг электр хоссалари каттарок (ўнлаб марта) фарқ қилишидан фойдаланилади. Намлик концентрацияси анализ қилинаётган материал қатламидан ўтаётган юқори частотали нурланишларнинг сусайишига қараб ўлчанади [6].

Ўта юқори частотали усул ултрақисқа сантиметрли радиотўлқинлар соҳасида (3000 ÷ 10 000 MHz) материалларнинг электр хусусиятлари улардаги намликка боғлиқ эканлигига асосланган.

Ушбу усулининг афзалликлари ўлчаш тезлиги ва сезгирлигининг юқорилиги, ўлчаш диапазонининг кенлиги, булардан ташқари материалнинг кимёвий таркибини ўлчаш натижаларига таъсирининг пастлиги билан ажралиб туради.

Усулни афзаликларидан ташқари асбоб тан нархининг қимматлиги ва унинг қўланилиши мураккаблигидадир. Бундан ташқари, бу асбоблар назорат қилинаётган материалнинг доимий зичлик даражасининг ёки зичлиги ҳақидаги маълумотни талаб қилади. Донни қайта ишлаш корхоналарида кўп йилик тажрибалар шуни кўрсатдики, донни майдалаб ун олиш жараёнида дон намлиги 15,5%дан паст бўлса 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарифланадиган э/э миқдори 1,2% ошганлиги кузатилди.

Донни намлигини сув билан ишлов бериб 15,5% ва ундан юқори намлика кўтариш уч босқичда амалга оширилади, айнан шу босқичларда намликни тезкор аниқлиқ билан ўлчаш технологик қоидаларга мувофиқ дон корхоналарда ўлчаш ҳар икки соатда амалга оширилиши керак, мавжуд намликни термогравиметрик ўлчаш усули бу талабларни кондира олмайди, чунки бу усулдаги аниқлаш кўп вақтни талаб этади. [1; 2]. Айнан сув билан

ишлов бериш жараёнида донни намлигини оптималлаштириш маҳсулот сифатига ва э/э сарфига ижобий таъсир курсатади. Бундан қуриниб турибдики, юқори аниқликка эга бўлган нам ўлчагичлар қўлланилиши ҳозирги кун талабларидан бири.

Саноатда намликни аниқлаш турли усуллари мавжуд, лекин оптик, радиоактив ва ядро магнит резонанси усулларни ўзига хос устунлик ва камчилиқлари борлигига қарамай донни қайта ишлаш корхоналарида қўлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги кўриниб турибди.

Намликни аниқлашда мавжуд автоматлаштириш тизимларини янада такомиллаштириш учун ўлчаш ўзгарткичларига қуйидаги талаблар қўйилади [20]:

- юқори аниқликда автоматик равишда узликсиз нам ўлчагич асбобларни яратиш;

- ўлчов воситаларининг илмий асосланган методологияси танлаш;

- датчикнинг конструкциясида намликни эркин аниқлашда ўлчашга тўсқинлик қиладиган элементлар бўлмаслиги;

- нам ўлчагич физик хоссаларига боғлиқ бўлмаган (температура, зичлик каттиклик, асил огирлиги) талаб қилинган хатолик чегарасидан чиқмасдан ишлай олиши;

- минимал ўлчамлар ва вазнга эга, оқимдаги дон намлигини ўлчаш;

- мутлақ ўлчаш хатолиги 0,5 % дан ошмаслиги.

Ушбу талабларга мос келадиган диэлькометрик усулбни янада такомиллаштириш орқали узликсиз намликни аниқлашга назарий ва амалий тажрибаларга асосланиб муамолар ечимини топиш мумкин.

Чуқур тахлилар натижаси ўлароқ узликсиз оқимда қўланиладиган намликни экспресс-аниқлаш асбоблар ва усуллари юқори аниқлик ишончли, оддий, арзон, қулайлиги билан ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каландаров П.И., Мукимов З.М. Приборы для контроля влажности при гидротермической обработке зерна и продуктов его переработки. Приборы. - 2020. - № 11. С.16-21. (In Russ.).
2. Каландаров П.И., Макаров А.М., Аралов Г.М. Особенности автоматизированного измерения влажности зерна в полевых условиях. Известия Волгоградского государственного технического университета. 2021. № 1 (248). С. 60-63. DOI: 10.35211 / 1990-5297-2021-1-248-60-63. (In Russ.).
3. Кострикина И. А. Методы и средства измерений электрических параметров материалов для оценивания влажности: дне. канд. техн. наук / И.А. Кострикина. - Пенза, 2004. –155 с.
4. Ismatullayev P.R., Rakhmanov A.T., Jabborov X.Sh. Development of capacitive transformer of humidity for automation process of hard and friable materials drying. // Proceeding of Seventh World Conference on Intelligent Systems for Industrial Automation “WCIS-2012”, Volume № 2, November 25–27, Tashkent, 2012, pp. 18-20.
5. Исмагуллаев П.Р. и др. Исследования сверхвысокочастотного метода измерения влажности для зерновых материалов // Журнал «Метрология и приборостроение». 2020. №2, с.8-11.
6. Исмагуллаев П.Р., Тургунбаев А. Оптимизация структуры СВЧ - влагомеров // Вестник. ТГТУ, №2-3. 2006. С.32-35.
7. Исмагуллаев П.Р., Рахмонов А.Т., Жабборов Х.Ш. Высокочастотный метод и устройство для измерения влажности твердых и сыпучих материалов. // Международный научно-технический журнал «Химическая технология. Контроль и управление». –Ташкент. 2012. №1. С. 32-35.
8. Матякубова П.М., Бобоев Ғ.Ғ. Анализ емкостных преобразователей влажности зерна. // Журнал “Приборы”. Международное научно-техническое общество приборостроителей и метрологов, Москва, 2016. №5 – С. 23-25.
9. Жабборов Х.Ш. Диэлкометрик усулда намликни ўлчаш. // “Ўзстандарт” агентлиги “Standart” журнали, 2016 йил, №2. 38-39 б.
10. Жабборов Х.Ш. Емкостной преобразователь для измерения влажности сыпучих материалов. Республиканская научно-техническая конференция «Проблемы и перспективы инновационной техники и технологии» сборник научных трудов. 2019 г. 5-6 апрель, – С. 334-335.
11. ГОСТ 8.432 - 81. Влажность зерна и продуктов его переработки.
12. ГОСТ 8.434-81. Влажность зерна и продуктов его переработки. Методика выполнения измерений диэлькометрическими и резистивными влагомерами.
13. ГОСТ 13586.5-2015 Зерно. Метод определения влажности.
14. Афонин В. С. Разработка прибора контроля влажности зерновой продукции на основе многоэлектродных емкостных преобразователей.//Автореф. дисс. кон. техн. наук. – Барнаул. 2007. – 22 с.
15. Тургунбаев А., Исмагуллаев П.Р., Зибицкер Г.А. Способ измерения влажности диэлектрических материалов. // Патент РУЗ № 4241. Оpubл. РА №1, 1997.
16. Усманова Х.А., Тургунбаев А. Теоретические основы диэлькометрического метода измерения влажности // Журнал “Приборы”. Международное научно-техническое общество приборостроителей и метрологов, Москва. 2017. №8. С.34-40.
17. Берлинер М.А. Измерения влажности. Изд. 2-е, перераб. и доп. - М.: Энергия, 1973. – 400 с.
18. Бобоев Ғ.Ғ. Дон ва дон маҳсулотлари сифат кўрсаткичларининг назорат воситалари ва усулларини такомиллаштириш. // Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Т.:2020. – 125 б.
19. Грачев А.В., Чураков П.П. Преобразователь параметров бесконтактных емкостных датчиков для кондуктодиэлкометрических измерений // Известия Самарского научного центра Российской Академии Наук, 2016. Т.18. № 4(47). –С. 1363-1366.

КУНГАБОҚАРНИНГ ДИЛБАР НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

Тоғоева Сарвиноз Суюновна,

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори,
Тошкент Давлат Аграр Университети

Аннотация. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган мойли кунгабоқарнинг Дилбар навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган мақбул ўғитлаш меъёри аниқланди. Тажриба натижаларига кўра, мойли кунгабоқарнинг Дилбар навини асосий экин сифатида экиб, ўғитлаш меъёрлари тўғри қўлланилганда ҳосилдорлик ошишига олиб келган. Битта саватчадаги уруғлар сони ва уларнинг вазни ўғитлаш меъёрларига боғлиқ бўлиб, азот миқдорини гектарига 250 кг қўлланилган вариантда саватчадаги уруғлар бошқа вариантлардан оғир бўлиб 1282,3 дона уруғ 102,9 грамм, уруғдан мағиз чиқиши 75,3% бўлган ва назорат навга нисбатан 2,1 % га кўп бўлганлиги аниқланди ва ҳосилдорликнинг ошиши исботланди.

Таянч сўзлар: мой, оқсил, мағиз, саватча, кунгабоқар, асосий, экин, муддат, мойли, нав, ҳосилдорлик, тезпишар, ўтмишдош, хўжалик белгилар, уруғ, кўчат, маҳсулдорлик, ўғит, азот, фосфор, калий, 1000 дона, гектар.

Кириш. Кунгабоқар уруғи таркибида 29-56% мой ва 15% оқсил бўлади. Кунгабоқар мойида – линол ва олеин, тўйинмаган мой кислоталари кўп. Бундай мойлар сифатига кўра зайтун мойига яқин туради, витаминлардан А, Д, Е, К, фосфатидлар мавжуд. Кунгабоқар илдизи ўт-қопи ва буйрак тошларини туширишда, остеохондрозни ва қон томирларни туздан тозалашда бебаҳодир.

2021 йилнинг 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

121-сонли “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга асосан ҳудудлар бўйича асосий экин сифатида 56561 гектар ва такрорий экин сифатида 55223 гектар майдонга кунгабоқар экилди.

Энг муҳими, юртимизда кунгабоқар майдонларининг кенгайтирилиши ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг кўпайиши

катта миқдордаги валютани тежаш, аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, шунингдек, чорвачиликни изчил ривожлантириш имконини беради.



Мақсади. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган мойли кунгабоқарнинг Дилбар навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган мақбул ўғитлаш меъёрини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот услуби. Дала тажрибалари 2017 йил апрель ойида қўйилди. Илмий тадқиқот ишларида кузатиш, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳисоблаш ва таҳлиллар ЎзПТИДа қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида олиб борилган.

Тажриба натижаларининг статистик таҳлили Б. А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби бўйича амалга оширилди. Тажрибада мойли кунгабоқарнинг тезпишар Дилбар нави ўғитсиз N0P0K0 ; Фон + P100K100; Фон +N150; Фон +N200; Фон +N250; Фон +N300 ўғитлар меъёри сарфланиб ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Маълумки, минерал ўғитлар ичида азотли ўғитлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу борада бир қанча олимлар турли тупроқ-иқлим шароитларида тадқиқотлар олиб

боришган ва ўз хулосаларини беришган.

Мойли кунгабоқарнинг Спартак навига N30 P30K30 ва N60 P60K60 миқдорда минерал ўғитлар қўлланилган. Уруғни Мегамикс билан ишланиб N30 P30K30 минерал ўғити қўлланилганда ҳосилдорлик гектарига 2,86 тонна бўлган [2].

Кунгабоқар гуллашгача жадал ўсади ва ўғитга талаби катта бўлади. Илмий изланишлар натижаси шунини кўрсатдики, кунгабоқарнинг «Родник» ва «Сур» навларининг вегетация даврида 200 кг/га азот, 150 кг/га фосфор ва 200 кг/га калий қўлланилса яхши самара беради. [5].

М. К. Луков, А. Б. Ҳайитовлар тажрибасида Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятларида экиш учун тавсия этилган СамҚХИ 20-80 навидан 33 ц/га ва Машғал F1.

Дурагайдан 38 ц/га ҳосил етиштиришга эришиш учун, гектарига 55-57 минг туп, маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри соф ҳолда Азот 250, Фосфор 175 ва Калий 275 кг бўлиши ва ЧДНС 75-75-60% тартибда 4 марта суғориш ўтказиш тавсия этилган [4]



Кунгабоқар ҳосил таркибининг асосий элементларидан бири - бир гектар майдондаги саватчалар сони ва унинг массасидир. Бир саватчадаги уруғларнинг массаси, ўз навбатида, саватча диаметрига ва бир саватдаги уруғлар сонига боғлиқ бўлади. Тажрибада ҳосил

саватчасидаги уруғлар сони аниқлангач уларнинг оғирлиги аниқланди.

Бунда ўғитсиз вариантда саватчадаги 1141,5 дона уруғлар сонининг оғирлиги 78,5 грамм эканлиги аниқланди, P100K100-фон вариантда саватчадаги 1152,4 дона уруғлар

сонининг оғирлиги 78,5 грамм эканлиги аниқланди, N150 ўғитли вариантдаги саватчадаги уруғлар 1185,8 дона бўлиб вазни 82,8 грамм, N200 вариантдаги саватчадаги уруғлар 1277,8 дона бўлиб вазни 101,8 грамм эканлиги тажрибада кузатилди.

1-жадвал

“Дилбар” нави ҳосилдорлиги

Вариант-лар	Ўғитлаш меъёри, кг/га	Ҳосил саватчада-ги уруғлар сони, дона	Ҳосил саватчадаги уруғлар оғирлиги, грамм	Саватчада-ги пуч донлар, %	Мағиз чиқиши, %	1000 дона уруғ вазни, грамм
1	Ўғитсиз	1141,5	78,5	13,0	73,2	71,0
2	P ₁₀₀ K ₁₀₀ -фон	1152,4	80,0	12,6	73,8	73,0
3	Фон +N ₁₅₀	1185,8	82,8	12,5	74,6	74,0
4	Фон +N ₂₀₀	1277,8	101,8	12,3	75,3	74,8
5	Фон +N ₂₅₀	1282,3	102,9	13,0	73,0	74,7
6	Фон +N ₃₀₀	1169,2	79,8	13,0	73,5	71,3

Азот миқдорини гектарига 250 кг қўлланилган вариантда саватчадаги уруғлар тажрибадаги бошқа вариантлардан оғир бўлиб 1282,3 дона уруғ 102,9 грамм эканлиги аниқланган бўлса, азот миқдорини 300 кг гача оширилган вариантда уруғлар сонининг кам ҳосил бўлиши (1169,2) эвазига вазни ҳам енгил (79,8 грамм) бўлди.

Кунгабоқар уруғлари вариантлар бўйича алоҳида тортилиб кўрилди ва мағзи қобикдан ажратилди. Ажратиболинган мағизлар тарозида тортилиб оғирлиги аниқланди. Шундан кейин уруғдан мағиз чиқиши фоизларда аниқланди.

Бунда тажрибада ўғитлар меъёрининг уруғдан мағиз чиқишига таъсири катта бўлиши кузатилди. Биринчи ўғитсиз N0P0K0 назорат вариантда уруғдан мағиз чиқиши 73,2 % бўлган бўлса, иккинчи вариантда P100K100-фон 73,8%, N150 вариантида уруғдан мағиз чиқиши 73,8 % ва тўртинчи N200 вариантда уруғдан мағиз

чиқиши 74,6 %, тўртинчи N250 вариантда 75,3 ва бешинчи N250 вариантда мағиз чиқиши камайиб 73,0% бўлганлиги аниқланди.



Бунда вариантлар орасида ўғитсиз назорат биринчи вариантда мағиз чиқиши иккинчи вариантга P100K100-фон нисбатан 0,6 % га, N150 вариантга нисбатан 0,6% га, тўртинчи N200 вариантга нисбатан 1,4 % га,

бешинчи N250 вариантга нисбатан 2,1 % га кўп бўлди, аммо азот ўғитини меъёрини оширилган олтинчи N300 вариантда уруғдан мағиз чиқиши 0,2 фоизга камайганлиги кузатилди.

Демак, азот ўғити меъёрини гектарига 300 кг га оширилганда уруғнинг мағизлилик даражасига салбий таъсир кўрсатиб унинг камайишига сабаб бўлар экан. Ўғитлар меъёрининг 1000 дона уруғнинг вазнига таъсири катта бўлиши кузатилди. Биринчи ўғитсиз N0P0K0 назорат вариантда 1000 дона уруғнинг вазнига 71,0 грамм бўлган бўлса, иккинчи вариантда P100K100-фон 73,0 грамм, учинчи N150 вариантда 73,0 грамм ва N200 вариантда 74,0 грамм, тўртинчи N250 вариантда 74,8 грамм ва олтинчи N250 вариантда мағиз чиқиши камайиб 73,2 грамм бўлганлиги аниқланди.

Бунда вариантлар орасида ўғитсиз назорат биринчи вариантда 1000 дона уруғнинг вазни иккинчи вариантга нисбатан 2,0 граммга, N150 вариантга нисбатан 3,0 граммга, тўртинчи N200 вариантга нисбатан 3,8 граммга, N250 вариантга нисбатан 3,7 граммга кам бўлди, аммо азот ўғитини меъёрини оширилган олтинчи N300 вариантда 1000 дона уруғнинг вазни ўғит қўлланилган вариантларга нисбатан камайиб, ўғитсиз вариантга нисбатан 0,3 граммга оғир бўлиши аниқланди.

Хулоса: Мойли кунгабоқарнинг Дилбар навига маъданли ўғитларни гектарига Фон-+N250 миқдорда қўлланилганда ҳосилдорлик юқори бўлиши, агар ўғит миқдорини бундан оширилса, аксинча ҳосилдорликка салбий таъсир қилиб унинг камайишига олиб келиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анарбоев И.У. Республикамизда мойли экинларни етиштириш истиқболлари — Ўзбекистонда мойли ва толали экинларни етиштириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган янги технологиялар, Республика илм.-амал. Конференцияси мақолалар тўплами, Тошкент, 2009, 6-7 б.

2. Жидков В.М., Гришичкин А.Н. Способы основной обработки почвы и эффективность применения гербицидов при выращивании подсолнечника // Аграрная наука. – Москва, 2011. № 6, - С 20-21

3. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta> - Ш.Искандаров / Ҳар томонлама манфаатли

4. <http://www.agro.uz/uz/agric>- Кунгабоқар — бебаҳо такрорий экин

ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Кенжаев Р. Х.,

Тошкент давлат юридик университети
Экология ҳуқуқи кафедраси доценти

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан аҳолининг турмуш даражасини ошириш сингари устувор вазифани муваффақиятли амалга оширишда ер бойликларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу йўналишдаги ислохотларни амалга оширишда айниқса қишлоқ хўжалигида ихтисослашувни кучайтириш ҳисобига уни жадал суръатлар билан ривожлантириш ва соҳани индустрлаш муҳим аҳамиятга эга экалигини инобатга олсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш, янги ва

фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш”1 таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2024 йил 1 январь ҳолатига жами ерлар 44 892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4 342,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил қилади2.

Марказий Осиё шароитида ер ниҳоятда ноёб табиий ресурс бўлиб, минтақада экологик, ижтимоий, иқтисодий, демографик вазият, таъбир жоиз бўлса, сиёсий барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан унинг ҳолатига, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ.

Чунки, аҳоли сони мунтазам ошиб бораётган ва унга қарши ўлароқ, унумдор ерлар миқдори секин-асталик билан камайиб бораётган бир шароитда мавжуд унумдор

1. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29. 01. 2022-й., 06/22/60/0082-сон, 18. 03. 2022-й., 06/22/89/0227-сон, 21. 04. 2022-й., 06/22/113/0330-сон; 10. 02. 2023-й., 06/23/21/0085-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот.-Т.: Ўзбекистон, 2024.

ер захираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чораларини кўриб бориш долзарб муаммо, давлат экологик сиёсатидаги марказий масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Зеро, ер экологик тизимнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва иқтисодийнинг моддий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ер мулкдорлари, эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тизимини яратиш, бу соҳада қонун устуворлигига эришиш жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифаларидан биридир.

Зеро, давлатнинг иқтисодий салоҳияти, жамиятнинг моддий негизи ва фуқароларнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан табиатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ерга нисбатан қонунийликни таъминлаш, ердан қонун талаблари асосида фойдаланиш, ер қонунчилигини бузилишига йўл қўймаслик, ер муносабатлари соҳасида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш каби вазифаларни ҳал қилишга боғлиқ бўлади.

Ерларни муҳофаза қилиш жараёнида самарали иқтисодий механизмнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ердан фойдаланиш жараёнида айрим ҳуқуқ субъектлари муайян даражада унга зарар етказадилар ёки аксинча ердан фойдаланувчилар унинг самарадорлигини ва унумдорлигини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Давлат ўз навбатида умуммиллий бойлик ҳисобланган ернинг эгаси сифатида ҳуқуқ субъектларининг ердан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятларини назорат қилиб турар экан, бунда мазкур механизмнинг давлатнинг бу фаолиятидаги ўрнини қанчалик аҳамиятга

эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

М. М. Бринчук эса, табиатни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми деганда, табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофазалашни таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган иқтисодий чоралар йиғиндиси тушунилади, деб таъкидлаб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми элементларини ажратиб кўрсатади:

Табиатдан фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни режалаштириш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни молиялаштириш; табиатдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; экологик суғурталаш; иқтисодий рағбатлантириш чоралари³.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан бу масалада кўпроқ ер учун ҳақ тўлаш, бу борадаги солиқ имтиёзлари ва ерларни соғломлаштириш билан боғлиқ технологик тадбирлар комплекс тарзда эмас, балки алоҳида олинган ҳолда тадқиқ этилган. Масалан, М. Б. Усмонов иқтисодий ҳуқуқий механизмнинг ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этган⁴.

М. М. Нурматов ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш⁵ масалаларини, Б.Б. Алихонов табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмларни такомиллаштириш муаммоларини⁶ таҳлил этган, лекин ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми тушунчасига категория сифатида ўзбек

3. Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрист, 2005. – С.307.

4. Усмонов М.Б. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. - №10. - Б. 21-26.

5. Нурматов М.М. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. / Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.68-72.

6. Алихонов Б. Б. Табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмларни такомиллаштириш. / Ҳуқуқ. Право. Law. -2000. -№4.-Б.67-69.

хуқуқшунос олимлари томонидан яхлит бир таъриф берилмаган.

Бизнингча, ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

Биринчидан, ерлардан фойдаланганлик ва уни ифлослантирганлик ҳамда унга етказилган бошқа зарарли таъсирлар учун тўланадиган тўловларни белгилаш ва тўплаш;

Иккинчидан, ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш;

Учинчидан, ҳўжалик юритувчи шахсларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали уларни иқтисодий рағбатлантириш ва бошқалар.

Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини юқорида кўрсатилган элементлари бўйича мавжуд қонунчилик ва адабиётларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги ҳолатларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми элементларидан бири бу – ерлардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдир.

М. М. Бринчукнинг таъкидлашича, «табиатдан фойдаланишнинг асосий тамойиллардан бири, бу унинг тўловлилиги бўлиб, у қуйидаги мақсадларга қаратилган.

Биринчидан, табиатдан фойдаланганлик учун тўловлар давлат ва маҳаллий бюджетни ҳамда экологик фондларни тўлдириш манбаи ҳисобланса, иккинчидан, тўловлардан асосий мақсад табиатдан фойдаланувчини тўлов берилаётган табиий ресурслардан оқилона фойдаланишига эришиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишдан иборат»⁷.

Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигида ер ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг мазмуни, тартиби ва вазифалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу маънода, ер учун ҳақ тўлашга оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Ер, Солиқ, Фуқаролик кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекснинг 28-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар.

Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солиғининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунчилик билан белгиланади. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Давлат мулкида бўлган ер участкалари учун ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади.

Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини ер солиғи тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайди.

Агар қонунда ва ижара шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу тартиб доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкалари ижарасига нисбатан ҳам қўлланилади. Хусусий мулк бўлган ер участкалари учун ижара ҳақи миқдори ва тўлов шакли ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчи ўртасида мустақил равишда шартномада белгиланади. Бунда ер солиғини тўлаш

7. Бринчук М. М. Экологическое право. -М.: ЮРИСТ. 2004. – С.316.



мажбурияти ижарага берувчининг зиммасига юклатилади⁸.

М. Б. Усмоновнинг фикрича, “ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришнинг асосий сабаби, биринчидан, ер умуммиллий бойлик эканлиги, яъни ер участкасидан фойдаланганлик учун наф шу ҳудудда яшаётган барча кишиларга тегишлилигида; иккинчидан, ердан фойдаланувчи шу ер участкасидан фойдаланганлик учун маълум фойда ёки даромадга эга бўлишлигида; ва ниҳоят учинчидан, ер учун ундириладиган ҳақ шу ер майдонларининг ҳолатини яхшилаш ва сақлашга сарфланишлигидадир”⁹.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ер ва Солиқ кодексларига асосан амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми деганда, ерлардан фойдаланганлик, уни ифлослантирганлик ҳамда унга етказилган бошқа зарарли таъсирлар учун тўланадиган тўловларни белгилаш ва тўплаш шартлари ва тартибини, ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ва хўжалик юритувчи шахсларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали уларни иқтисодий рағбатлантиришни белгиловчи

ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оловчи ҳуқуқий институт тушунилади.

Мазкур таърифдан келиб чиқиб, бу механизм орқали ерларни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш ва режалаштириш, ерлардан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов миқдорларини белгилаш, ерларнинг ҳолатини соғломлаштириш борасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга солиқ, кредит ва бошқа соҳаларда имтиёзлар бериш, ерларга етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш тартибини белгилаш каби вазифаларни бажаришга эришиш мумкин.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмнинг мукамал тартибга солиниши ва бу борадаги муносабатлар, ҳуқуқий асосларда ўз аксини топиши долзарб масалалардан биридир.

Бинобарин, бу ҳозирги кунда ҳар қандай давлат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий белгиловчи омили бўлиб ҳисобланади. Чунки ерларни муҳофаза қилишда иқтисодий омилларни қўллашдан асосий мақсад ерларнинг моддий қийматини белгилаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминланишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1998. - № 5-6. 82 – модда.

9. Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррирлар Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б.132.

BANK KREDIT PORTFELIDA MUAMMOLI KREDITLARNI KAMAYTIRISH YO'LLARI

Qulmetov M.,

ISFT instituti "Fundamental iqtisodiy fanlar" kafedrası dotsenti

Annotatsiya. Maqolada bank kredit portfelida muammoli kreditlarni bartaraf etish masalasi qarz oluvchilarning oylik kredit to'lovlarini to'lamagan holati sifatida tadqiq etilib, banklar bunday muammoli kreditlarni ishlamaydigan aktivlar sifatida belgilaydi. Bank kredit portfelida muammoli kreditlar tahlil qilinib, uning oldini olish bo'yicha takliflar berilgan.

Tayanch so'zlar: bank, kredit, kredit potifeli, muammoli kreditlar, risk,

Tijorat banklarining kreditlari bank faoliyatida asosiy o'rin tutgan operatsiyalardan biridir. O'zbekiston Respublikasi "Bank faoliyati va banklar to'g'risida"gi qonunida bank terminiga tushuntirish berilganda bu tashkilot uchta operatsiyani allbatda amalga oshirishi kerakligiga urg'u berilgan bulardan biri kredit berish operatsiyasidir.

Jahon bank faoliyatida bank terminiga moliyaviy univermag degan tushuncha berilganiga qaramay kredit operatsiyalari barcha banklar faoliyatida muhim o'rin egallagan. Bir tamondan bank krediti iqtisodiy sub'ektlar uchun zaruriy hollarda vaqtincha yuzaga kelgan moliyaviy qiyinchiliklarni echishda yordam beruvchi muhim manba hisoblanadi. Ikkinchi tomondan esa banklar olib borayotgan jarayonlari ichida eng ko'p foyda beruvchi jarayondir.

Kredit portfelining to'g'ri tashkil etilishi tijorat banklarining samarali faoliyat yuritishi uchun asos hisoblanadi. Xususan, kredit berish va uni belgilangan muddatda qaytarib olish, u bilan bog'liq xatarlar, ssudalar, muddati o'tgan yoki uzaytirilgan kreditlar bo'yicha hisob-kitob operatsiyalari, ssudalar bo'yicha zararlarni qoplash, zahira miqdori, banklararo kredit va markazlashtirilgan kreditlar buyicha operatsiyalar shular sirasiga kiradi.

Kredit portfeli bu turli xil risklarga asoslangan muayyan mezonlarga qarab turkumlangan kreditlar miqyosidagi bank talablarining yig'indisidir. Ma'lumki, tijorat banklarida kredit siyosatiga, kredit portfeli va uning sifatiga, undan foydalanish darajasiga katta e'tibor beriladi. Chunki, kredit portfelining to'g'ri tashkil qilinishi banklarning samarali faoliyat yuritayotganligidan dalolat beradi.

Kreditlarni so'ndirish bilan bog'liq muammolar, odatda, tasodifan va birdan hosil bo'lib qolmaydi. Bu ma'lum vaqt davomida rivojlanib boradigan jarayon bo'lib, tajribali bank xodimi mijoz boshdan kechirishni boshlagan moliyaviy qiyinchiliklar jarayoni paydo bo'lishidan darak beruvchi belgilarni o'z vaqtida aniqlashi va vaziyatni yaxshilash hamda bank manfaatlarini himoya qilish choralarini ko'rishi mumkin.

Muammoli kreditlarning kelib chiqish sabablari turlicha bo'lishi mumkin. Ularning ba'zilari qarzdor-mijozning faoliyati bilan, boshqalari esa bank faoliyati bilan bog'liq bo'lib, omillar ob'ektiv va sub'ektiv xarakter kasb etishi mumkin.

1-jadval ma'lumotlariga ko'ra tahlil qilinayotgan davrda davlat ulushi mavjud banklar

o'rtasida bank kredit portfeli hajmi eng ko'p Turon bankda 46%, Agrobankda 45%, O'zmilliybankda 34%, Mikro kreditbankda 33% va Aloqa bankda 33% ga oshganligini ko'rishimiz mumkin. Davlat ulushi mavjud banklarda o'rtacha bank kredit portfeli o'zgarishi 19% o'sishni tashkil etgan bo'lsa, O'zagroeksportbankda -79%, Ipoteka bankda -12% va Poytaxt bankda -2%ga kamayish kuzatilgan. Jami bank tizimida esa o'sish 44%ni tashkil etishi davlat ulushi mavjud banklarda kredit portfelining o'sishi boshqa davlat ulushi mavjud bo'lmagan banklarga nisbatan keskin kam ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bu o'z navbatida davlat ulushi mavjud bo'lmagan banklarda kredit mablag'larini sotishda bozorda jozibador kredit turlari va mijozlari talabiga mosroq kreditlar taklif etayotganligidan dalolat bermoqda.

1-jadval

Tijorat banklaririning muammoli kreditlari (NPL) to'g'risida ma'lumot (2024yil 1-yanvar holatiga)¹

№	Bank nomi	Kredit portfel			Kredit portfel o'zgarishi, foizda	Muammoli kreditlar (NPL)			Muammoli kreditlar (NPL) O'zgarishi, foizda
		2022	2023	2024		2022	2023	2024	
1.	O'zmilliybank	74033	89410	99423	34%	3305	2638	3098	-6%
2.	O'zsanoat-qurilishbank	43148	48076	57124	32%	1630	1359	1283	-21%
3.	Agrobank	37685	43846	54483	45%	1819	1685	2071	14%
4.	Asaka bank	32258	36742	39213	22%	1495	1707	1731	16%
5.	Xalq banki	19596	21666	24549	25%	3857	2584	1855	-52%
6.	Biznesni rivojlantirish banki	17496	20292	21801	25%	749	790	1935	158%
«.	Mikro kreditbank	10816	13319	14437	33%	642	635	865	35%
8.	Turon bank	8129	9431	11894	46%	266	242	271	2%
9.	Aloqa bank	7754	9162	10294	33%	314	186	157	-50%
10.	Poytaxt bank	80	74	79	-2%	2	0.7	2	-2%
11.	Ipoteka bank	29046	32658		-12%	972	810		-17%
12.	O'zagroeksportbank	30	6		-79%	17	6.0		-64%

¹ www.cbu.uz ma'lumotlari asosida tuzilgan

Davlat ulushi mavjud banklar	280074	324681	333298	19%	15069	12643	13267	-12%
Jami (bank tizimi bo'yicha)	326386	390049	471406	44%	16974	13992	16621	-2%
Muammoli kreditlarning ulushi, foizda					5,4%	3.9%	4%	-1.4%
Jami (bank tizimi bo'yicha muammoli kreditlarning ulushi, foizda)					5%	3.6%	3.5%	-1.7%

Kredit berish bilan uning to'liq bankka o'z vaqtida qaytarilish va bank kredit portfelini sog'lomlashtirish masalasi banklar oldida turgan asosiy vazifalardan biri sanaladi.

Tahlil qilinayotgan davr 2022 yil 1 yanvar holatidan 2024 yil 1 yanvar holatiga muammoli kreditlarning (NPL) o'zgarishi ya'ni oshish kuzatilgan banklar Biznesni rivojlantirish bankida 158%, Mikrokreditbank 35%, Asaka bankda 16% va Agrobankda 14%ni tashkil etgan bo'lsa, kredit portfeli oshsada muammoli kreditlar hajmi kamaygan banklar Xalq bankida -52%, Aloqa bankda -50% va O'zsanoatqurilishbankda -21%ga kamayishi davlat ulushi mavjud banklarda kredit riskini boshqarish, rahbarlarning boshqaruvchanligi va muammoli kreditlarni so'ndirish bilan bog'liq faoliyati turlicha ekanligini anglatadi.

Davlat ulushi mavjud banklarda o'rtacha muammoli kreditlarning (NPL) ulushi -12%ni

tashkil etsa, jami bank tizimida kamroq bo'lib -2% ni tashkil etadi.

Tahlil qilinayotgan davrda davlat ulushi mavjud banklarda muammoli kreditlar hajmi 5,4% dan 4%ga tushgan bo'lsa, jami bank tizimi bo'yicha 5,2% dan 3.5% gacha kamaygan.

Bu hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan izchil islohotlarning natijasidir.

Xorijiy mamlakatlarning krediti riskini boshqarishda kredit berish jarayoni va siyosatini samarali tashkil etish, bank aktivlarini, asosan kreditlarni klassifikatsiya qilish, bankka daxldor shaxslarga berilayotgan kreditlar hajmini oshir-maslik, yagona soha yoki tarmoqqa yo'naltirilayotgan kreditlar hajmini nazorat qilish, qarz oluvchilarning hududiy geografiyasiga, malakali mutaxassislar bilan yetarli darajada ta'minlash masalalariga alohida e'tibor qaratishlari ma'lum bo'ldi.

2-jadval

Ayrim mamlakatlarda kredit operatsiyalariga nisbatan o'rnatilgan me'yorlar chegarasi²

Mamlakat	Limit, %	Izoh
Kanada	25	Garovga nisbatan eng yuqori miqdori 50 %
Daniya	35	Sharoitdan kelib chiqib 50 foizgacha
Fransiya	40	Barcha risklarni qo'shib umumlashtirganda, kapitalga nisbatan besh foizdan 40 foizgacha. Barcha yirik kreditlarning miqdori umumiy kapitalning 800 foizidan oshib ketmasligi lozim

² Управление деятельностью коммерческого банка. Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: Учебник. "Юрист", 2020. – С. 427-728.

Germaniya	15	Har qanday yirik kredit kapitalning 50 foizidan ortib ketishi mumkin emas. Barcha yirik kreditlarning miqdori umumiy kapitalning 800 foizidan oshib ketmasligi lozim
Irlandiya	5	Bir qarz oluvchiga beriladigan eng yuqori kredit summasi barcha riskka tortilgan aktivlarning besh foizidan ortib ketmasligi lozim
Yaponiya	20	Agar bankning trast va uzoq muddatli kreditlari hajmi 30 foiz bo'lsa
Niderlandiya	25	Ayrim yirik kreditlar bank kapitalining 15 dan 20 foizgachasini tashkil etsa, 100 foiz miqdorida qo'shimcha zaxira shakllantirilishi talab etiladi

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, banklarning bir qarz oluvchiga beriladigan kreditlarining eng yuqori miqdori asosan ularning kapitaliga nisbatan o'rnatilgan bo'lib, aksariyat mamlakatlarda ular turlicha tarzda amal qiladi.

Bizningcha, muammoli kreditlar portfelini sotish bank balansini yaxshilash va kredit portfelining sifatini yaxshilashning tezkor usuli hisoblanadi.

Xalqaro tajribalarga tayangan holda, tijorat banklaridagi muammoli kreditlarni undirish hamda sifatini oshirishda maxsus yaratilgan moliyaviy tuzilmalarga yoki kollektorlik agentliklariga o'tkazish natijasida tugatish mumkin. Iqtisodiy

taraqqiyotning yangi bosqichida tijorat banklarining moliyaviy xavfsizligini ta'minlashda tijorat banklarining kredit portfelini sifatini ta'minlash bilan bog'liq bo'lgan dolzarb muammolarni hal qilish maqsadga muvofiqdir, bu borada mazkur tadbirlarni amalga oshirish zaruriyati paydo bo'lmoqda: Muammoli kreditlarning kreditlar hajmidagi salmog'ining past va barqaror darajasini ta'minlash uchun, birinchidan, muammoli kreditlarning ko'p omilli moliyaviy tahlilining sifatini oshirish lozim; ikkinchidan, muammoli kreditlar summasining o'sish sur'atini brutto kreditlarning o'sish sur'atidan yuqori bo'lishiga yo'l qo'ymaslik kerak;

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Управление деятельностью коммерческого банка. Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: Учебник. “Юрист”, 2020. – С. 427-728
2. Zokir Toshtemirovich Mamadiyarov. 2022. Risk Management in the Remote Provision of Banking Services in the Conditions of Digital Transformation of Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (ICFNDS 2021). Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 311–317. <https://doi.org2>.
3. Abdikarimova D.R. Bank kreditlari garov ta'minotini baholash. Monografiya. – T.: «Iqtisod-Moliya», 2016. – 168 b
4. A.Qalandarov. Muammoli kreditlar: yechimlari va istiqbollari. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot. 2024-yil, sentyabr. № 9-son

Foydalanilgan saytlar:

1. www.cbu.uz
2. <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

ОДДИЙ КАЛИНА (VIBURNUM OPULUS L.) ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА АГРОТЕХНИКАСИ

Хомидов М. Х.,

Тошкент давлат аграр университети,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада оддий калинанинг она плантациясини барпо этишда буталар ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитлар таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган. Калина новдаларининг интенсив ўсиш даври май-июнь ойларига тўғри келди, ойлик ўсиш 14-18 см ни ташкил этди. Ўғитлар миқдорини, айниқса азот миқдорини ошиши новдалар ўсиши ва бутанинг ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатди. Энг паст ўсиш кўрсаткич назорат вариантдаги буталарда қайд этилди –8-10 см. Минерал ўғитлар билан калина буталарини озиқлантириш ҳосил миқдори ва сифатини оширди. Буталарни биргина N60 билан озиқлантириш 100 дона мевалар оғирлигини 41,6 г бўлишини таъминлади.

Таянч сўзлар: калина, вибирнум, экиш схемаси, она плантация, тупроққа ишлов бериш, цитрин, аскорбин кислотаси, калина пўстлоғи, минерал ўғит меъёри.

Республикамизга интродукция қилинган янги манзарали бутасимон ўсимликларни маҳаллий шароитларда кўпайтириш ва ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш, ўрмон хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш соҳасига кенгроқ татбиқ этиш ва маҳаллий дендрофлорани бойитиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Калинанинг интродукция шароитида биоэкологияси, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш имкониятларини аниқлаш, мевасини биокимёвий тадқиқ этиш,

уруғкўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва она плантациясини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга.

Калина доривор ўсимлик, пўстлоғи қон тўхтатувчи восита сифатида гинекология амалиётида қўлланилади. Калина меваларида 32% гача инверт қандлар, танин, пектин, ва ошловчи моддалар, органик кислоталар, С витамини (75 мг%) цитрин (Р витамини) – 500 мг% гача, каротин 2,5 мг % гача миқдорда мавжуд.[3]

Калина она плантациясини барпо этишда тупроққа ишлов бериш, калина кўчатларини ўстиришда муҳим бўғим ҳисобланади. Тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад унинг физик хоссалари, намлик ва иссиқлик режими, минерал озучаланишини яхшилаш ва ёввойи ўтлардан тозалашдан иборат. Ушбу ишлар юқори агротехник даражада амалга оширилса, келгусида юқори маҳсулдорликка эга калина плантациялари яратилишига замин яратилади. Калина плантациялари учун тоғолди ва тоғли ҳудудлар мос келади.

Ерни ағдариб ҳайдаш тупроққа асосий ишлов бериш тури бўлиб ҳисобланади. Агар кузда ёғингарчилик кам бўлиб тупроқ қуруқ бўлса, ер ҳайдашдан аввал плантацияга ажратилган майдон суғорилиши лозим. Биринчи навбатда тупроққа ишлов беришда барча ишлар республикамиз минтақаларида сув танқислигини эътиборга олган ҳолда намликни йиғишга ва сақлашга қаратилган бўлиши керак.

Калина плантацияларида экиш учун ажратилган кўчатлар стандарт талабларга жавоб бериши зарур. Бунинг учун истиқболли серхосил, йирик мевали ва сервитамин калина тур ва шакллариининг кўчатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Плантацияларда ўтказиладиган барча агротехник чора-тадбирлар экилган кўчатларнинг тезроқ ҳосил даврига киришини тезлаштириш ва серхосиллигини оширишга қаратилади.

Плантацияда кўчатларни жойлаштириш схемаси асосий агротехник элементлардан ҳисобланади. Россияда калина плантациясини барпо этишда 4x2,5 м экиш схемасидан фойдаланиш тавсия этилган. Бунда 4 м қаторлар орасидаги масофа, 2,5 м – қатордаги кўчатлар орасидаги масофа. 4x2,5 м экиш схемасида 1 гектарга 1000 дона, 4x3 схемада экилганда 825 дона кўчат экилади [1; 4].



1-расм. Оддий калинанинг (*Viburnum opulus* L) ТошДАУ Ўқув-илмий тажриба бўлимида барпо этилган 4 йиллик она плантацияси (2023 йил)

2019 йил март ойида ТошДАУ Ўқув-илмий тажриба бўлимида бир йиллик калина кўчатлари асосида республикамизда унинг илк она плантацияси барпо этилди. Кўчатларни экиш схемаси 4x2 м. Калина кўчатлари олдиндан 40x40x50 см ўлчамда коваб қўйилган чуқурларга экилди. Кўчатларнинг илдилари экишдан аввал махсус органик ўғит, ёғоч қўмир, ўстирувчи стимуляторлар ва сувдан иборат яхшилаб аралаштирилган бўтқага ботириб олиб кейин экилди.

Биринчи вегетация даврида 6-8 та, иккинчи ва кейинги йилларда 4-6 та суғориш амалга оширилди. Суғориш меъёри 600 м³/га тенг. Суғорилгандан кейин ер етилгач қаторлар орасидаги тупроққа ишлов берилди. Бунда тупроқ юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланди. Битта кўчатга 2 кг ёки 2.5 т/га миқдорида экилган кўчатлар атрофи намлик сақлаш мақсадида ёғоч қипиғи билан 2 см қалинликда мулчаланди.[2]

2022-2023 йиллари она плантациядаги 5 вариантда тажрибалар олиб борилди. кўчатларни минерал ўғитлар билан Назорат вариантда буталарга минерал озиқлантириш уларнинг ўсиши ва ўғитлар солинмади (1-жадвал). ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида

1-жадвал

Минерал ўғит меъёрларининг калина буталарини ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири (2021-2023 йй.)

Минерал ўғит меъёрлари (таъсир этувчи модда)	Буталарни вегетация мавсумида ойлик ўсиши, см				Буталарни вегетация якунида ўсиш кўрсаткичлари		Бутада новдалар сони, дона	Бутанинг ўртача ҳосилдорлиги, кг	1 гектарда ҳосилдорлик, кг
	май	июн	июл	август	бута баландлиги, см	бута габитуси кенглиги, см			
Назорат (ўғитсиз)	8	6	3	2	198±4,04	150±2,21	12±0,24	0,66±0,01	825,0±16,8
N ₆₀	9	7	4	3	225±5,88	210±3,09	15±0,39	1,3±0,03	1625,0±33,2
N ₆₀ H ₆₀	10	8	5	4	223±5,15	190±3,88	14±0,32	1,02±0,02	1275,0±26,0
N ₉₀ P ₉₀	15	11	9	5	235±3,03	180±2,65	12±0,15	1,26±0,02	1575,0±32,1
N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	18	14	11	6	248±5,73	182±3,72	11±0,25	2,16±0,05	2700,0±55,1
ЭКФ ₀₅	0,6	0,4	0,3	0,2	10,6	6,6	0,6	0,1	76,3
Sx _%	0,8	0,8	0,9	0,7	0,8	0,6	0,8	0,9	0,8

Кўчатларни парваришlash даврида N90P90 миқдорида минерал ўғитлар солиш калина плантацияларининг ҳосилга кириш вақтини тезлаштирди ва ҳосилдорлигини оширди. Калина плантацияси қатор оралари ёзда қора шудгор усулида сақланди. Бу тадбир бегона ўтларни ривожланишига йўл қўймайди ва кўчатлар ўсиб ривожланиши учун яхши шароитларни юзага келтиради. Қатор ораларидаги тупроққа культиватор, бороналар ёки фрезалар ёрдамида ишлов берилди. Вегетация даврида 4-5 марта қаторлараро

ишловлар берилди. Улар бегона ўтлар ўсишига қараб ўтказилди. Қаторлар ораси 8-10 см чуқурликка, қатордаги кўчатлар атрофи 4-6 см чуқурликгача, яъни горизонтал илдизларга зарар келтирмаган ҳолатда юмшатилади. 2-3 йилдан сўнг экилган кўчатлар илдиз тизими тез ўсиб ривожланиди, тупроқдаги озиқ моддаларни тез ўзлаштирди ва калина буталари ҳосилдорлиги ошди.

Она плантацияда буталарни минерал ўғитлар билан озиқлантириш 3 даврда амалга оширилди: буталар гулламасдан аввал (апрель

1 декадаси), қийғос гуллаганда (апрелнинг 3 декадаси), мевалар тугилганда (май охири-июнь боши). Калина новдаларининг интенсив ўсиш даври май-июнь ойларига тўғри келди, ойлик ўсиш 14-18 см ни ташкил этди. Ўғитлар

миқдорини, айниқса азот миқдорини ошиши новдалар ўсиши ва бутанинг ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатди. Энг паст ўсиш кўрсаткич назорат вариантдаги буталарда қайд этилди –8-10 см.

2–жадвал

Минерал ўғит меъёрларининг калина меваси сифати ва уруғ маҳсулдорлигига таъсири (2021-2023 йй.)

Минерал ўғит меъёрлари (таъсир этувчи модда)	Бута ўртача ҳосилдорлиги, кг	Мева узунлиги, мм	Мева диаметри, мм	Мева оғирлиги, г	100 дона мева оғирлиги, г	1000 дона уруғ оғирлиги, г	1 кг мевадан уруғ чиқиши, %
Назорат (ўғитсиз)	0,66±0,01	8,66±0,18	7,36±0,15	0,22	25,1±0,37	71,8±1,47	28,6
N ₆₀	1,3±0,03	9,21±0,24	8,27±0,22	0,39	41,6±0,61	89,5±2,34	21,5
N ₆₀ H ₆₀	1,02±0,02	7,89±0,18	7,62±0,18	0,35	30,3±0,62	86,3±1,99	28,4
N _{90P90}	1,26±0,02	8,80±0,11	7,86±0,10	0,34	32,8±0,48	80,9±1,04	24,8
N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	2,16±0,05	8,88±0,21	8,08±0,19	0,33	30,5±0,62	88,4±2,04	28,9
ЭКФ ₀₅	0,1	0,4	0,4	0,01	1,1	4,0	
Sx _%	0,9	0,8	0,8	0,7	0,6	0,8	

Июнь-август ойларида барча тажриба вариантларида ўсиш суръати камайди ва ойлик ўсиш 3-4 см ни ташкил этди. Комплекс ўғитлар (N120P90K60) билан озиқлантирилган вариантдаги буталар ривожланиши фаол кечди, июнда 11 см, августда 6 см ойлик ўсиш қайд этилди ва вегетация якунида буталарнинг ўртача баландлиги 248 см ни ташкил этди.

Буталар шох-шаббаси кенглиги 182 см ни, битта бутадаги ўртача ҳосил миқдори 2,16 кг ни (2700 кг/га) ташкил этди. Минерал ўғитлар дозасини ортиб бориш нафақат бута новдаларини ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорликка, балки мевалар сифатига ва оғирлигига ҳам таъсирини кўрсатди. Назорат вариантда буталардан терилган 100 дона

мевалар оғирлиги 25,1 граммни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўғитланган вариантларда 30-41 граммни ташкил этди.



2 - расм. Оддий калинанинг (Viburnum opulus) интродукция шароитида ҳосилдорлиги

Буталарни биргина N60 билан чиқиб калина плантацияларини Ўзбекистон озиқлантириш 100 дона мевалар оғирлигини шароитларида 4x3 м экиш схемасида жойлаштириш зарурлиги қайд этилди, чунки 41,6 г бўлишини таъминлади. Минерал ўғитлар буталар 3-4 йиллари қалинлашиб шохуруғларни тўқ мағизли бўлишини таъминлади шаббалари бир-бири билан бирикиб кетиши – 1000 дона уруғлар барча ўғитланган кузатилди. вариантларда 80-89 граммни ташкил этган бўлса назоратда 71,8 граммни ташкил этди.

Оптимал иқтисодий самарали ва биологик йўл қўйилиши мумкин бўлган минерал ўғитлар назорат вариантда қайд этилди: 0,66 кг (825,0 дозаси N90P90 деб ҳисоблаш мумкин. кг/га). Тажриба натижалари таҳлилидан келиб

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердиев Э.Т., Хомидов М.Х. Итоги интродукции калины обыкновенной (*Viburnum opulus* L.) в Ташкентском оазисе//Academic Research in Educational Sciences, Multidisciplinary Scientific Journal. – 2023. – Volume 4. – Issue 5. – P. 715-721. (Impact factor: SJIF 2023: 5.771)
2. Mashrapov K. T., Khamidov M.Kh. Breeding of common cranberry tree (*Viburnum opulus*) in Uzbekistan // International Journal of Agriculture, Environment and BioResearch. – 2019. – Volume 4. – P. 156-161. (Impact factor: SJIF 2023: 6.651)
3. Солодухин Е.Д. Калина.– Москва, Лесная промышленность, 1985, – 77 с.
4. Хомидов М.Х., Бердиев Э.Т. Оддий калина (*Viburnum opulus* L.) уруғкўчатларини етиштириш агротехникаси//Academic Research in Educational Sciences, Multidisciplinary Scientific Journal. – 2023. – Volume 4. – Issue 5. – P. 731-739. (Impact factor: SJIF 2023: 5.771)

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТЛАРИГА МОСЛАШУВЧАН ОҚБОШ КАРАМ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Шокиров А. Ж.¹, Жадигерова М. С.²,

¹Тошкент давлат аграр университети, профессор,

²Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, таянч докторант

Аннотация. 2021-2023 йилларда шўрланган тупроқларда оқбош карамнинг эртапишар, ўртапишар нав ва дурагайларини 70х30; 70х40; 70х50; 60х30 ва 60х40 см схемаларда экиб ўсимликларни ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Эртапишар “Навруз” навини 70х30 см схемада (51,9 га/т), “Magnus F1” дурагайини 60х30 см схемада (58,3 га/т) ва ўртапишар “Ташкентская 10” навини 70х40 см схемада (54,8 га/т), “Fresco F1” дурагайини 70х40 см схемада (57,5 га/т) экилган вариантларда товар ҳосилдорлик энг юқори бўлганлиги исботланган.

Таянч сўзлар: шўрланган тупроқ, оқбош карам, экиш схема, эртапишар, ўртапишар, нав, дурагай, карамбош, ҳосилдорлик, товар, нотовар.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳолини сифатли, таннархи юқори бўлмаган сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кучсиз шўрланган ва шўрланган майдонлар етиштириш учун мос, юқори ҳосилли, экспортбop, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса сабзавот турларини экиш, ер ва сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 30-мақсадида “... экспортбop маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш”¹ устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган.

Шу боис, кучсиз шўрланган майдонларда етиштиришга мос оқбош карам нав

¹ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли Фармони.

намуналарини танлаш ва етиштириш технологиялари (навларни экиш муддатлари ва экиш схемалари) токомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 259-сонли қарори ва 2020 йил 18-майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4716-сонли қарори, 2024 йил Аҳоли хонадонларида даромадбоп экинлар етиштириш ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу тадқиқот янгилиги муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларнинг турли тупроқ иқлим шароитларида оқбош карам етиштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича В. А. Денисов, Н. Б. Петров, В. В. Скорина, В. Ф. Пивоваров, Л. К. Гуркина, И. Д. Ражабли, О. Н. Вишневская, А. Ф. Бухаров, Л. И. Уралец, М. Н. Шаптуренко, В. Н. Лукьянец, С. В. Королева, Г. А. Костенко, А. Д. Джахангиров, Г. Ф. Монахос В. П. Кузьмищевлар; мамлакатимизда В. И. Зуев, С. В. Ситкинов, О. Қодирхўжаев, Б. Ж. Азимов, Т. Э. Остонақулов, А. М. Аббасов, М. Х. Арамов, А. Ж. Шокиров, С. Лапасов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотчилар томонидан оқбош карам етиштириш учун нав танлаш, мақбул экиш схемалари, экиш муддатлари ва

ўсимликларнинг жойлашиш қалинлигини, кўчатидан етиштириш, уруғидан етиштириш, асосий майдонда ўсимликларни парваришлаш технологиялари, кечки муддатда етиштириш учун муайян минтақалар тупроқ иқлимига хос навлар танлаш, ўсимликларни қулай схемаларда ва муддатларда экиш, навларга хос агротехникаларни қўллаш, суғориш, озиклантириш ва такрорий экинда етиштириш, мақбул навларини танлаш, уларнинг мақбул экиш схемаси, муддатини аниқлаш, минерал ўғитлар ва суғоришнинг ҳар бир нав учун энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар бериб ўтилган.

Бироқ, ушбу тавсиялар тадқиқотлар олиб борилган муайян минтақалар тупроқ-иқлим шароитлари учун ишлаб чиқилган. Республикаимизнинг шимолий ҳудуди Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароити айниқса, охириги йилларда об-ҳаво инжиқликлари, сув танқислиги, экин майдонлари тупроқлари шўрланиши кенгайиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси кучсиз шўрланган майдонларида етиштириш учун мос оқбош карам нав ва дурагайларини танлаш, навларни биологик ва хўжалик белгиларига мос экиш схемалари ва мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича илмий асосланган тадқиқотлар қўлами етарлича деб бўлмайди.

Ушбу тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикасида кучсиз шўрланган тупроқ-иқлим шароитида оқбош карам нав ва дурагайларини қулай схемаларини аниқлаш бўйича изла-нишлар олиб борилиб, илмий асосланган тав-сиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғис-тон Республикасининг шўрланган тупроқ иқлим шароитларида оқбош карам нав ва дурагайларини қулай экиш схемаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав ва дурагайларини турли экиш схемаларида экиб ўсимликларни ўсиши-ривожланиши, морфологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав ва дурагайларини турли экиш схемаларида экиб, маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти: оқбош карамнинг эртапшар “Навруз” нави, “Magnus F1” дурагайи, ўртапшар “Ташкентская 10” нави ва “Fresco F1” дурагайи.

Тадқиқот предмети: 70х30; 70х40; 70х50; 60х30 ва 60х40 см экиш схемалари, оқбош карам нав ва дурагайларининг морфо-биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик элементлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотлар Б.Ж.Азимов, Б. Б. Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002), “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” ВНИИССОК, М., 1987, Методика полевого опыта в овощеводстве. М., ВНИИО, 2011. (Под ред. С.С.Литвинова), В.Ф.Беликнинг «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур» (1987) номли қўлланмаларида келтирилган услублар асосида олиб борилди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) дисперсион услуби ёрдамида «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан амалга оширилди.

Хорижий мамлакатлар иқлими шароитида оқбош карамнинг 5, 6 ва 7 ҳафталик

кўчатларини қатор орасини 40 см ва қатордаги ўсимликлар ораси 20, 30 ва 40 см қилиб жойлаштириб етиштирилганда, қуйидаги натижалар олинган: 40х20 см схемада экилганда биринчи йили ҳосили 30,92 т/га, иккинчи йили эса 30,68 т/га ҳосил олинган. 40х30 ва 40х40 см схемада экилганда ҳосилдорлик мос равишда 22,76 ва 23,46 т/га; иккинчи йили 17,58 ва 18,56 т/га бўлган. Ҳиндистон шароитида карамдан энг юқори ҳосил 32,84-33,68 т/га олиш учун 5 ҳафталик кўчатларини 40х20 см схемада экиш мақсадга мувофиқ [18; с-17-18.].

Такрорий экинда оқбош карамнинг ўртапшар ва кечпишар навлари ва дурагайлари учун 70х50 см экиш схемаси ёки 0,35 м² озикланиш майдони 90х40 см 0,36 м² озикланиш майдони қулай бўлиб чиққан. Экиш схемаси ва дурагайга боғлиқ ҳолда гектаридан энг юқори ҳосил олинишини таъкидлаб ўтган [19; 41-42 б., 23; с-177-185., 28; с 524-533.].

Львов областининг сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларида эртаги карам 2–2,5 минг гектар майдонда етиштирилади, ҳосилдорлиги 160-180 ц/га. дан ошмайди. Карам ҳосилдорлигини ошириш мақсадида уни шу кунгача экиб келинаётган навларини янги серҳосил “Надежда” навига алмаштириб, 70х30 см схемага эмас, балки 70х40 см схемада экилганда ҳосилдорлик 42 фоиз ёки 7,5 т/га. га ошган [24; с-19-21.].

В. Ф. Пивоваров ва бошқалар [22; с-130-135.] оқбош карамнинг қуйидаги экиш схемаларини тавсия этишган: эртапшар навлар учун 60х30 см, ўртапшар навлар учун 60х40–45 см ва кечпишар навлар учун 60х50 см.

Оқбош карамни пишиш гуруҳларига қараб қуйидаги экиш схемаларини тавсия қилишган: тезпишар (жуда эртаги) 70х35 см; эртапшар - 70х40; ўртача эртапшар – 70х50; ўртапшар - 70х50; ўртача кечпишар - 70х50; кечпишар - 70х50 ва жуда кечпишар навлар - 70х70 см [17; с-17-18., 14; 221-228 б., 16; с-43-52., 25; 11-13 б.].

Оқбош карамни ўсув даври давомийлигига қараб қуйидаги экиш схемада экишни тавсия этган: эртапишар навлар: - 60х30 ва 70х30 см; ўртапишарларига 70х40 см, кечпишар навлар: - 70х40 ва 90х40 см [21; с-3-6.].

Республикамиз шароитида такрорий экинда оқбош карамнинг Саратони ва Шарқия 2 навларини етиштиришда 70х50 ва 90х40 см экиш схемаларини тавсия этганлар [11; с-21-26., 20; с-115-119., 26; с-1999-2002., 27; с-280-282.].

Адабиётлар ва турли илмий манбалардан маълум бўлдики, республикамизда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз шўрланган майдонларида етиштиришга мос оқбош карам нав ва дурагайлари, морфо-биологик, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тўлақонли илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун тавсия этилган нав ва дурагайлари экиш схемалари муайян шароитлар учун кўрсатилган.

Ноқулай тупроқ иқлим шароитларида етиштирилган экинлар ўзларининг нав хусусиятларини тўлиқ намоён қила олмайди, айниқса шўрланган ёки кучсиз шўрланган майдонларда маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги нисбатан пастроқ бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси республикамизнинг шимолий қисмида жой-лашганлиги ҳисобига, бошқа ҳудудларга нисбатан баҳорги мақбул ҳарорат 20-30 кун кеч бошланади, тупроқ шўрини ювиш тадбирлари 2 марта қишда ва эрта баҳорда ўтказилади.

Оқбош карам етиштиришда баҳорги муддатда экиш тадбири тупроқ шўрини ювиш ҳисобига 30-40 кунгача кечикади. Ўртанги ва кечки муддатларда экиш аксинча эртароқ бошланади. Ўртапишар навларни баҳорда эртароқ экиш самарали бўлиб, кечроқ экилганда ёзнинг иссиқ кунларида шўрланиш даражаси

юзага кўтарилиб, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Баҳорда нисбатан эртароқ экилганда ўсимлик илдизлари кучли ривожланиб ноқулай шароитларга чидамлилиги юқори бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз шўрланган майдонларида етиштиришга мос оқбош карам нав ва дурагайлари биологик, хўжалик талабларига мос экиш схемаларини аниқлаш мақсадида 2021-2023 йилларда махсус тажрибалар олиб бордик.

Оқбош карам навлари кўчатларини очиқ майдонга лентасимон қаторлаб экилди. Тажриба 4 қайтариқли бўлиб, ҳар бир вариант 4 қаторли, эгатлар узунлиги 10 м дан қилиб жойлаштирилди.

Ҳар бир вариант 70х30; 70х40; 70х50 см.ли қаторларда 28 м² га, 60х30 ва 60х40 см қаторларда 24 м² майдончаларга жойлаштирилди. Тажрибанинг умумий майдони 2112 м² ни ташкил қилди. Эртапишар “Навруз” нави ва “Magnus F1” дурагайи учун 70х30 см экиш схемаси, ўртапишар “Ташкентская 10” ва “Fresko F1” дурагайи учун 70х40 см экиш схемаси назорат сифатида хизмат қилди.

2021-2023 йилларда оқбош карам нав ва дурагайлари 40-45 кунлик кўчатларини 30-март санасида турли схемаларда экиб, фенологик кузатувлар олиб борилди. Биринчи босқичда кўчатларни тутиб олган даврида барча вариантларда 3-4 кун оралиғида бўлиб сезиларли фарқ кузатилмади.

Эртапишар “Навруз” навида карамбош ўрай бошлаган даврдаги фенологик кузатувларда назорат (70х30) ва 70х50 см схемада экилган вариантларда бир хил 32 кун, қолган вариантларда 31 кунда содир бўлди.

“Magnus F1” дурагайида ушбу босқич 28-29 кун оралиғида бўлиб, экиш схемалари вариантлари орасида катта фарқ кузатилмади (1-жадвал).

**Баҳорда турли экиш схемаларда экилган оқбош карам навларининг фенологик
кўрсаткичларига таъсири (2021-2023 йй.)**

Экиш схемалари	Кўчатлар тутиб олиши		Карамбош ўрай бошлаши		Карамбошлари етилиши	
	кун	сана/ой	кун	сана/ой	кун	сана/ой
“Навруз” нави						
70×30 см (наз)	3,0	03/IV	32	02/V	86	26/VI
70×40 см	3,0	03/IV	31	01/V	86	26/VI
70×50 см	3,0	03/IV	32	02/V	86	26/VI
60×30 см	3,0	03/IV	31	01/V	90	30/VI
60×40 см	3,0	03/IV	31	01/V	88	28/VI
“Magnus F₁” дурагайи						
70×30 см (наз)	3,0	03/IV	28	18/IV	62	02/VI
70×40 см	3,0	03/IV	28	18/IV	61	01/VI
70×50 см	3,0	03/IV	28	18/IV	61	01/VI
60×30 см	3,0	03/IV	29	19/IV	62	02/VI
60×40 см	3,0	03/IV	29	19/IV	61	01/VI
“Ташкентская 10” нави						
70×30 см	4,0	04/IV	38	08/V	108	18/VII
70×40 см (наз)	3,0	03/IV	38	08/V	106	16/VII
70×50 см	4,0	04/IV	38	08/V	106	16/VII
60×30 см	4,0	04/IV	39	09/V	112	22/VII
60×40 см	3,0	03/IV	40	10/V	110	20/VII
“Fresco F₁” дурагайи						
70×30 см	3,0	03/IV	41	11/V	94	04/VII
70×40 см (наз)	3,0	03/IV	40	10/V	93	03/VI
70×50 см	4,0	04/IV	40	10/V	93	03/VI
60×30 см	3,0	03/IV	41	11/V	99	09/VII
60×40 см	3,0	03/IV	42	13/V	95	05/VII

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида 70х30, 70х40 ва 70х50 см экиш схемаларда кўчатлар экилганидан 38 кун ўтиб карамбош ўрай бошлаган бўлса, 60х30 см схемада 39 кунда ва 60х40 см схемада 40 кундан сўнг бошланди. “Fresco F1” дурагайида назорат 70х40 ва 70х50 см схемаларда экилган вариантларда кўчат экилгандан 40 кунда карамбошлари шакллана бошлаган бўлса, 70х30 ва 60х30 см схемаларда 41 кунда, 60х40 см схемада 42 кунда содир бўлди.

Асосий босқич карамбошлари етилиш давридаги фенологик кузатувларда, “Навруз”

навини назорат (70х30) ва 70х40; 70х50 см схемаларда экилган вариантларда бир хил 86 кундан сўнг карамбошлари етилган бўлса, 60х40 см схемада 2 кун кечроқ ва 60х30 см схемада экилган вариантда 4 кунга кеч етилди. “Magnus F1” дурагайида назорат (70х30 см) ва 60х30 см схемаларда экилган вариантларда карамбошлари етилиши учун 62 кун, 70х40; 70х50 ва 60х40 см схемаларда экилган вариантларда 61 кун етарли бўлди.

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида кўчат экилгандан карамбошлари етилишигача барча вариантлар 106-112 кун оралиғида

ташкил этиб, 70x40 ва 70x50 см схемаларда 106 кун, 70x30 см схемада 108 кунда карамбошлари етилди, 60x40 см схемада экилган вариантда назорат вариантдан 4 кун, 60x30 см схемада энг зич экилган вариантда 6 кун кеч 112 кунда етилганлиги кузатилди.

“Fresco F1” дурагайи карамбошлари етилиши учун 70x30 см схемада экилган вариантда 94 кун, 70x40 ва 70x50 см схемаларда 93 кун етарли бўлди. 60x40 см схемада экилган вариантда карамбошлари назоратдан 2 кун кеч (95 кун) етилган бўлса, 60x30 см схемада экилган вариантда 6 кун кеч 99 кун талаб қилди.

Экиш схемаларини оқбош карам навларини фенологик кўрсаткичларига таъсири буйича маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, ўртапишар нисбатан морфологик кўрсаткичлари юқори навларни зичроқ экилганда карамбошлари етилиши 5-7 кунгача кечикди.

Бунга сабаб, ўсимликлар учун озуқа майдони ва ёруғликдан фойдаланиш коэффициенти камайганлиги билан боғлиқ бўлган.

2021-2023 йиллар мобайнида оқбош карам нав ва дурагайини кучсиз шўрланган майдонларда турли экиш схемаларида экиб етиштирилиб карамбошларининг маҳсулдорлиги ҳажми ва вазнига таъсири урганилди.

Карамбошлари етилган даврида хар бир вариантлардан қайтариқлар буйича 10 тадан карамбошлари олиниб, узунасига ўртасидан кесилиб, карамбошларнинг буйи ва эни узунлиги ўлчанди.

Эртапишар “Навруз” навида карамбошлари кесилиб биометрик ўлчовлар (буйи ва эни узунлиги) ўтказилганда, барча вариантлар бўйича карамбошининг бўйи 14,2-14,7 см оралиғида, карамбошини эни 14,1-14,6 см оралиғида тебранди. Энг юқори кўрсаткич 14,7-14,6 см 70x50 см схемада қайд қилинди. “Magnus

F1” дурагайида карамбоши баландлиги барча вариантлар бўйича 14,1-14,8 см, карамбошининг эни 13,7-14,4 см оралиғида тебранди, энг юқори (14,8x14,4 см) кўрсаткич 70x50 см схемадаги вариантда, энг паст кўрсаткич (14,1x13,8 см) 60x30 см схемада экилган вариантда қайд етилди.

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида карамбошлари баландлиги барча вариантларда 13,6-15,8 см, эни узунлиги 13,4-15,8 см оралиғида бўлиб, 70x50 см схемадаги вариантда карамбошлари энг юқори (15,8x15,8 см) кўрсаткичга эга бўлди.

“Fresco F1” дурагайида ҳам экиш схемалари бўйича ушбу қонуният такрорланди. Энг юқори кўрсаткич (15,6x14,6 см) 70x50 см схемада, энг паст кўрсаткич (12,9x12,8 см) 60x30 см схемадаги вариантда кузатилди.

2021-2023 йилларда оқбош карам навлари ва дурагайлари карамбошлари вазни маҳсулдорлигига турли экиш схемаларини таъсирини ўрганиб таҳлил қилиб борилди.

Карамбошлари етилган даврда барча вариантларда қайтариқлар бўйича карамбошлари йиғиштирилиб тортилди ва карамбошлар сонига тақсимланиб бир дона карамбошининг ўртача вазни аниқланди.

Эртапишар “Навруз” нави карамбошлари вазни ўртача кўрсаткичлари таҳлил қилинганда назорат (70x30 см) схемада экилган вариантда 1999,0 граммни, ташкил қилди. 70x40 см схемада экилган вариантимида уш-бу кўрсаткич (1205,0 г) назорат вариант билан сезиларли фарқ қилмади. 60x40 см схемада экилган вариантда ҳам карамбош ўртача вазни 1184,0 граммни ташкил этиб кўп фарқ қилмасда 1,3 % га енгилроқ бўлди.

60x30 см схемада экилган вариант карамбошлари вазни (932,0 г) назорат вариантга нисбатан 22,2 % га енгил бўлган бўлса, 70x50 см схемада экилган вариантда (1360 г) 13,4 % га оғирроқ бўлди (2-жадвал).

**Шўрланган майдонларда турли экиш схемаларида етиштирилган оқбош карам
навларининг карамбош кўрсаткичлари (2021-2023 й.й.)**

Экиш схемалари	Карамбош ўлчами, см		Карамбош вазни, г	
	бўйи	эни	ўртача	назоратга нисбатан, %
“Навруз” нави				
70×30 см (назорат)	14,4	14,3	1199,0	100,0
70×40 см	14,5	14,4	1205,0	100,5
70×50 см	14,7	14,6	1360,0	113,4
60×30 см	14,2	14,2	932,0	77,7
60×40 см	14,3	14,1	1184,0	98,7
ЭКФ ₀₅	0,8	0,9	19,7	-
Sx _%	0,9	1,0	0,3	-
“Magnus F₁” дурагайи				
70×30 см (назорат)	14,4	14,0	1230,0	100,0
70×40 см	14,5	14,2	1350,0	109,7
70×50 см	14,8	14,4	1376,0	111,8
60×30 см	14,1	13,8	1180,0	95,9
60×40 см	14,4	13,9	1220,0	99,2
ЭКФ ₀₅	0,9	0,8	21,9	-
Sx _%	1,0	1,0	0,3	-
“Ташкентская 10” нави				
70×30 см	15,1	15,0	1198,0	70,9
70×40 см (назорат)	15,7	15,6	1690,0	100,0
70×50 см	15,8	15,8	1765,0	104,4
60×30 см	13,6	13,4	910,0	53,8
60×40 см	14,5	14,3	1140,0	67,4
ЭКФ ₀₅	0,9	0,8	86,6	-
Sx _%	1,0	0,9	1,1	-
“Fresco F₁” дурагайи				
70×30 см	14,7	13,7	1260,0	72,0
70×40 см (назорат)	15,5	14,4	1750,0	100,0
70×50 см	15,6	14,5	1780,7	101,7
60×30 см	12,9	12,8	860,2	49,2
60×40 см	14,7	13,6	1221,0	69,8
ЭКФ ₀₅	0,9	0,8	31,1	-
S _{x%}	1,0	1,0	0,4	-

“Magnus F₁” дурагайида 2021-2023 йиллардаги карамбошлари ўртача кўрсаткичлари, назорат (70×30 см) вариантда 1230 г, 60×40 см схемада 1220 грамм, 60×30 см схемада 1180 граммни ташкил қилди. 70×40 ва 70×50 см схемаларда экилган вариантларда карамбошлари вазни ўртача экилган вариантларда 1350,0-1376,0 граммни ташкил

этиб назорат вариант кўрсаткичидан тегишли равишда: 9,7-11,8 % га юқори бўлди.

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида назорат (70х40 см) схемада экилган вариантда карамбошлари ўртача вазни 1690 граммни ташкил этди.

Назорат вариантга нисбатан 70х30; 60х30 ва 60х40 см схемаларда ушбу кўрсаткичлари тегишли равишда: (1198,0-910,0 ва 1140,0 г), 29,1-46,2 ва 32,6 % гача паст бўлганлиги аниқланди. Энг юқори кўрсаткич 70х50 см схемада экилган вариантда (1765,0 г) бўлганлиги аниқланди.

“Fresco F1” дурагайида карамбошлари вазни таҳлил қилинганда, назорат (70х40 см) вариантда ўртача 1750 граммга тенг бўлди. 70х30 см схемада экилган вариантда карамбошлари ўртача вазни (1260 г) назорат вариант кўрсаткичидан 28,0 % га, 60х40 см схемада экилган вариантда (1221,0 г) 30,2 % га ва энг зич 60х30 см схемада экилган вариантда (860,2 г) 50,8 % гача пасайиб борди.

“Fresco F1” дурагайида 70х50 см схемада экилган вариантда бошқа навлардаги қонуният кузатилмади ва назорат вариант кўрсаткичидан (101,7%) кўп фарқ қилмади.

Хулоса қиладиган бўлсак, оқбош карам нав ва дурагайлари турли схемаларда экилганда, ўсимликларнинг морфологик ва хўжалик белгиларини инобатга олиб экиш ижобий натижа олишга замин бўлар экан.

Озиқланиш майдони ошиб бориши билан бир туп ўсимлик маҳсулдорлиги ошиб борди, лекин гектардаги ўсимликлар сонини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳосилдорлик кўрсаткичида ушбу қонуният қайтарилмади.

Карамбошлари вазни бўйича тажриба вариантлари орасида ЭКФ05 – фарқи: “Навруз” навида 19,7 г, “Magnus F1” дурагайида 21,9 г, “Ташкентская 10” навида 86,6 г ва “Fresco F1” дурагайида 31,1 г, тажрибанинг аниқлиги Sx% - “Навруз” навида 0,3 %, “Magnus F1” дурагайида

0,3 %, “Ташкентская 10” навида 1,1% ва “Fresco F1” дурагайида 0,4 % ижобий бўлди.

Турли экиш схемаларини оқбош карам навлари ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашда ҳар бир навларда қайтариқлар бўйича деянкалардан йиғиб олинган карамбошлари тарозида тортиш йули билан аниқланди ва гектаридан олинган ҳосилдорлик аниқланди.

Экиш схемалари ўсимликларнинг маҳсулдорлигига турлича таъсир этган бўлса, гектардаги ўсимликлар сонига боғлиқ ҳолда ҳосилдорлик кўрсаткичларида ушбу қонуният такрорланмади. 2021-2023 йиллардаги олиб борилган тадқиқотларда ўртача ҳосилдорлик эртапишар “Навруз” навини назорат (70х30 см) вариантыда гектаридан олинган умумий ҳосили 57,1 т/га. ни ташкил қилди, нотовар (етилмаган, ёрилган) ҳосили (9,0 %) ажратилганда товарбоп ҳосили 51,9 т/га. ни ташкил этди.

60х40 см схемада экилган вариантда ушбу кўрсаткич умумий ҳосил – 49,3 т/га, нотовар ҳосил (11,0%) ва товар ҳосили 43,8 т/га бўлиб, назорат вариантдан 15,6 % га паст бўлди.

70х40 ва 70х50 см схемаларда экилган вариантларда карамбошлари вазни назорат вариантдан 0,5-13,4 % га юқори бўлсада, товарбоп ҳосили миқдори (39,8-36,1 т/га) 23,3-30,5 % га паст бўлган. 60х30 см схемада карамбошлар вазни назорат вариант кўрсаткичидан 22,3 % га паст бўлган бўлса, умумий ҳосили 10 % га паст бўлди. Ушбу вариантда нотовар ҳосили (21,0 %) кўпроқ бўлганлиги учун товарбоп ҳосили назорат вариантдан 21,4 % га паст бўлган.

Ҳосилдорлик бўйича “Навруз” навида тажриба вариантлари кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ЭКФ05 фарқи йиллар бўйича 2,3 т/га - 2,9 т/га, тажрибанинг аниқлиги Sx% - 0,8-1,0 % оралиғида ижобий бўлди. Эртапишар “Навруз” навида энг юқори товарбоп ҳосил (91,0 %) 51,9 т/га 70х40 см схемада экилган вариантдан олинди.

“Magnus F1” дурагайида уч йиллик ўртача ҳосилдорлиги (70х30 см) назорат вариантда умумий ҳосил 58,6 т/га, товарбоп (92,0 %) ҳосили 53,9 т/га. ни ташкил этди. 70х50 см схемада экилган вариантда гектаридан олинган товарбоп ҳосили 37,3 т/га, назорат вариант ҳосилдорлигидан 30,8 % га, 70х40 ва 60х40 см схемаларда экилган вариантларда товарбоп ҳосили (45,6-47,2 т/га) 15,4-12,5

%га паст бўлди. Ушбу дурагайимиз тажриба вариантлари йиллар буйича 2,6-3,3 т/га, ўртача ҳосилдорликда 1,0 га/т. Тажрибанинг $S_{x\%}$ аниқлиги - 0,8-1,0 % оралиғида ишонарли бўлган.

“Magnus F1” дурагайида энг юқори ҳосилдорлик ўсимлик сони энг кўп бўлган 60х30 см схемада экилган вариантдан (58,3 т/га) олинди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли экиш схемаларда етиштирилган оқбош карам нав ва дурагайлариининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)

Экиш схемалари, см	Умумий ҳосилдорлик, т/га		нотовар ҳосил, %	товар ҳосил, т/га	назоратга нисбатан, %
	ўртача	назоратга нисбатан, %			
“Навруз” нави					
70×30 см (назорат)	57,1	100,0	9,0	51,9	100,0
70×40 см	43,0	75,3	7,4	39,8	76,7
70×50 см	38,8	67,9	7,0	36,1	69,5
60×30 см	51,7	90,5	21,0	40,8	78,6
60×40 см	49,3	86,3	11,0	43,8	84,4
ЭКФ ₀₅	0,8	-	-	2,1	-
S _{x%}	0,3	-	-	0,8	-
“Magnus F ₁ ” дурагайи					
70×30 см (назорат)	58,6	100,0	8,0	53,9	100,0
70×40 см	48,2	82,2	5,4	45,6	84,6
70×50 см	39,3	67,0	5,0	37,3	69,2
60×30 см	65,5	111,8	11,0	58,3	108,3
60×40 см	50,8	86,7	7,0	47,2	87,5
ЭКФ ₀₅	1,0	-	-	3,0	
S _{x%}	0,3	-	-	1,0	
“Ташкентская 10” нави					
70×30 см	57,0	100,0	14,0	49,0	89,4
70×40 см (назорат)	60,3	105,8	9,0	54,8	100,0
70×50 см	50,4	88,4	7,0	46,8	85,4
60×30 см	50,5	88,6	29,0	35,8	65,3
60×40 см	47,5	83,3	18,0	38,9	71,0
ЭКФ ₀₅	3,3	-	-	2,8	
S _{x0%}	1,0	-	-	1,0	

“Fresco F ₁ ” дурагайи					
70×30 см	60,0	100,0	16,0	50,4	87,6
70×40 см (назорат)	62,5	104,2	8,0	57,5	100,0
70×50 см	50,8	84,6	7,0	47,2	82,0
60×30 см	47,8	79,6	21,0	37,7	65,5
60×40 см	50,8	84,6	17,0	42,1	73,2
ЭКФ ₀₅	1,0	-	-	2,9	
S _{x%}	0,3	-	-	1,1	

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида 3 йиллик ўртача ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда, (70х40 см) назорат вариантда умумий ҳосилдорлик 60,3 т/га, товарбop (91,0 %) ҳосили 54,8 т/га. Унга нисбатан 10,4 % паст (49,0 т/га) ҳосилдорлик 70х30 см схемада 14,6 % паст (46,8 т/га) ҳосилдорлик 70х50 см схемада экилган вариантларда бўлган бўлса, 60х30 ва 60х40 см схемаларда 34,7-29,0 % гача пасайиб борганлиги аниқланди.

“Ташкентская 10” навида ҳосилдорлик бўйича тажриба вариантлари ЭКФ05-фарқи йиллар бўйича 3,1-3,4 т/га, ўртача ҳосилдорлик 3,3 т/га, тажрибанинг аниқлиги S_{x%} -1,0 % ижобий бўлган.

“Ташкентская 10” навида 70х40 см схемада экилган вариантда барча вариантларга нисбатан ҳосилдорлиги 10,6-34,7 % гача юқори бўлиши исботланди.



“Fresco F₁” дурагайида 3 йиллик ўртача умумий ҳосилдорлиги назорат (70х40 см) схемада экилган вариантда 62,5 т/га, товарбop (92,0%) ҳосили 57,5 т/га. ни ташкил этди, 70х30

см схемадаги вариантда товарбop ҳосили 50,4 т/га, 70х50 см схемада 47,2 т/га. ни ташкил қилди ва назорат вариант ҳосилдорлигидан тегишли равишда 12,4-16,0 % га паст бўлди. 60х40 ва 60х30 см схемаларда экилган вариантларда гектардаги ўсимликлар сони 16,6-55,5 % гача кўп бўлишига қарамасдан, гектаридан олинган ҳосилдорлиги (42,1-37,7 т/га) 26,8-34,5 % гача пасайиб борди.



“Fresco F₁” дурагайини 70х40 см схемада гектарига 35714 дона ўсимлик экилганда, карамбошлари ўртача вазни 1750 г, товарбop (92,0 %), ҳосили 57,5 т/гани ташкил этиб барча вариантларга нисбатан 12,4-34,5 % гача юқори бўлганлиги аниқланди.

“Fresco F₁” дурагайида ҳосилдорлик бўйича тажриба вариантлари ЭКФ05-фарқи йиллар бўйича 2,9-3,4 т/га оралиғида, тажрибанинг аниқлиги S_{x%} - 0,3-1,1 % оралиғида ижобий бўлган.

Турли экиш схемаларини оқбош карам навлари ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш

бўйича олиб борилган тадқиқотлардан хулоса қиладиган бўлсак, навларнинг морфологик, хўжалик хусусиятларига боғлиқ ҳолда далага жойлаштириш юқори ҳосилдорликни таъминлар экан.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб, эртапишар “Навруз”

навини 70х30 см схемада гектарига 47,619 дона, “Magnus F1” дурагайини 60х30 см схемада гектарига 55,555 дона ва ўртапишар “Ташкентская 10” нави ва “Fresco F1” каби дурагайларини 70х40 см схемада гектарига 35714 дона ўсимлик экиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича аракатлар стратегияси тўғрисида”. Президент Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 февраль.
2. Мирзиёев Ш. ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Президент Фармони. – Тошкент, 2018 йил 29 март.
3. Мирзиёев Ш. ПК-2460-сон “2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”. Президент қарори. – Тошкент, 2015 йил 29 декабрь.
4. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабазавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси // - Тошкент, ЎзМЭ. 2002. – Б. 9–11.
5. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. – М.: Агропромиздат, 1992. – С. 30–45.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – С. 316–328.
7. “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” ВНИИССОК, М., 1987, – С. 40.,
8. Методика полевого опыта в овощеводстве. М., ВНИИО, 2011. – С. 650 (Под ред. С. С. Литвинова).
9. Азимов Б.Д., Шокиров А.Ж., Қосимова Ш. Экономическая оценка схемы посадки белокочанной капусты./ «Научное обеспечение картофелеводства, овощеводства и бахчеводства: достижения и перспективы», международная научно-практическая конференция (2013; с.Кайнар).. – Алматы, 2013. – С.50–53
10. Азимов Б.Ж., Шокиров А.Ж., Влияние схемы посадок на продуктивность белокочанной капусты в условиях луго-сероземных почв Узбекистана. / «Федеральное научных организаций России Федеральное государственное бюджетное научное учреждение «Прикаспийский научно-исследовательский институт аридного земледелия» Региональный Фонд «Аграрный университетский комплекс» Современные тенденции развития аграрного комплекса. – Солёное Займище, Астраханская область, Россия. 2016.-С.562–567.
11. Азимов Б.Ж., Шокиров А.Ж., Влияние срока посадки и схемы размещения на урожайность белокочанной капусты летнего срока возделывания. / Национальна Академия аграрных наук Украины институт овочивництва и баштанництва дослідна станція «Маяк» овочивництва и баштанництва: історичні аспекти, сучасний стан, проблеми и перспективи розвитку матеріали III Міжнародний науково-практичної конференцій (у рамках) II науково форуму «Науковий тиждень у Крутах – 2017», 13-14 березня 2017 р.с. Крути, Чернігівська обл.)-Крути, 2017. – С. 26–31.

12. Белик В.Ф. Сорта и гибриды белокочанной капусты. / Совершенствование технологий возделывания овощей. – Москва, 1988. – С. 38.

13. Болотских А.С. Схема посадки рассады капусты. // «Современные тенденции в селекции и семеноводстве овощных культур. Традиции и перспективы». I Международная научно-практическая конференция (4–6 августа 2008 года). – Москва, 2008. – Т. 1. – С. 136.

14. Буриев Х.Ч., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Муҳамедов М. Карам ўсимликлари. Карам навлари / Очиқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари. – Т.: ЎзМЭ, 2002. – Б. 221–228.

15. Войтенков Л.И. Перспективные сорта капусты белокочанной для Дальнего Востока // Ж.: Картофель и овощи. – Москва, 2002. – № 7. – С. 10.

16. Зуев В.И. Особенности возделывания овощных культур на засоленных почвах. Изд-во «ФАН». УзССР. Ташкент. 1977 г. – С. 43–52.

17. Кораблев Ю.Н., Циганок Н.С. Когда высаживать рассаду капусты? // Ж.: Картофель и овощи. – Москва, 2002. – № 1. – С. 17.

18. Королева С.В. Конвейер капусты для юга // Ж.: Картофель и овощи. – Москва, 2013. – № 7. – С. 17–18.

19. Лапасов С.С. Шокиров А.Ж., Азимов Б.Д. Оқбош карам экиш схемаларининг иқтисодий самарадорлиги. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг «Агроилм» илмий иловаси. – Тошкент, 2018. – №3 (53). – Б. 41–42.

20. Лапасов С.С., Шокиров А.Ж., Такрорий мударратта экилган карамни экиш мударратлари ва оптимал экиш схемаларининг ҳосилдорлигига таъсири / Инновационные подходы в современной науке: сб. ст. по материалам XLVII Международной научно-практической конференции «Инновационные подходы в современной науке». №11 (47). – Москва, «Интернаука», 2019. – С.115–119.

21. Маслов В.А. Влияние объема корневого питания и возраста рассады на урожайность капусты белокочанной ранней, цветной и пекинской.: Автореф. дисс. канд. с/х. наук. – Москва, 2013. – С. 3–6.

22. Пивоваров В.Ф., Арамов М.Х., Добруцкая Е.Г., Турдикулов Б.Т., Бахрамов Б.Б., Хасанов А.Р., Наджиев Ж.Н., Кучкаров А.М. Белокочанная капуста. / Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане. – Москва, 2001. – С. 130–135.

23. Шокиров А.Ж., Лапасов С.С. Установление сроков и схемы посадки капусты белокочанной (*Brassica capitata* L.) при позднем сроке возделывания // интегрированная система защиты растений от вредителей и болезней. Защита растений. Монография. Германия, 2019 г. – С. 177–185.

24. Ховрин А.Н., Елизаров О.А. Новинки селекции овощных культур // Ж.: Картофель и овощи. – Москва, 2014. – № 6. – С. 19–21.

25. Ҳақимов Р.А., Аббосов А.М. Оқбош карам. / Сабазавот ва полиз экинларини тавсия этиладиган навлари ва етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. – Тошкент, 2006. – 11–13 б.

26. Lapasov S.S., Shokirov A.J., Azimov B.J. Selection of White Cabbage Variety Samples Those are Cultivated in Uzbekistan Conditions // International Journal of Science and Research (IJSR) ISSN (Online): 2319–7064. Volume 6 Issue 11, November 2017. – P. 1999–2002.

27. Qosimova Sh.N., Shokirov A.J., Azimov B.D. Planting dates of cabbage in greymeadow soils Uzbekistan. // European applied sciences, 2012. – №1. – P.280–282.

28. Kosson R., Felczyński K., Szwejda-Grzybowska J., Grzegorzewska M., Tuccio L., Agati G. & Kaniszewski S. Nutritive value of marketable heads and outer leaves of white head cabbage cultivated at different nitrogen rates. /Acta Agriculturae Scandinavica, Section B – Soil & plant science, 2017. – Vol. 67. – No. 6. – P. 524–533.

MODERN TRENDS IN REGULATION OF ENVIRONMENTAL AND LEGAL RELATIONS: DIGITALIZATION AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE

Makhkamov Durbek,

DSc, professor Tashkent state university of law

Annotation. The intersection of digitalization and artificial intelligence (AI) with environmental law represents a significant evolution in regulatory frameworks worldwide. This article examines contemporary trends in the regulation of environmental and legal relations, particularly focusing on how digital technologies and AI are reshaping these domains. A comparative analysis of experiences from various foreign jurisdictions elucidates successful strategies and potential challenges, providing insights for future development in environmental governance.

Keywords: e-government, green economy, automation, natural resource, environmental safety, electronic digital signature.

Introduction. As global environmental challenges intensify, the regulation of environmental and legal relations has taken on new dimensions. Digitalization—encompassing technologies like big data, IoT (Internet of Things), and AI—offers innovative solutions to manage and mitigate environmental issues. This article explores how various countries are integrating these technologies into their regulatory frameworks to enhance compliance, monitoring, and enforcement.

The unprecedented development of information and communication technologies is rapidly entering the sphere of public administration. In social life, concrete systems expressed by terms such as “electronic state”, “electronic government”,

“electronic court” and “smart regulation”, “Smart law”, “Virtual legal space” are increasingly taking their rightful place in public administration. The impact of the Internet, a global communication and communication tool, state and individual life is so important that this process not only requires relevant in-depth scientific research in many fields, but also requires appropriate organizational measures by states and the international community. There is no doubt that the rapid development of social relations, which in some cases is difficult to predict, poses very difficult tasks for the modern law. In this regard, it is natural to ask what are the trends in the development of modern law. As shown in the scientific sources, today, along with the global

trends in the development of law, globalization processes and the unprecedented development of information and communication tools are a strong impetus for the development of mutual cooperation between states and peoples [1].

Digitalization refers to the conversion of processes and services into digital formats, allowing for more sophisticated data collection and analysis. Countries such as Singapore and Estonia have created digital governance in environmental regulation, leveraging e-Government platforms to facilitate compliance and streamline reporting processes.

In Singapore, the government's use of a centralized online platform for environmental permits and regulations simplifies the application and approval processes for businesses. This has led to enhanced transparency and efficiency, significantly reducing bureaucratic delays. Conversely, in Estonia, the nation's e-environment initiative employs digital tools that allow citizens and businesses to access real-time environmental data, improving public engagement in environmental protection.

On a global scale, the European Union (EU) has embraced digital transformation through its Digital Single Market strategy. The EU aims to harmonize data governance and encourage innovation while ensuring sustainability. Initiatives like the European Data Strategy promote a robust infrastructure for sharing environmental data among member states, enhancing collaborative regulatory efforts [2].

Artificial Intelligence, particularly machine learning and predictive analytics, has revolutionized the regulatory landscape. Countries like Canada and the United States are utilizing AI to analyze vast datasets, identifying trends and potential violations in environmental regulations.

In Canada, the Environmental and Climate Change department employs AI-driven models to predict the environmental impacts of industrial activities. These models help regulators allocate

resources effectively, prioritizing oversight for high-risk projects. In parallel, the U.S. Environmental Protection Agency (EPA) has integrated AI technologies to monitor air quality. Using satellite imagery and machine learning algorithms, the EPA can detect pollution sources and assess compliance with emissions standards more efficiently.

Moreover, AI's ability to process real-time data contributes significantly to adaptive environmental management. For instance, AI technologies in agriculture enable farmers to optimize water usage and reduce chemical inputs, promoting sustainable practices while complying with environmental regulations.

A comparative analysis highlights two distinct approaches: proactive engagement and regulatory flexibility.

The United Kingdom has taken a proactive approach by establishing a regulatory framework that encourages innovation while ensuring environmental protection. The UK Environment Agency employs AI to analyze data from multiple sources, including social media and remote sensing, to assess public sentiment and compliance. This real-time analysis allows for agile regulatory responses, addressing potential issues before they escalate into violations.

Germany's regulatory environment exemplifies the principle of flexibility. The country's adoption of the Circular Economy Act illustrates this trend, enabling adjustments based on digital feedback mechanisms from AI systems. By utilizing data from various stakeholders, Germany can dynamically adapt its regulations to meet evolving environmental challenges, fostering a culture of compliance and innovation.

Both the UK and Germany showcase the effectiveness of integrating digitalization and AI into regulatory frameworks. Their experiences support the notion that adaptive and responsive regulatory systems can drive improved environmental outcomes.

Despite the advancements, significant challenges remain. Data privacy and security concerns are paramount, especially with the increasing reliance on digital platforms. Ensuring the integrity of environmental data while protecting citizen information is a balancing act that requires careful policy considerations.

Additionally, the digital divide presents obstacles in the equitable implementation of these technologies. Countries with less access to technological resources face challenges in adopting AI and digital solutions, potentially exacerbating existing inequalities in environmental governance.

Conclusion. In Uzbekistan in order to implement these and many other urgent issues, on February 17, 2021, the decision of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to create conditions for the rapid introduction of artificial intelligence technologies” was adopted. . The document envisages the creation of a local ecosystem in the field of artificial intelligence and the necessary conditions for developers, legal regulation of the field, etc. [3]. It should be noted that the increasing expansion of artificial intelligence technologies in all aspects of society creates new problems for specialists engaged in research and development.

Taking into account these problems, there is a need to create all opportunities for scientists and engineers involved in the development of artificial intelligence in Uzbekistan. The country needs fresh and enterprising personnel with a deep understanding of technology who can develop new ideas to expand the frontier of knowledge in this field [4].

Digitalization and artificial intelligence are reshaping the landscape of environmental regulation. Experiences from countries like Singapore, Canada, and Germany illustrate various strategies to integrate these technologies effectively. While challenges persist, the potential benefits of enhanced compliance, resource allocation, and adaptive management strategies underscore the significance of these modern trends. As nations continue to navigate the complexities of environmental issues, leveraging digital tools and AI will be crucial in developing comprehensive and effective regulatory frameworks. Future research and collaboration on both a national and international scale will be essential in overcoming challenges and setting a path toward sustainable environmental governance.

Used references:

1. Akhmedshaeva. The main trends in the development of law in modern times // Bulletin of Legal Sciences. - 2018. Issue 2.
2. The EU's Digital Single Market strategy and environmental policies on the official EU website.
3. National database of legislation, 18.02.2021, No. 07/21/4996/0127; National Database of Legislation, 29.07.2021, No. 21.07.5199/0721
4. <https://yuz.uz/ru/news/iskusstvenny-intellekt---sovremennoe-trebovanie-v-razvitii-obestva-i-gosudarstva?>

EKISH SXEMASI VA NITRAGINNI TAKRORIY EKILGAN MOSHNING UMUMIY BARG SATHINING SHAKLLANISHIGA TA'SIRI

Israilov I. A.,

Toshkent davlat agrar universiteti dotsenti

Annotatsiya. Dunyo dehqonchilik tarixida energiya, resurs, mablag' tejamkor zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, quyosh energiyasidan samarali foydalangan holda bir yilda qishloq xo'jalik ekinlaridan ikki va uch marta hosil yetishtirish, aholini sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, ekologik toza mahsulot yetishtirish, oqsil muammosini hal etish, mosh yetishtirishda zamonaviy, innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqish eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Tayanch so'zlar: dukkakli ekinlar, mosh, variantlar, rivojlanish davrlari, ekish sxemasi, nitragin, FAR, fotosintez mahsuldorlik, barg yuzasi, barg sathi, biologik hosil.

Kirish. Bugungi kunda respublikamizda mosh ekini 14002 gektar asosiy ekin va 206172 gektar takroriy ekin sifatida hamda 7866 gektar bog' va tokzorlar orasidagi maydonlarda yetishtirilmoqda. O'zbekiston mosh eksporti bo'yicha hozirgi paytda dunyoda ikkinchi o'rinni egallaydi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktabrdagi PF-5853-son farmoniga muvofiq qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasida "yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish" ga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, unda qishloq xo'jaligini izchil rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish, agrar

sektorning eksport salohiyatini sezilarli darajada oshirishga qaratilgan" muhim strategik vazifalar belgilab berilgan.

O'zbekiston quruq subtropik mintaqada bo'lib, iqlimi keskin o'zgaruvchan, nisbatan quruq va issiq havo hisoblanadi. Iliq kunlarning davomiyligi (210-240 kun) bilan ajralib turadi. Iliq kunlar davomiyligining uzunligi bu mintaqada yil davomida qishloq xo'jaligi ekinlaridan ikki va uch marta hosil yetishtirish imkonini beradi.

Ya'ni, g'alla don ekinlaridan bo'shagan maydonlarga takroriy ekin sifatida tezpishar oziq ovqat ekinlari ekib yetishtirish imkonini beradi. So'ngi yillarda dunyo bo'yicha oziq ovqat mahsulotlari tanqisligi tobora keskinlashib borayotganligi, ekologik muvozanatning buzilishi

va oqsil muammosi kuzatilayotgan davrda takroriy ekin sifatida dukkakli don ekinlari ekib yetishtirish katta ahamiyatga ega.

Dukkakli don ekinlari doni oqsilga va qimmatli aminokislotalarga o'ta boy bo'lib, doni tarkibidagi oqsil miqdori o'rtacha 18-40% bo'lib, bu ko'rsatkich kuzgi bug'doyga nisbatan 1,5- 3,0 barobar yuqori hisoblanadi.

Mosh (*Phaseolus Aureus*) o'simligi dukkakli don ekinlari ichida tezpisharligi va vegetatsiya davrining qisqaligi bilan ajralib turadi. Shu sababli bu ekinni takroriy ekin sifatida nisbatan kech muddatlarda ham ekib yetishtirish mumkin.

Tadqiqot natijalari. O'simlikning normal o'sib rivojlanishi dalada yetarli barg yuzasini shakllanishiga bog'liq. O'simliklarning boshqa turdagi organizmlardan farqi ularda barg plastinkalarning mavjudligidadir.

O'simliklar barg plastinkalari yordamida fotosintez jarayonida bevosita ishtiroq etadi, ya'ni bunda olti molekula karbonat angidrit olti molekula suv bilan birikib, uglevod va erkin holatdagi kislorod ajralib chiqadi.

Faqat yashil o'simliklar aniqrog'i o'simliklarning bargi tabiiy ravishda organik birikmalar shakllantirish xususiyatiga ega. O'simlik barglari organik birikmalar sintez qilish bilan bir qatorda havoning tozaligini ta'minlashda, havoga erkin kislorod molekulalarini chiqarishda ham katta ahamiyatga ega.

Takroriy ekilgan moshning normal o'sib rivojlanishi uchun dalada yetarli barg sathini

shakllantirish lozim. Fiziologik jarayonlarning jadal kechishi, mosh ekinidan yuqori don hosili yetishtirish uchun daladagi umumiy barg sathi kamida 30-35 m² ni tashkil qilishi lozim.

Daladagi umumiy barg sathi eng avvalo ko'chat qalinligiga, tuplanuvchanlikka va o'simlikning holatiga bog'liq bo'ladi.

Dala ekinlarining hosildorligi ma'lum darajada o'simlikning va dalaning umumiy barg sathi o'lchamiga fotosintez mahsuldorligi ko'rsatkichiga bog'liq bo'ladi. O'simlik umumiy biologik hosilining 90-95% bargdagi xlorofillar ishtirokida shakllanib, fotosintez mahsuli hisoblanadi.

O'simlikdagi barcha muhim fiziologik jarayonlar: fotosintez, transpiratsiya, aeratsiya va moddalar almashinuvi bevosita barg ishtirokida kechadi.

O'simliklarning umumiy barg sathi ko'plab omillarga: xususan tuproq iqlim sharoitiga, ekin turiga, har bir navning biologik xususiyatlariga va agrotexnik omillarga bog'liq bo'ladi. Shu bilan bir qatorda umumiy barg sathi ma'lum darajada urug' ekish sxemasi va ko'chat qalinligiga bog'liq bo'ladi.

Maqbul oziqlanish maydoni va ko'chat qalinligini to'g'ri belgilash o'simlikning o'sib rivojlanishiga ijobiy ta'sir etish bilan birga fotosintez jarayonining jadal kechishini ta'minlaydi.

Tajribada nitragin qo'llashni va ko'chat qalinligini takroriy ekilgan mosh o'simligida umumiy barg sathining shakllanishiga ta'siri to'g'risidagi ma'lumotlar 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Ekish sxemasi va nitraginni takroriy ekilgan moshning umumiy barg yuzasining shakllanishiga ta'siri, ming m²/ga (2015-2017 yy.)

№	Ko'rinishlar	Ekish sxemasi	1 dona o'simlikning barg yuzasi, ming. sm ² /o'sim.	Umumiy barg yuzasi, ming.m ² /ga	Nazoratdan farq, ming m ² /ga
---	--------------	---------------	--	---	--

1.	Nitraginsiz	60x20-1	25,2	20,4	-
2.		60x15-1	22,7	23,6	3,2
3.		60x10-1	19,4	28,8	8,4
4.		60x5-1	16,1	32,2	11,8
5.	Nitraginli	60x20-1	27,4	22,5	2,1
6.		60x15-1	24,6	26,7	6,3
7.		60x10-1	21,1	32,8	12,4
8.		60x5-1	17,5	36,6	16,2

Olib borilgan tajriba natijalari mosh o'simligining barg sathi o'simlikning oziqlanish maydoni va ko'chat qalinligiga bog'liqligini ko'rsatdi.

Barcha ekish sxemalarida nitragin qo'llanilgan variantlarda o'simlikning barg sathi nitragin qo'llanilmagan variantlarga nisbatan yuqori bo'ldi.

Bunday holat nitragin qo'llanilishi o'simlikda barg yuzasini shakllanishiga va fiziologik jarayonlarning kechishiga ijobiy ta'sir etishini ko'rsatdi.

O'rtacha 3 yillik ma'lumotlar bo'yicha takroriy ekin sifatida ekilgan mosh o'simligida bir dona o'simlikning barg sathi variantlar bo'yicha 16,1-25,2 ming sm²/o'simlik ko'rsatkichni tashkil etdi.

Nisbatan yuqori ko'rsatkich 25,2 ming sm²/o'simlik urug'i 60x20-1 sxemada ekilgan sharoitda, o'simliklar nisbatan siyrak bo'lganda, oziqlanish maydoni yuqori bo'lgan sharoitda qayd etildi.

O'simlik siyrak bo'lganda, oziqlanish maydoni keng bo'ladi, o'simlikning ildiz tizimi va poyalari erkin o'sadi, natijada yetarli barg sathi shakllanadi. O'simlikning barg sathi bo'yicha nisbatan past ko'rsatkich 16,1 ming sm²/o'simlik mosh urug'lari takroriy ekin sifatida 60x5-1 sxemada ekilgan sharoitda kuzatildi.

Bu ma'lumotlar ko'chat qalinligi ortgani sari oziqlanish maydoni kamayadi, natijada bitta

o'simlikning barg sathi sezilarli darajada pasayadi. Biroq, 1 gektar maydondagi umumiy barg yuzasi ko'rsatkichi bo'yicha nisbatan yuqori ko'rsatkichlar 32,2 ming m²/ga mosh o'simligi 60x5-1 sxemada ekilgan sharoitda ko'chat qalinligi yuqori bo'lganda kuzatildi. Demak, daladagi umumiy barg yuzasi ko'rsatkichi ma'lum darajada o'simliklarning ko'chat qalinligiga ham bog'liq bo'lar ekan.

Xulosa. Demak, tajriba natijalari nitragin bilan ishlov berish mosh o'simligining umumiy barg sathining shakllanishiga ijobiy ta'sir etishini ko'rsatdi. Nitragin bilan ishlov berilgan variantlarda 1 dona o'simlikning barg yuzasi bo'yicha ko'rsatkichlar ham, 1 ga maydondagi umumiy barg yuzasi bo'yicha ko'rsatkichlar ham odatdagi variantlarga nisbatan yuqori bo'ldi.

Takroriy ekilgan mosh o'simligida 1 dona mosh o'simligining barg yuzasi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich 27,4 ming sm²/o'simlik 5-variantda, ya'ni urug'lar 60x20-1 sxemada ekilib nitragin bilan ishlov berilgan sharoitda kuzatildi.

Xuddi shunday qonuniyat tajriba o'tkazilgan boshqa yillarda ham kuzatildi. Takroriy ekilgan mosh o'simligida 1 gektar maydondagi umumiy barg yuzasi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich 36,6 ming m²/ga 8-variantda, ya'ni urug'lar 60x5-1 sxemada ekilib nitragin bilan ishlov berilgan sharoitda qayd etildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Atabaeva X.N., Israilov I.A., Umarova N.S., Qurbonov A., Abitov I, "Dukkakli-don ekinlarni yetishtirish agroteknologiyasi bo'yicha tavsiyalar" tavsiyanoma. Toshkent, 2017 y., 22 b.
2. Israilov I.A., Karimov A., Isroilov B. "Takroriy ekilgan mosh navlarining barg yuzasiga ekish me'vori va muddatining ta'siri". Respublika ilmiy amaliy konferensiyasi, Toshkent, 30-31 may, 2017 y., 43-45 b.
3. Iminov A.A., Xalikov B.M. «Takroriy ekinlarni tuproqdagi oziq moddalar miqdoriga ta'siri». O'zbekiston tuproqshunoslar va agrokimyogarlari jamiyati qurultoyi maqolalar to'plami. - Toshkent, TAITDI. 2005 y.
4. Носирова М.Д. - «Фотосинтетические параметры и продуктивность маша в пожнивных посевах». //Вестник ТАСУ, «Кишовар», 2004., № 3, 9-11 с.
5. Равшанова Н.А., Халилов Н.Х., «Рост и развитие и урожайность маша в зависимости от нормы посева густоты стояния растений». ж.Сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент, 2008 г. №2, с. 17-18.
6. Доспехов Б.А. - «Методика полевого опыта основами статистической обработки результатов исследований». //Москва, Колос, 1985, 351 с.
7. Nurmatov Sh. va boshq. - "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari". O'zPITI. -Toshkent, 2007. -146 b.
8. Ничипорович А.А. - «Фотосинтетическая деятельность растений в посевах». //Москва., 1961., 135 с.
9. Массино И.В., Умарова Н.С. - «Формирование площади листьев сортов сои в повторных посевах в зависимости от сроков сева». //Ташкент, ЎЗШИТИ илмий конференцияси, 2009., 18-20 с.
10. David C. Creswell, Nutritional Evaluation of Mung Beans (*Phaseolus aureus*) for Young Broiler Chickens Poultry Science, Volume 60, Issue 8, 1 August 1981, 1900-1905 r.
11. Lambrides, C. J.; Godwin, I. D., 2006. Mungbean. In: Chittarajan, K., Genome Mapping and Molecular Breeding in Plants, 3: 69-90 p.
12. Nasrin Begum, Mahfuza Begum, Parvez Anwar, Abdul ShukorJuraimi. Optimizing seed rate for summer mungbean varieties //Journal of agriculture & social sciences. Vol. 5, № 4, 2009. 113 - 118 r.

“БИТТА САТРИ ЁҚСА АГАР, ДУО ҚИЛИНГ ШОИРНИ”



Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!

*Муҳаммад Юсуф,
Ўзбекистон Халқ шоири*

Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг тарбиясини олган, ота изидан қолмай бораётган шоира Мадина Муҳаммад Юсуф қизининг “Нажиб ҳислар” номли янги китоби дунё юзини кўрди.

Мадина Муҳаммад Юсуф қизи 1985 йилда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ва шоира Назира ас-Салом оиласида таваллуд топган. Бугунги кунда Ўзбекистондаги етакчи банклардан бири АТБ “Infinbank” да фаолият олиб бормоқда. Банк тизимида фаолият олиб борсада, шеърятга бўлган меҳри сўнмаган. Буюк шоир отасининг изидан бориб халқ меҳрини қозонишни олий мақсади этиб белгилаб олган.


Халқимизнинг суюкли шоири Муҳаммад Юсуф “Мадина” номли шеърида “Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим” сатрларни битган эканлар.

Келажакни олдиндан кўра олганларми, башорат қилганларми, бу менга қоронғу. Менимча, кенжа қиз фарзандларини дуо қилганлар.


Унга шу сатрлари билан “оқ йўл” тилаганлар. Фарзанд учун ота дуосини олишдан-да ортиқ олий мукофот йўқ бу дунёда. Бу сатрлар қиз учун ота томонидан тиланган “оқ йўл” наздимда.

Шу сатрлар бағишланган қизалоқ бугун шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Муҳаммад Юсуфнинг қизи” номига лойиқ бўлиш йўлида тинмай ижод қилаётган ижодкор бўлиб камолга етди.

Мадинага Буюк шоирнинг қизи бўлиб дунёга келганлиги етарлидир балки, лекин, у бу билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Ота бошлаб берган ижод йўлини давом этириб, отага раҳмат келтиришни бош мақсади этиб белгилаб олган.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлиги, таниқли адиба Маъмура Зоҳидова масъул муҳаррирлигида “Адабиёт” нашриётида нашр этилган “Нажиб ҳислар” номли китоби юқоридаги фикримнинг яққол исботидир.



Китобнинг кириш қисмида “Шоиранинг самимий сатрларида Ватан муҳаббати, ота соғинчи, онага эҳтиром, муҳаббат таровати уфуриб туради. Айрим сатрлари бизга севимли шоиримизнинг нафасини келтиргандек бўлади” сўзларини ўқишингиз мумкин.

Бу ёлғон эмас, чин ҳақиқат. Китобга киритилган барча шеърларда Муҳаммад Юсуфнинг тимсолини кўришингиз мумкин. Сабаби, китоб саҳифаларидаги шеърларда қизнинг отага нисбатан кучли соғинчи, меҳр-муҳаббати сезилиб турибди. Ва шеърларнинг катта қисми Муҳаммад Юсуфга бағишланган.

Ота рози – Худо рози, биларман мен,
Усиз энди кимни рози қиларман мен.
Жойларини жаннатлардан тиларман мен,
Бу дунёга ҳайкал бўлиб қайтди отам.

Ёки

Довон оша келаяпман, ёлғизоёқ йўл,
Тоғларнинг бағрида ўланлар айтдим.
Соғинч ранги уриб кетди ўнг-у сўл,
Ота, мен келдим.

Яна бир сатрида шоира ёзади:

Қанотсиз қушдайин мен ҳоли забун,
Сизга маҳталлигим ортар кунма-кун.
Ҳар икки дунёнинг соғинчи учун,
Дийдор қиёматга қолдими, Ота?!

Ўйлайманки, бу китоб атрофимиздаги одамларга, дўстларга, ота-онага нисбатан бўлган ҳурмат рамзи, шунингдек, “ҳали барчадан ўтамыз, қизим!” сатрларини ҳаётда ҳам амалга ошиши учун қилинаётган ҳаракатлар самарасидир.

Мадина Муҳаммад Юсуф қизини янги китоби билан қутлаб, Сиз азиз китоб ўқишни суювчиларга тавсиям “Нажиб ҳислар” китобини ўқиб, шоира ўз сатрларида битганидек: “Битта сатри ёқса агар, дуо қилинг шоирни”.

Алишер Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ОДАМЛАРГА БАХТ УЛАШГИМ КЕЛАДИ...



Сирожиддин Рустамов,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
“Агро Информ” журнали Бош муҳаррири.

Юқорида қайд этилган сўзларни мен кўп маротаба касбдошим ва дўстим Маҳмудхон ака Тоировдан эшитганман.

...Маҳмудхон ака билан илк бор “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналига ишга ўтганимда учрашдик ва биринчи суҳбатимизнинг ўзида фикрларимиз бир-бирига тўғри келганлиги сабабли дўстлашиб қолдик. Иш жараёнида базида улар менга қандайдир масала юзасидан мурожаат қилсалар, баъзида мен уларни фикр-мулоҳазаларига муҳтож бўлардим.

Эътиборлиси, Маҳмудхон ака маълумоти бўйича журналист эмас, балки геолог-муҳандис бўлишига қарамасдан журналистикага оид масалаларда профессионал даражада фикр юритар, доимо тўғри маслаҳат берар эди.

Шундан бўлса керак, кейинчалик мен “Ўзбекистон балиқчилиги” журналига Бош муҳаррир этиб тайинланганимдан сўнг ҳам алоқамиз узилмади, аксинча, янада мустаҳкамланди.

Вақти-соати келиб мен Тошкент давлат аграруниверситети муассислигида чоп этилаётган

“Агро Информ” журнаlining Бош муҳаррири лавозимига ўтганимдан сўнг Маҳмудхон акани Бош муҳаррир ўрин-босарлигига таклиф қилдим.

Улар, нафақада бўлишларига қарамасдан, илтимосимни рад этмадилар ва биз биргаликда нашр этилиши тўхтаб қолган журнални мунтазам равишда чиқара бошладик.

Қисқа вақт ичида журнал Университет ўқитувчи-профессорлари, магистр ва илмий изланувчилари ҳамда талабалари ўртасида ҳурмат қозонди ва оммалашди.

Бугунги кунда унинг ўз ўқувчилари, юқори малакали муаллифлари етарли.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида Маҳмудхон ака Бош муҳаррирлигида биз Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан эътироф этилган “Агро Бизнес Информ” ижтимоий-иқтисодий, илмий-оммабоп журнали ҳам ҳамкорликда нашр этишни йўлган қўйдик.

Маҳмудхон ака билан “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналида ишлаётган кунларимизнинг бирида улар оталари —

Абдулҳақ ака Тоиров биринчи раҳбари бўлган Ўзбекистондаги 1-Қўйлиқ иссиқхона ком-бинати ҳақида мақола ёзиб беришни илтимос қилдилар.

Бу жараён бизларни янада яқинлаштирди...

Натижада мен уларнинг катта акалари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Носирхон ака, кўп йиллар мобайнида банк тизимида ишлаб, Ўзбекистон Марказий банкдан нафақага чиққан, айни пайтда МГИМО Тошкент филиалида масъул лавозимда сама-рали меҳнат қилаётган укалари Фозилхон ака билан танишдим, бу оила вакиллариининг барчаси зиёли, ўқимишли эканликларини кўрдим ва Маҳмудхон акага бўлган ҳурматим янада ошди.

Маҳмудхон аканинг оталари ҳақидаги мақолам “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналида эълон қилинди ва ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Маҳмудхон ака орқали мен уларнинг “минг йиллик” кадрдонлари, меҳнат фахрийси, чинозлик Файзулла ака Тожиқулов, 2005-2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланган, айни пайтда халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши депутати, журналист, Сурайё Аҳмедова, мазкур туманнинг собиқ ҳокими, ҳозирда нафақадаги Усмонали ака Умаров ва бошқалар билан танишиб, дўстлашдим.

Маҳмудхон ака билан танишганимдан буён уларнинг бешта китоблари нашр этилди.

“Ҳаёт сўқмоқларида” деб номланган илк китобидан Маҳмудхон аканинг босиб ўтган ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти, учрашган таниқли инсонлар ҳақидаги хотиралари ўрин олган бўлса, навбатдаги “Ҳаёт битиклари”, “Тафаккур неъматлари” (“Мысли вслух”), “Тафаккур дурдоналари” китобларидан унинг ҳикматомуз битиклари, долзарб масалалар юзасидан чоп этилган публицистик мақолалари ўрин олган.

“Сен ва мен” деб номланган шеърӣ тўплами ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди, албатта.

Маҳмудхон аканинг битикларини ўқи-ган одам, ушбу митти асарларнинг нақадар чуқур

фалсафӣ маънога эғалигига эътибор бермаслиги мумкин эмас. Шахсан мен уларни ўқир эканман кутилмаганда ўзимни ўйлантираётган нарсаларга жавоб топаман ва қониқиш ҳосил қиламан...

Маҳмудхон аканинг инсоний фазилат-ларига тўхталадиган бўлсам, уларнинг доимо яхши кайфиятда бўлишларига хавасим келади.

Улар ҳар қандай муаммо эртами-кечми ижобӣ ечим топишига ишонадилар ва атрофдагиларни ҳам шунга даъват этадилар.

Маҳмудхон аканинг битиклари орасида “Тушингда ҳам тушқунликка тушма”, “Имонли одам ҳеч нимаси қолмаганда ҳам имонсиздан юқори туради”, “ Қуёш нурларини қалбингда тўплаб, сўнг одамларга улаш” каби битиклар ўрин олганлиги шундан бўлса керак...

Яқин кунларда Маҳмудхон ака таваллуд топган кунининг 70-йиллиги бўлади.

Улар ушбу табаррук ёшни муносиб кутиб олаётганлари шубҳасиз. Чунки уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, меҳнат фаолиятлари, ижодий мерослари ўсиб келаётган янги авлод учун ўрнатилган даражададир.

Мен Маҳмудхон акани ушбу табаррук ёши билан муборакбод этар эканман, журналимизнинг ижодий жамоаси номидан уларга сиҳат-саломатлик, узок умр, оилавий бахт, ижодларида янгидан-янги зафарлар тилаб қоламан!

Ижод хирмонингиз бунданда юксала-версин, Маҳмудхон ака!

Мақоламни Маҳмудхон аканинг тўрттиклари билан якунламоқчиман, токи ушбу давъат барчамизнинг қулоғимизда жаранглаб турсин ва яхшилик сари бошласин:

Оққан сувлар қуриб қолар бахилликдан,
Қалб чашмаси сув ичади сахийликдан.
Мурувватдан эл кўқарар, дил кўқарар,
Бу дунёнинг дунёлиги яхшиликдан.

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCHJ

Nashr
O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MCHJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 23.12.2024-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Baхosi келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	2
Тоиров Н. Камтарин адиб	4
“Инсон ҳуқуқлари уйи”даги биринчи маърифий тадбир	9
Аҳмедова С. Сайловчиларим менга овоз беришганидан афсусланишмасин!	10
Қодиров Ч. Фермерни ҳимоя қилиш биргина кенгашнинг вазифаси эмас	14
Mamatqodirov J. B., Xolmurodova G. R. G'o'zada birlamchi urug'chilik jarayonlarini raqamlashtirish asosida qimmatli ashyolar bazasini yaratish	19
Мадалиев Х. А. Қишлоқ хўжалигида логистик тамойилларни ривожлантириш имкониятлари	22
Садыков А. М. Развитие узбекского сегмента fintech	28
Kadirova N. S., Ro'zioxunova H. J., Abduraxmanov O. X., Hakimov D. V. Oziq-ovqat mahsulotlaridagi allergen moddalar	32
Mamatqodirov J. B., Xolmurodova G. R. Sun'iy intellekt va raqamli tizimlar orqali g'o'zada urug'larning navdorligini raqamli boshqarish	36
Рахимова Д. И. Тевевит бомс препаратининг ғўзанинг ўсиши ва тупроқ микрофлорасига таъсири	39
Халилова Л. Н. Кузги буғдой дон сифат кўрсаткичларига маъдан ўғитлар ва ретердантларнинг таъсири	43
Mamasoliyeva N. S. Nutq odobi va nutqiy etiket	47
Мукимов З. М., Жабборов Х. Ш., Абдурахманов О. Х. Гидротермик ишлов бериш жараёнида бошоқли донлар таркибидаги намликни ўлчаш асбоблари, усулини танлаш ва асослаш	50
Тоғаева С. С. Кунгабоқарнинг дилбар нави ҳосилдорлигига минерал ўғитлар меъёрининг таъсири	56
Кенжаев Р. Х. Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари	60
Qulmetov M. Bank kredit portfelida muammoli kreditlarni kamaytirish yo'llari	64
Хомидов М. Х. Оддий калина (viburnum opulus l.) интродукцияси ва агротехникаси	68
Шокиров А. Ж., Жадигерова М. С. Шўрланган тупроқ шароитларига мослашувчан оқбош қарам нава ва дурагайлари етиштириш	73
Makhkamov D. Modern trends in regulation of environmental and legal relations: digitalization and artificial intelligence	85
Israilov I. A. Ekish sxemasi va nitraginni takroriy ekilgan moshning umumiy barg sathining shakllanishiga ta'siri	88
Тоиров А. “Битта сатри ёқса агар, дуо қилинг шоирни”	92
Рустамов С. Одамларга бахт улашгим келади	94